

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМШУНОСЛИК АКАДЕМИЯСИ

БЕРДИЕВ Б.О.

**ДАВЛАТ ИМИДЖИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ - 2025

Бердиев Б.О.

Б 26 Давлат имиджини юксалтириш ва сиёсий модернизация жараёнлари [Матн]: монография / Бердиев Б.О. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи, 2025. – 144 б.

Монография Ўзбекистоннинг давлат сифатида халқаро миқёсдаги имиджини юксалтириш билан боғлиқ ҳолда, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида сўнгги 34 йиллик даврда юз берган ўзгаришларни, ислохотларни, сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилишга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистонда сиёсий соҳада бўй берган жараёнлар, сиёсий институтларнинг шаклланиши ва қарор топиши, сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари тарихий, сиёсий, социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида таҳлил этилган.

Мазкур монография талабалар, докторантлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва давлат имиджи ва сиёсий модернизация жараёнлари, муаммолари билан шуғулланадиган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Ушбу монография Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий Кенгашининг 2025 йил 30 майдаги мажлисида (9-баённома) муҳокама этилди ва нашрга тавсия қилинди.

Масъул муҳаррир:

Акрамов Ж.Д. - сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент в.б.

Такризчилар:

Жўраев С.А. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Хуррамов М.К. – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор

“Qamar media” нашриёт матбаа уйи, 2020

МУҚАДДИМА

XX асрнинг охирги ўн йилликлари, XXI асрнинг биринчи чорагида дунё миқёсида содир бўлган ва бўлаётган шиддатли сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар, ҳодисалар, воқеликлар ҳар бир мамлакат олдига доимий тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаролик жамияти ва демократик бошқарув тизимини такомиллаштириб боришнинг янгидан-янги йўллари топиш заруратини қўймоқда. Ҳатто, давлат бошқарувини демократлаштириш ва доимий такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида етарлича тажрибага эга бўлган ривожланган мамлакатларда ҳам сиёсий модернизация жараёнларини доимий равишда оқилона ва самарали амалга ошириб бориш масаласи ҳар доимгидек муҳим омил сифатида кун тартибидан ўрин эгаллаб келмоқда. Зеро, ўтган асрнинг охирларида жаҳон сиёсатида юз берган сиёсий ўзгаришлар натижасида дунёнинг айрим минтақаларидаги мамлакатлар сиёсий модернизациялашув мураккаблиklarини бошдан кечирди ва кечирмоқда.

Дунёда юз бераётган демократик ўзгаришлар, ислохотлар жараёни, жамиятни сиёсий модернизациялаш муаммолари ва концептуал моделларини аниқлаш, демократик ривожланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини сиёсий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда уни бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида жаҳондаги кўпгина марказлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сиёсий модернизациялашни такомиллаштириш, глобаллашув жараёнида жамиятни ислоҳ этиш мезонларини аниқлаш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларида илмий марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, сиёсий модернизация эволюцияси ва тадрижий такомиллашуви механизмларини яратиш, жамият истиқболини прогнозлаш, модернизациялаш тузилмаси самарадорлигини ошириш ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш эҳтиёжи бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз янги давлат сифатида жаҳон сиёсатининг таркибий қисмига айланиши, бугунги кунда тез ривожланиб, доимий ҳаракатдаги ислохотларни тўғри йўналтира оладиган тизимни ярата олиши, кейинги тараққиёти учун мақбул йўлни

танлаш салоҳиятининг ортиши, ушбу жараёнлар натижасида юзага келган инқирозли ҳолатларга қарши самарали кураш йўлларини ишлаб чиқишнинг зарурати кабиларда намоён бўлди. Зеро, «...бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда»¹. Шунингдек, Ўзбекистонда давлат бошқарув органлари ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш масаласи энг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир. Сиёсий модернизация жараёнлари ва унинг ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ этиб бориш орқали жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган илмий хулосалар ишлаб чиқиш лозимлиги каби омиллар ушбу масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2023 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони, 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4472-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорива соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур монография муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуни ўрганиш давомида киритилган хулосалар шундан дарак берадики, мамлакат имиджини юксалтиришда сиёсий модернизация жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб,

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: «Ўзбекистон». 2016. –Б.20.

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларига доир дастлабки ғоялар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарларида келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ғояси асосида мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларини сиёсий жиҳатдан модернизациялаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» ишлаб чиқилди ва унинг концептуал вазифалари 2017-2019 йилларда амалиётга жорий этиб келинмоқда. Мазкур концепция ўзида мамлакатни сиёсий модернизациялашнинг концептуал янги миллий моделини намоён қилиб, илмий ишимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилган.

1950-60 йилларда дастлаб АҚШда юзага келган ушбу назария «учинчи дунё» давлатларининг мустамлакачиликдан озод бўлиши ва тараққиётнинг қийинчиликлари, трансформациялашувнинг мураккабликларига дуч келиши натижасида янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. Бу, ўз навбатида, бир қатор илмий қараш ва назарияларнинг вужудга келишига замин яратди.

Сиёсий модернизация ва унинг динамик ривожланиш жараёнлари, моделлари илмий тадқиқ қилиниб, унда мамлакатлар ва минтақалардаги сиёсий ўзгаришларнинг характери, ўзига хосликлари, ўзгаришларга нисбатан маданий ҳамда ҳудудий хусусиятлар таъсири кенг ёритиб берилган. Сиёсий жиҳатдан ривожланиб бораётган давлатлар фаолиятидаги устун хусусиятлар, коммунистик мафкуранинг асоси ҳисобланган марксизмга қарши тараққиёт вариантлари бугунги кунга қадар кўплаб олимлар ва мутахассислар томонидан кенг таҳлил қилиниб, самарали изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари ҳам кўплаб маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан тадқиқ қилиб, унда Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари, ислохотлар, жамиятдаги ўзгаришлар борасида танқидий ва объектив хулосалар берилган.

Сиёсий модернизация назариясининг ривожланишига собиқ иттифоқ даврида марксизм нуқтаи назаридан ёндашилиб, Ғарб жамияти ёки бошқа давлатлар тараққиёти коммунистик мафкурага зид ҳисобланганлиги ва коммунистик мафкуранинг инқироzi ҳам

сиёсий модернизация жараёнларининг ғоявий асоси бўлганлигини таъкидлашимиз жоиз. Сиёсий модернизация, демократлашув, фуқаролик жамиятига ўтиш, трансформациялашув, демократик транзит, постсовет ҳудудларда демократик ислохотларнинг кечиши, унинг самарадорлиги ва инқирозлари масаласида ҳам зарурий илмий тадқиқотларга эҳтиёж туғилаётганлигини қайд этиш лозим. Ўзбекистонда сиёсий соҳада амалга ошириладиган ислохотларни, кенг кўламдаги ўзгаришларни, модернизация ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг демократлашувини, либераллашув жараёнларини, тоталитаризмдан демократияга ўтиш характери, шунингдек, сиёсий ўзгариш ва ислохотлар мамлакатимизда рўй берган сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, устувор йўналишлари, сиёсий модернизация босқичлари, миллий менталитетга хос ислохотлар ва сиёсий модернизация термини қўлланилиши каби масалаларда муҳим ўрин тутди деб умид қиламиз.

I бoб. СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1 &. Сиёсий модернизация назариясининг моҳияти, ривожланиш босқичлари ҳамда асосий тадқиқот йўналишлари

Одамлар нафақат ўз моддий эҳтиёжларини қондира оладиган, балки, ҳар томонлама бахтли яшашлари учун ҳам зарур бўлган адолатли жамият ва давлат ҳақидаги орзулар инсониятда ижтимоий онг вужудга келган вақтдан бери уларни тарк этмаган. Шу жиҳатдан ҳам, инсоният тараққиётида сиёсий тизимлар, бошқарув шаклларининг тадрижий ривожланиб бориши билан жамиятда уларга нисбатан ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими ҳам шаклланиб, такомиллашиб боради. Муносабатларнинг такомиллашиб бораётган мураккаблиklarини, зиддиятларини ва бошқа омилларини идрок қилиш, уларни аниқлаш ва ижобий ҳал қилиш жамият ва давлат миқёсида ўзига хос сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Жамиятда доимий тараққиётнинг мавжудлиги ва унга бўлган интилиш кишилик жамиятининг, унинг соҳаларининг ривожланишини таъминлаб беради. Маълум бир соҳанинг тараққиёти жамиятдаги бошқа соҳаларнинг ҳам тараққиётига асос бўлади. Уларнинг ривожланганлик даражасини ўрганиш, таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашнинг имкониятлари ва мезонлари юзага келади. Бир томондан олиб қараганда, мамлакатнинг сиёсий ривожланганлигини, иқтисодий ривожланганлик даражасини аниқлаш сингари (яъни, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятига, ишлаб чиқарган маҳсулот ва товарларини экспорт қилиш салоҳиятига, аҳоли жон бошига ЯИМ ва ЯММ нинг қийматига, харид қувватига, яшаш даражасининг юқорилиги каби) аниқ ва тажрибада исботланган мезонлар асосида ўлчаб бўлмайди. Сиёсий тузум ва бошқарувнинг самарадорлиги ҳамда мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан етуқлигини фақат фуқароларнинг сиёсий бошқарувдаги ўрни ва роли, жамоатчиликнинг давлат сиёсий фаолияти устидан қанчалик назорат қила олиш қобилияти, аҳолининг сиёсий онги ва маданияти даражаси, сиёсий ҳаётга нисбатан эркин ва холисона фикр билдира олиш лаёқати, жамиятда ижтимоий-сиёсий уюшмаларнинг, институтларнинг мавжудлиги ва уларга яратилган

имкониятлар, уларнинг нечоғли самарали фаолият юритиши ҳамда давлатга таъсир ўтказа олиш қудрати билангина белгилаш мумкин.

Тараққиётнинг замон талаблари ва эҳтиёжларига мос ҳолда бўлишига интилиш бугунги кунда жаҳон миқёсида амалга оширилаётган кенг жараёнлар ҳисобланиб, бугунги кунда дунёдаги деярли барча мамлакатлар ушбу ўзгаришларнинг фаол иштирокчиларидир. Сиёсий ёки ҳар қандай соҳадаги ўзгариш сиёсий фанларда кенг миқёсли ўрганилиш даври асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди. Бу даврга келиб сиёсатшунослик, яъни политологиянинг вужудга келиши масаланинг энг муҳим томони бўлса, иккинчи муҳим томони сифатида баъзи бир давлатлар ва жамиятларнинг АҚШ ва Ғарб давлатларидан ортда қолаётганлиги ва уларнинг асосий тараққиёти учун ривожланиш йўллари кўрсатиб беришга бўлган “эҳтиёж”нинг пайдо бўлиши билан тушунтириш мумкин. Бунга қадар “модернизация” термини ривожланиш, замонавий босқичга ўтиш, такомиллашиш сифатида асосан социология ва бошқа ижтимоий фанлар тизимида маълум бир олимлар гуруҳи, яъни Макс Вебер[128; 130;], Эмил Дюркгейм[143; 144;], Херберт Спенсер[183;], С.Эйзенштадт[148;] ва хоказо олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва илмий соҳада кенг фойдаланилган.

Жумладан, модернизацияга нисбатан С.Эйзенштадтнинг “модернизация дастлаб Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ўн еттинчи ва ўн тўққизинчи асрларда юзага келган ва ривожланган, кейинчалик эса ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига тарқалган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизим турлари йўналишларининг ўзгариш жараёнлари сифатида талқин қилиш мумкин» – деб ёзган фикри модернизация парадигмасига берилган энг муҳим таърифлардан бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим[146: 147;]. Олимнинг бу борадаги тадқиқотлари ниҳоятда қимматли бўлиб, жамиятнинг ўзгариш йўллари, уларда инқилобнинг вужудга келиши, унга сабаб бўладиган омиллар билан бир қаторда, жамият сиёсий ҳаётига маданиятнинг таъсири масалалари тадқиқ қилинган. Айниқса, буюк цивилизацияларга хос бўлган ўзгаришлар ва инқилобларнинг вужудга келиши (инқилоблар деганда хаос эмас, балки онгдаги ва маданиятдаги кескин ўзгаришлар назарда тутилган), уларнинг тарихий асослари, институционал омилларининг ижтимоий

институтларда акс этиши ва бунинг натижасида масалалари С.Эйзенштадтнинг жамият ўзгариши ҳақидаги ғоялари умумий цивилизацияларнинг ўзига хос антиномиялари шаклланиши ва уларнинг европа тажрибаси мисолида буюк инқилобларни вужудга келтирганлигида намоён бўлган. Унинг таъкидлашича, инсоният қачонки, диний, илоҳий қарашларни енгиб ўта олган ва дунёвий масалаларни эркин руҳ билан мушоҳада қила олиш қобилиятига эришилгандагина, сиёсий ва ижтимоий эркинликни қўлга киритади. Ўз тадқиқотларида олим томонидан ҳар қайси соҳада модернизациялашув рўй бериши учун инсоният аввало, онгли ёндашиши лозимлигини, маданий ўзгаришлар самарали тарзда рўй беришигина кутилган натижани бериши таъкидланган. Бу биринчидан, илоҳий тасаввурлар билан боғлиқ бўлган, инсоният учун яратилган имкониятларнинг кенглиги ва уларни амалга оширишнинг йўллари тобора кўп эканлигини англаб етиш эди. “Ушбу цивилизацияларнинг бир-биридан фарқланиб турадиган хусусиятларидан бири улар ичида илоҳий ва дунёвий тартиботлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги муқобил, рақобатлашувчи тасаввурларнинг мунтазам ривожланиб боришидир. Бу муқобил қарашлар бундай тамаддунларнинг ва уларнинг институционал барпо этилиш чоғида сақланиб қолган асосларининг ўзига хос бўлган уч бошланғич антиномиялар асосида шаклланган” – дея таъкидлаган эди олим[146; Б.23].

Сиёсий фанларнинг энг муҳим мавзуси ва категорияларидан бири ҳисобланган сиёсий модернизацияни ҳақида кўплаб таърифлар ва талқинлар айтилган бўлиб, уларнинг барчасида “...жамият ривожининг асосида индивидларнинг оммавий яратувчанлик фаолияти ҳисобигагина қондириладиган ҳар хил эҳтиёжларнинг вужудга келиши ва ўсиши мавжудлигини ҳамда ушбу қонуният жамиятнинг оддийдан мураккаб тизимга томон ҳаракатланишининг умумий йўналишларини акс эттириши” амалда исботлаб берилган. Бунинг натижаси ўлароқ, жамиятда иқтисодий соҳада меҳнат тақсимооти шакллари ҳамда иқтисодий муносабатлар мураккаблашиб бориши, маълум бир турдаги маҳсулотлар яратиш ҳамда хизматлар кўрсатиш учун алоҳида индивидлар ва гуруҳлар ихтисослашиши, уларнинг ўзаро таъсирга киришишлари, тажриба ва ахборот алмашишлари туфайли эса жамиятда ранг-баранг моддий қадриятлар яратилса, ижтимоий соҳада иқтисодиётнинг

самарадорлигини таъминлаб берадиган таълим-тарбия, фан ва илмий янгиликлар, эмпирик билимларнинг ўсиши, тиббиёт соҳаси ва муассасаларининг тараққиёти, аҳолининг сиёсий онги ошиши, эришилаётган ютуқларни ва камчиликларни англаб етадиган ва ҳар бир соҳада комиллик асосида фаолият кўрсата оладиган кадрларнинг етишиб чиқиши ҳамда жамиятнинг социал ҳаётига доир институтларнинг пайдо бўлиши кузатилади.

Сиёсий соҳада эса муносабатларни, барқарорликни тартибга соладиган давлат тузилмаларининг юзага келиши ва уларнинг замон талаблари асосида такомиллашуви, тараққиёт ва жамиятдаги эҳтиёжлар натижасида юзага келадиган сиёсий кучларнинг, гуруҳлар ва синфларнинг ранг-баранг манфаатларининг мувозанатга келишини таъминлайдиган институтларнинг пайдо бўлиши, улар фаолиятларида сифат даражаларининг ўсиши кузатилади.

Сиёсий кучларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш билан бир вақтда, бошқарув соҳасида ҳам самарадорликни ошириш учун сиёсий ҳаётда ривожланиш ва такомиллашув рўй беради. Бу эса ўз навбатида жамиятда иқтисодий ривожланиш, сиёсий ривожланиш ҳамда уларнинг келажакдаги барқарор тараққиётини таъминлайдиган сиёсий институтларни вужудга келтиради, иқтисодий ривожланиш билан бирга, сиёсий ҳаётда:

- дин ва диний институтларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги мавқеини белгилаб беради;

- сиёсий институтлар фаолияти тобора такомиллашиб бораётган шароитда сиёсий маданияти ва онги ошиб бораётган аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатга нисбатан қизиқишини орттиради;

- кенг аҳоли қатлами ва сиёсий гуруҳларнинг сиёсий иштирокини (political participation) вужудга келтиради, сиёсатда иштирок этишин кенгайтиради ва жамият олдига уларни ечиш йўллари кўндаланг қилиб қўяди ва хоказо.

Асосий сабаб, жадал тараққиётнинг натижасида бошқа соҳаларга эҳтиёжнинг юзага келиши ва жамиятнинг ўзи ҳам бу эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлигидир. Чунки, ҳар хил эҳтиёжларнинг ўсиши ва унга мос равишда меҳнат тақсимооти шакллари кўпайиши натижасида ранг-баранг ижтимоий

муносабатлар, ижтимоий гуруҳлар, уларнинг турмуш тарзи ва ўзига хос хусусиятлари ҳам ортиб боради. Энг асосийси, уларнинг

Бу ҳолат – ривожланаётган жамиятнинг табиий-тарихий механизмидир. Ушбу жараёнларнинг боришида, яъни жамиятдаги эҳтиёжларни қондириш учун амалга оширилаётган фаолият натижасида нафақат янги муносабатлар шаклланади, балки, жамиятнинг барча хусусиятларини ўз феъл-атвори ва хатти-ҳаракатида намоён қиладиган шахс шаклланади. Шунингдек, эҳтиёжларнинг табақалашганлиги туфайли индивидларнинг турли хил дунёқараши, яшаш тарзига маъно бағишлайдиган маданияти ҳамда моддий ва маънавий қадриятлари ҳам вужудга келади.

Юқорида келтириб ўтилганидек, табиий эҳтиёжларни қондириш учун сиёсий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз бериши лозим бўлади. Сиёсий ўзгаришларнинг ўзи эса бошқариш ва бошқарилиш тузилмаларида замонавий усуллар ва институтлар тузилишини тақозо қилади.

Лекин, “Жамиятда мазкур институтларнинг шаклланиши ҳамда фаолият юритиши учун ҳар доим ҳам имкониятлар ва зарурат бўладими?” – деган савол туғилиши табиий. Жамиятнинг замонавийлашув имконияти ва тараққий этишга бўлган қобилияти кўпроқ жамият маданиятлари тизимининг қай даражада бир-бирига таъсир кўрсата олишига (яъни, шахс фаолияти ва хулқ-атвори асосида қандай қадриятлар ётишига) ва ижтимоий муносабатларга боғлиқ бўлади. Бунда сиёсатда, айниқса модернизация жараёнида нима учун айнан маданиятнинг таъсири бўлиши кераклигини ёки унинг ўрни қай даражада бўлиши лозимлигини ҳам ҳисобга олиш жуда муҳим. Чунки, жамиятнинг замонавийлашувига, унда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа институтларнинг юзага келишида ва мавжуд бўлишида маданият ва унга боғлиқ қадриятлар ўзининг муносиб ўрнига эга. Маданият мавжуд муносабатларнинг шунчаки қайта яратилишини таъминлаши, индивидларларнинг эҳтиёжларини чеклаши ҳам мумкин, лекин, шу билан бирга, индивидларнинг ижтимоий муносабатларини янада такомиллаштиришга ва мураккаблаштиришга, уларда ўсиб келаётган турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун интилишни шакллантириш имкониятларини яратиши ҳам мумкин.

Монографиянинг асосий мавзусидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий модернизация категориясини чуқур тадқиқ қилган олимлар

қаторига ҳақли равишда америкалик сиёсатшунос олим С.Хантингтонни киритиш лозим. Унинг “Ўзгараётган жамиятларда сиёсий тартиб”, “Демократия инқироzi”, “Учинчи тўлқин: XX аср сўнгида демократлашув”, “Биз киммиз? Америка миллий ўзлигини англашга таҳдидлар”, “Ўзгаришдан ўзгаришга: Модернизация, Ривожланиш ва Сиёсат” [184: 186: 187:188] асарлари бутун жаҳон миқёсидаги сиёсий модернизация жараёнларини қамраб олишни назарда тутган ва ушбу мавзу доирасидаги энг кўп . Ушбу асарларнинг илмий қиймати ниҳоятда юқори бўлиб, уларда сиёсий тараққиётнинг асоси бўлиб фақат жамиятнинг демократик маданият билан бойиши ва сиёсатда онгли иштирокининг кенгайиши алоҳида эътибор билан ёритилган. “Иқтисодиёти заиф бўлган мамлакатларнинг сиёсий тизими юқори даражада ривожланган бўлиши мумкин, шунингдек, иқтисодий тараққиётда юқори даражага эришган мамлакатларнинг сиёсий ҳаёти эса яхши ташкил қилинмаган ёки бетартиб бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам XX асрда сиёсий қолоқлик ёки заиф ривожланган иқтисодиёт биринчи галда модернизациялашаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларига тегишлидир” – деб ёзган эди асарларидан бирида[184;].

Инсониятнинг цивилизациявий тараққиёти тажрибаларидан келиб чиқиб, жамият ривожланишининг икки босқичини – анъанавий ва замонавий турларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Анъанавий жамиятга нисбатан турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, россиялик олим Р.Т.Мухаев уни шундай таърифлаган: “Анъанавий жамият – ҳоҳ жамият ҳаёт тарзида бўлсин, ҳоҳ индивидларнинг онгу-шуурида бўлсин ва ҳоҳ бошқарув ёки давлат, ҳокимият муносабатларида бўлсин энг аввало, уруғ аймоқчилик, қабила ва этник муносабатлари, маҳаллий қадриятларга таяниб фаолият юритувчи, иқтисодий ва технологик қолоқлик билан характерланадиган ва жамиятдаги ижтимоий муносабатлар кўпроқ анъаналар ва одатлар ҳамда йўл-йўриқлар билан тартибга солинади” [167; Б.317]. Бу қарашнинг баъзи бир элементлари, яъни уруғ-аймоқчилик, қабила, этник муносабатларнинг анъанавий жамиятга хос эканлиги, ижтимоий муносабатларнинг ҳам жамоавийлик асосида тартибга солиниши ёки жамиятга таъсир кўрсатиши – ҳақиқат. Лекин жамиятга иқтисодий ва технологик қолоқликнинг хос бўлиши – бир томонлама, юзаки фикрдир. Зеро,

бугунги кунда анъаналар ҳукмрон бўлган Япониянинг, “Осиё йўлбарслари” дея ном олган давлатларнинг, баъзи бир араб давлатларининг, Эроннинг иқтисодий ва технологик жиҳатдан ўта қолоқ эмаслиги барчамизга маълум.

Анъанавий жамиятда индивид жамоа билан “аралашган” ва ўз шахсий манфаатларини англаб етишда ҳам, ҳуқуқий қарашларида ҳам, индивидуал эркинлигида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлади. Индивиднинг дунёни англаши ва тушунчалари диний ва анъанавий мифологик қарашлар асосида шаклланган бўлиб, у кўпроқ ўз етакчиларини тан олади ва уларни қаттиқ ҳурмат қилади, реалликни англаши ҳам кўпинча шулар орқали амалга ошади. Бундан ташқари, бошқарув соҳасида ҳам индивиднинг манфаатлари ёки эҳтиёжларини қондириш механизмларининг бошқачалиги, яъни ўзи яшаётган жамиятгагина хос эканлиги ва бунинг натижасида бошқарувда замонавий жамиятдагига нисбатан самарадорликнинг пастлиги, мавжуд анъанавий қонун-қоидаларнинг ҳам индивиднинг манфаатларига эмас, балки, биринчи галда жамоанинг манфаатларига мослаштирилганлиги ҳам анъанавий жамиятга хос бўлган хусусиятдир. Юқорида келтириб ўтганимиздек, анъанавий жамиятларда (асосан ривожланиш сари энди қадам қўяётган мамлакатларда) сиёсий ҳаёт барқарор сиёсий ҳуқ-атвор намуналари билан белгиланган анъаналар ва урф-одатлар билан қаттиқ тартибга солинган бўлади. Сиёсий институтларнинг функциялари бир мунча заиф ва бунинг оқибатида сиёсий тизим иқтисодий, социал ва технологик характердаги ислохотларга кам мослашади ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг янги талаблари юзага келишига мос бўлмаган усуллар билан жавоб беради.

Шунингдек, анъанавий жамиятга нисбатан бошқа таърифлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда баён қилинишига кўра унда қуйидаги белгилар мавжуд:

1. Тарихий жараёнларнинг «узлуксизлиги», тарихий даврлар ўртасида аниқ чегараларнинг, қалтис ҳаракатларнинг ва қўзғалишларнинг йўқлиги;
2. Тарихий ривожланиш хусусиятларига нисбатан Европанинг чизиқли тараққиёт концепцияси қўлланилмаслиги;

3. Давлатнинг жамиятни ўзига бўйсиндириб олганлиги ва жамиятнинг давлатдан ташқарида бўлиб, давлат томонидан қабул қилинадиган қарорларга ўз таъсирини ўтказа олмаслиги;

4. шахснинг давлатдан эркин ва ажралган ҳолда яшаши таъминининг йўқлиги ва жамиятга қаттиқ боғланганлиги;

5. Ижтимоий сафарбарлик даражасининг бир мунча пастлиги, ижтимоий синфлар ўртасидаги фарқларнинг катталиги;

6. Хусусий мулк институтининг заиф ривожланганлиги ва дахлсиз эмаслиги;

7. Жамият ҳаётида анъаналарнинг, урф-одатларнинг ва меъёрларнинг устунлиги.

Шунинг учун ҳам, жамият соҳаларининг ривожланиб бораётгани сайин анъанавий жамиятлар ортида қола бошлайди ва нуқсонларни бартараф этиш баробарида улар ҳам модернизациялаша олиш қобилиятига эга бўлиб борадилар. Буни аввало жамият дунёқарашининг, турмуш тарзининг ўзгариши натижасида уларнинг замонавий сифатлар касб эта боришида кузатиш мумкин. Лекин шунинг ҳам таъкидлаш ўтиш лозимки, сиёсий модернизациялашув жараёнлари айнан анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш сифатида талқин қилинса-да, бу жараёнлар технологик жиҳатдан юқори бўлган баъзи бир жамиятларнинг бир тизимдан иккинчи бир тизимга трансформациялашуви сифатида ҳам амалда ўз ишотини топиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида собиқ социалистик лагер таркибидаги давлатлар фаолиятини келтириш мумкин. Ўзбекистон мисолида айтганда, бу анъанавий жаиятдан замонавий ўтиш эмас, балки тоталитаризмдан ҳалос бўлиш, турғунликдан чиқиш ва замонавий давлатлар қаторига қўшилиш борасида олиб борилган ишхотларни айтиш лозим.

“Модернизациянинг мақсади – иқтисодий юксалиш, тенглик, демократия, барқарорлик, фаровонлик, адолат, тартиб-интизом каби социал қадриятларни жорий қилиш, шунингдек, уларнинг бутунлай тескариси бўлган камбағаллик, тенгликсизлик, қатағон, зўрлик, шахснинг бировга, жамиятга ёки давлатга қаттиқ боғланганлиги сингари тузумдан модернизациялашув орқали ҳалос бўлиш сингари ўзгаришларнинг рўй беришидир” [188; Б.6] – дея таъкидлайди таниқли олим С.Хантингтон.

Анъанавий жамиятнинг тескариси бўлган замонавий жамият эса индивидларнинг ўз манфаатларини, қарашларини ва ўзларининг

энг олий қадрият эканлигини англаб етганлиги билан, уларнинг ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришнинг барча механизмлари мавжудлиги билан, ижтимоий муносабатларнинг барча тизими оқилона (замонавий жамиятга хос) ҳал қилинганлиги билан, миллий ва демократик қадриятларнинг уйғунлиги, сайлов ҳуқуқи, плюрализм, мулкӣ эркинлик ва маданий омилкорлик асосида ривожланиш, шахснинг ўзи учун масъуллиги, эркин индивидларнинг фуқаролик жамиятини ташкил этиши, уларнинг доимий ўзгарувчи эҳтиёжларининг қондирилиши учун барча механизмларнинг ҳам доимий такомиллаштирилиши билан давлат ва ҳокимиятларнинг фуқаролар олдида масъул бўлиб, фақат уларнинг фаровонлиги ҳамда эркинлиги учун фаолият юритиши билан, ва ниҳоят, аҳолининг мамлакат сиёсий ҳаётида кенг ва фаол иштирок этиши имкониятлари билан ажралиб турадиган жамиятдир. Замонавий жамиятда инсон ўзи учун барча имкониятларни, шарт-шароитларни ўзи яратади. У анъанавий жамиятнинг қолоқликларига кўника олмайди ва замонавий ҳаёт неъматларини яратиш қобилиятидан фойдаланишга интилади. Замонавий жамият ижтимоий тузумга индивиднинг мослашишини талаб этадиган эмас, балки, унга мослашиш учун ижтимоий тузумни ўзига мослаштиради. Муҳитга мослашиш учун унга мос ҳолда трансформациялашмасдан, муҳитни ўзига мослаштириш учун трансформациялаштиради. Бу худди инсоннинг мослаштирувчи фаолиятига ўхшайди[178; Б.52]. Шунинг учун ҳам “анъанавий жамиятнинг замонавийлашуви мураккаб жараён бўлиб, жамият ҳаёт фаолиятининг барча томонларини, яъни моддий-техникавий соҳадан тортиб, оилавий-маиший, дунёқараш ва ахлоқий томонларини қамраб олади. Эрта ёки кечми барча мамлакатлар замонавийликка ўтдилар ёки ўтадилар” [123; Б.60]. Бунинг асосий сабаби, юқорида келтириб ўтганимиздек, анъанавий жамиятнинг юзага келадиган моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларни қондира олиш имкониятининг йўқлигидир.

Бунга мисол тариқасида рус олимларидан Д.Гончаровнинг замонавий жамиятнинг келиб чиқишига берган қуйидаги баҳосини келтириб ўтиш мумкин: “...икки юз йилдан кўпроқ вақт олдин Ғарбий Европанинг баъзи бир давлатлари ва Шимолий Америкада ҳозирги вақтга келиб дунёнинг барча минтақаларидаги анъанавий ижтимоий ва сиёсий тартибни бутунлай ўзгартириб юборган

ижтимоий ўзгаришлар жараёни бошланди. Ушбу ўзгаришларнинг тарихий натижаси замонавий жамият сифатида талқин қилинади” [133; Б.53].

Жамият ривожланишини ва унинг характери аниқлаб берадиган ушбу икки тур бир-биридан кўплаб ва катта фарқли мезонлар билан ажралиб туради. Мазкур мезонларнинг ичида бир қанча муҳимлари ҳам бўлиб, буларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ижтимоий тадрижий тараққиётнинг механизмлари (шахснинг иқтисодий манфаатлари ёки мажбуриятлари); ижтимоий муносабатларни тартибларга солиш йўллари (индивид ёки жамият ҳаёт соҳаларининг ҳокимият томонидан назорат қилиниши ёки сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалар билан, жамият ва индивид ҳаёт соҳалари билан нисбатан алоҳида ўзаро муносабати сингари); шахснинг жамиятдаги ўрни ва роли (шахс алоҳида қадрият ёки синфнинг бир қисми ва давлат манфаатларини амалга оширишда шунчаки бир восита сифатида); турмуш тарзи (оддий ёки мураккаб); ижтимоий институтлар функциялари ва ролининг табақаланиши (эҳтиёжлари ва манфаатларининг бир тизимга солинмаганлиги ва ижтимоий институтлар ички мураккаб тизимининг функциялари қатъий тақсимланганлиги, чеклаб ташланганлиги оқибатида ранг-баранг ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари чуқур дифференцияциялашуви ва мураккаб тузилганлиги натижасида чекланган бир қисм институтлар функциялари ва ролининг аралашиб кетиши). Демак олдимизга қўйган масалани ечишнинг асосий мақсади бу икки турдаги жамиятнинг фарқини ва уларнинг биридан-бирига ўтиш жараёнларини илмий жиҳатдан кенг ёритиш ҳисобланади.

Анъанавий жамиятдан замонавийликка ўтишда замонавийликкача мавжуд бўлган жамиятнинг давом этиши табиий жараёндир. Чунки анъанавий, тоталитар ёки бошқа бошқарув тузумини эндигина енгиб чиққан жамият ҳали модернликка, яъни замонавийлик даражасига эриша олмаган бўлади. Унда эндигина шаклланиб келаётган янгича сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий институтлар, эркин фуқаро, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг заифлиги бевосита жамият ҳаётининг ва мамлакат сиёсий ҳаётининг замонавийлашаётганлигини англатса-да, улар ҳали замонавий жамиятни шакллантириш қудратига эга эмаслиги билан характерланиб туради. Сабаби, сиёсий замонавийлашув

жараёнининг муҳим шартларидан бири анъанавийликни ортида қолдириб келаётган жамиятда ҳам бошқарувчиларнинг, ҳам бошқарилувчиларнинг бир хилда модернизациялашувдан манфаатдорлигидир. Баъзи бир ҳолларда жамиятнинг сиёсий модернизацияга нисбатан талаби ошиб бориши кузатилса-да, ҳукмрон элитанинг ёки бошқарув аппаратининг қаршилиги яққол намоён бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолларда сиёсий замонавийлашув революцияга ва ёки жамият сиёсий ҳаётида маълум бир норозиликларга олиб келади. (Бунга ўтган асрда Эронда юз берган инқилобни мисол қилиб келтириш мумкин). Шунинг учун ҳам сиёсий модернизацияни фақатгина иқтисодий ривожланган мамлакатларда кўпроқ кузатиш мумкин деган фикрлар унчалик тўғри эмас. Сиёсий модернизациянинг умумий томонларини тадқиқ қилишнинг самараси ўлароқ, сиёсий ҳаётнинг ва бошқарувнинг самарадорлиги ошиши ва жамият эҳтиёжларининг қондирилиши сари олға юришдир. Маълумки, “модернизация” термини анъанавий, аграр жамиятларнинг замонавий, индустриал жамиятларга ўтиш ҳаракати сифатида тушунилади. Бундай ҳолатларда, биринчи галда Ғарб индустриал модели асосидаги жамиятларни ўз ичига оладиган ривожланаётган мамлакатлар назарда тутилади. Мисол учун, рус олимларидан В.Красильшчиков модернизацияни атроф муҳитга таъсир кўрсатиш, табиий дунёни, борлиқ ва маконни ўзига бўйсундириш учун фаол ҳаракат қиладиган ҳамда бутун коинот марказида ўзини ягона санайдиган инсоннинг вужудга келиши, унинг фаолияти ва ривожланиши билан боғлайди. Муаллифнинг фикрича, бундай турдаги инсон шахс сифатида мустақил бўлган ва натижада бошқалардан эркин, озод одамнинг юзага келишини тақозо этган Европадаги феодализм муносабатларнинг юзага келиши билан характерланувчи Ренессанс даврида юзага кела бошлаган. Бу даврни эса Красильшчиков “жаҳон тарихида дастлабки модернизациянинг бошланиши” сифатида талқин қилади[155; Б.93]. Шунингдек, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий назарияларда “модернизация” тушунчасининг синонимлари сифатида замонавийлашув, инновацион ўзгаришлар, бир шаклдан бошқа шаклга ўтишдаги ривожланиш каби терминларни ҳам учратиш мумкин.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида модернизациянинг бир нечта мезонларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий соҳада индивидуум ва гуруҳларнинг жамият институционал соҳаларида бажарадиган ролларининг табақалашуви ва ихтисослашуви, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришда, сиёсатда, оилада мажбуриятларнинг тақсимланиши ҳамда инсонларнинг бир бирига ижтимоий муносабатларда кенг боғлиқ бўлиши каби мураккабликларнинг барҳам топиши;

- иқтисодиётда илмий (рационал) билимлардан кенг фойдаланишга асосланган технологияларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ саноат, ишлаб чиқариш тизимларининг ривожланиши, хўжаликнинг иккиламчи (саноат ва савдо) ва учламчи (хизматлар кўрсатиш) секторларининг пайдо бўлиши, ижтимоий ва техник меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, товар, пул ва бандлик бозорининг ривожланиши рўй беради;

- сиёсий соҳада ҳокимиятлар бўлининининг (макро ва микро даражаларда) оқилона тамойили асосида бошқариладиган марказлашган давлатнинг ташкил топиши, кенг халқ оммасининг сиёсий жараёнларга (ҳеч бўлмаса сиёсий иштирокнинг вакиллик шаклининг кенгайиши воситасида бўлса-да) жалб қилиниши, демократиянинг унга боғлиқ бўлган барча институтлари билан бирга шаклланиши, барча ижтимоий гуруҳларнинг қонун доирасида тан олинган манфаатлари шаклланиши;

- маданий соҳада — маданий тизим ва қадриятларнинг дифференциациялашуви, таълимнинг диний соҳа назоратидан чиқиб, саводхонликнинг, фалсафий ва илмий оқимлар ранг-баранглигининг, диний плюрализмнинг кенг тарқалиши, ахборот тарқатиш ва узатишнинг янги воситалари ривожланиши, аҳолининг барча маданият ютуқларидан фойдалана олиш имкониятларининг такомиллашуви ва тараққий этиши кабилардир.

Сиёсий модернизация назарияси дастлаб 50-йилларнинг охирларида Ғарб давлатларининг ривожланаётган давлатларга нисбатан муносабатларини белгилаб олишлар ва уларга нисбатан ўз мустамлакачилик имкониятларини сақлаб қолишларига назарий асос бўлиши учун илмий адабиётларда кенг ёритила бошланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин «учинчи дунё» мамлакатларида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг усуллари ишлаб чиқиш учун АҚШ ва Ғарб давлатлари озодликка эришган мамлакатлар ўзларида сиёсий, иқтисодий вазиятни барқарорлаштириши, зарурий ислохотлар ва ўзгаришларни амалга

оширишлари, ижтимоий ва сиёсий жихатдан барқарор, иқтисодий соҳада ривожланган, ташқи ва ички сиёсатда ўзларига ишончли шерик бўлишларида уларга ўз тажриба ва усуллари татбиқ қилишлари натижасида мазкур назария янада ривожланди. Айнан ўша даврларда сиёсий модернизация ўз моҳиятига кўра Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделларини ва демократлашув тажрибаларини ўзлаштириши сифатида қараган бўлса, вақт ўтиши билан “сиёсий модернизация концепцияси илмий-техникавий тараққиёт, ижтимоий-тузилмавий ислохотлар, меъёрий ва қадриятий ўзгаришлар натижасида анъанавий жамиятдан оқилона жамиятга ўтишнинг характери ва йўналишларини кўрсатиб берадиган цивилизация глобал жараёнларининг умумий моделларини асослашни англата бошлади” [158; Б.5]. Алоҳида таъкидлаш лозимки, модернизация жараёнларининг асосий даврларга бўлиниши, унинг жаҳон мамлакатларида миллий, диний, ҳудудий, маданий, маънавий ва бошқа қадриятий хусусиятларига, тарихий вақтларда нотекис амалга ошиши, ижтимоий тараққиётнинг алоҳидалиги ва давлатлар ривожланишида ўз даврий имкониятларига эга бўлиши билан ҳам боғлиқ.

Илмий манбаларни тадқиқ қилиш натижасида амалга ошириладиган модернизацияни икки турга ва учта моделга ажратиш мумкин. Биринчи тур модернизациянинг оригинал шакли бўлиб, у босқичма-босқич, узоқ тарихий жараёнлар натижасида ривожланишнинг оқилона тартиботларини ўзида намоён қилган, такомиллашувнинг барча хусусиятларини амалга ошириш борасида кенг тажрибага эга бўлган ҳамда кўплаб модернизациялашаётган мамлакатларга ўрнак ҳисобланувчи АҚШ ва Англия учун характерли, дейиш мумкин.

Иккинчи тур – иккиламчи, акс этувчи модернизация бўлиб, унга баъзи бир сабабларга кўра ривожланишдан ортда қолган ва кейинчалик етакчи мамлакатларнинг кенг тажрибаларини ўз тараққиёт йўлларида фойдаланган ҳисобига биринчи турга оид мамлакатлар даражасига эришиш йўлидан олға бораётган мамлакатларни киритиш мумкин. “Иккиламчи модернизациянинг асосий омили мавжуд «жаҳон универсал маданияти» марказлари билан социомаданий алоқалар ҳисобланади” [190;], – деб таъкидлайди таниқли сиёсатшунос С.Хантенгтон. Унинг бу

фикрига нисбатан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий модернизациялашув даврида бундай мамлакатлар билан кенг ҳамкорлик қилиш ва уларнинг маълум бир тажрибаларидан фойдаланиш самарали кечиши шубҳасиз.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам модернизациянинг муваффақиятли бўлиши, ўзгаришлар жараёнининг жонли, қизгин ва фаол кечишига, яъни миллий институтларнинг уларни қай даражада қабул қилишига, унинг ривожланиши ва амалга ошиши учун таъсир кўрсатишига, жамиятнинг мазкур жараёнларга тайёрлиги ҳамда жаҳон тажрибаларини ўз тараққиётларида қабул қила олишларию, қўллаб қувватлашларига ҳар томонлама боғлиқдир. Умуман олганда модернизация назариясининг характерли томони шундаки, мамлакат ривожланишни меърос қилиб формациялар ўртасидаги мамлакатларнинг ички ва умумцивилизациявий социомаданий омилларнинг ўзаро зиддиятли таъсирининг натижаси сифатидаги формациялараро жараёнларига диққат-эътиборни қаратган эди.

2 &. Сиёсий модернизация жараёнларининг концептуал асослари

Сиёсий модернизация назарияси ривожланишининг икки босқичи мавжуд бўлиб, улар АҚШда юзага келган ва дастлаб унинг моҳияти Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қолоқ, тараққий этмаган мамлакатларнинг ривожланган мамлакатлар (АҚШ ва Ғарбий Европа)дан техник тараққиётни ва сиёсий ривожланишнинг андозаларини ўзлаштириш ғоясини асослаш эди.

Ушбу даврда ривожланишнинг бир хил универсал йўли мавжуд: баъзи бир давлатлар бошқаларидан ортда қолади, бироқ умуман улар модернизациянинг бир йўлидан ҳаракатланади, - деган ғоя ҳукмрон эди. Анъанавий ва замонавий жамият ўртасидаги фарқ саноатлашув, урбанизация, таълим, фаровонлик, коммуникация воситаларининг ривожланганлиги, профессионаллашганлиги ва бошқаларнинг сифат ва сон даражаси ўсиши билан белгиланади. Шундай қилиб, модернизация иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий намунадаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни мақсад қилиб қўйган бир йўналишли тадрижий тараққиёт сифатида қаралган. Сиёсий соҳада модернизация демократлашув билан

тенглаштирилган ва бунда анъанавий жамиятнинг яширин инерцияси ҳисобга олинмаган ҳамда асосий эътибор ташқи, экзоген омилларга қаратилган. Мазкур концепциянинг моҳияти шундаки, ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатлардаги тайёр ва синовдан ўтган сиёсий институтларни (марказлашган давлат, парламент, кўппартиявийлик, умумий сайловлар ва ҳоказо), қадриятларни (иқтисодий ва сиёсий эркинлик, индивид мустақиллиги) қабул қилишга ва ўз ҳаётларига олиб киришга қодир, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга сиёсий модернизация ушбу назариянинг дастлабки босқичларида:

- ривожланаётган мамлакатлар Ғарб намуналари асосида демократлашувининг;

- «учинчи дунё» мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ўсишдаги муваффақиятларнинг шарти ва натижаси бир вақтда рўй беришининг;

- уларнинг ривожланган Ғарбий Европа ва АҚШ билан фаол ҳамкорлик қилишининг натижаси сифатида қаралган[157; Б.119].

Юқорида келтириб ўтганимиздек, модернизациянинг уч хил модели мавжуд бўлиб, улар кўплаб мамлакатларнинг тажрибасида кузатилганлиги россиялик олим Р.Т.Мухаев томонидан ёритилган[167; Б.323]. Булар:

- 1) Модернизациянинг классик (ривожланган Ғарб давлатлари, АҚШ ва Австралияга хос) хаотик модели;

- 2) Кечикувчи ва ноорганик модел (Япония, Бразилия, Аргентина ва Болқон давлатларига хос);

- 3) Модернизациянинг жадаллашган модели (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Жанубий Корея, Сингапур, Тайван давлатларга хос).

Мазкур уч модел ҳақидаги фикрларга ушбу бобнинг иккинчи параграфида батафсил тўхталамиз.

Шундай қилиб, Европа жамиятига тегишли бўлмаган жамиятларнинг хусусиятларини тан олган ҳолда, модернизация назарияси 50-60-йилларда “барча мамлакатлар ва халқлар ўз ривожланишида бир хил босқичларни босиб ўтадилар” деган фикрни тасдиқловчи Ғарб либерализмининг универсал анъаналари доирасида ишлаб чиқилган. Бунга мувофиқ, модернизация ҳам универсал ва барча учун умумий жараён сифатида ривожланган. Кейинчалик, 60-йилларнинг ўрталарида, сўнг эса 70-80-йилларда

сиёсий модернизация назарияси тарафдорлари анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш ҳолатида бўлган мамлакатларнинг сиёсий ривожланиши муаммолари соҳасидаги тадқиқотларни бир қадар чуқурроқ таҳлил қилдилар ва кенгайтирдилар. Бу даврга келиб кўплаб Ғарб олимлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишни изоҳлашда Осиё, Африка ва ҳатто Лотин Америкаси мамлакатларидаги модернизация жараёнларида ижтимоий-маданий қарашларнинг муҳим рол ўйнашини англаб етган ҳолда бундай универсализмдан бутунлай воз кечдилар. Энди бундан буён аниқ бир сиёсий жараёнларни чуқур тадқиқ қилишда ҳар бир жамиятнинг ўзига хос тарихий ва миллий шароитларини, маданий хусусиятлари ҳисобга олина бошланди.

Ғарб демократик моделидан ташқари амалга оширилиши ҳам мумкин бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилмаларнинг ўзгариши “сиёсий модернизация назариясининг янги босқичи учун устувор мақсад” дея атала бошланди. Энди бу вақтга келиб анъанавий институтлар ва қадриятларнинг мавжудлигини сиёсатшунослар модернизация учун тўсиқ дея ҳисобламай қўйдилар. “Универсал мезонларнинг устуворлиги сақланган ҳолда ва келажакда ривожланиш мақсадида асосий ҳаракатлар улар амалга оширилишининг автохтон шаклига қаратила бошланди” [156; Б.7]. Бундан ташқари, 70-йилларда Европа ва Шимолий Америка давлатларининг сиёсий ривожланишига, яъни Ғарбнинг ўзига хос тарихий тажрибаси анъаналарини ўрганишга бўлган қизиқишлар кучая бошлади. Айнан шу иккинчи даврга келиб жамиятларнинг ўтиш даври муаммоларини тадқиқ қилишда 50-йилларда амалга оширилган тадқиқотлар, яъни “бир чизиқли” ёндашувлар, ҳокимият учун ички сиёсий курашлар ва Ғарбнинг таъсирига нисбатан жамиятларнинг реакция кўрсатиши каби қарашлар кескин танқидга учради. Ҳозирги вақтда жаҳон сиёсатшуносларининг диққат-эътиборини собиқ Совет давлатлари, Шарқий Европа ва Хитойда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари ўзига тортмоқда. Ҳозирги босқичда сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилишда аввало сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос қийинчиликлари, хусусиятлари, сиёсий ривожланишнинг объектив муаммолари, уларни бартараф этишнинг йўллари ва шаклларига эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий тараққиётнинг замонавий шаклига ўтиш нафақат ривожланиш мумкин бўлган, балки илгари мавжуд бўлган сиёсий институтларни ва тузилмаларни қайта тузиш яхлит давом этадиган босқич сифатида намоён бўла бошлади. Бошқа мамлакатларнинг ривожланганлиги ва улар тажрибасидан фойдаланган ҳолдаги «модернизациялашувда етиб олиш» концепциясидан ташқари, «қисман модернизациялашув», «такрорланувчи модернизация», “боши берк модернизация” концепциялари ҳам юзага кела бошлади. Бу концепцияларда асосий фикр замонавий институтлар ва модернизациянинг бошқа унсурлари билан анъанавий жамиятнинг институтлари ва қарашлари ўртасидаги низолар ва бир-бирига аста-секинлик билан мослашиб боришига қаратилган бўлади. Мазкур фикрлар йўналишидаги ўтиш даври жараёнлари ва ўзгаришлари характери билан боғлиқ бўлган асосий элемент, — етакчи назариятчиларнинг фикрича, «социомаданий омил, аниқроғи, сиёсий ривожланишнинг универсал меъёр ва мақсадларини қабул қила оладиган инсон тури ва унинг миллий хусусиятидир»[177; Б.41]. Шу нарса маълум бўлдики, модернизация фақатгина кенг ижтимоий қатламнинг қадриятли қарашлари ўзгарганда ва тўсиқлар бартараф этилгандагина амалга оширилиши мумкин.

Ҳар хил мамлакатларнинг, тартиботларнинг модернизацияга интилишларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳамда тараққиётнинг юқори поғоналари сари интилаётган жамият ўзгаришининг характериға жиддий таъсир кўрсатадиган шарт-шароитларни умумлаштириш ва таҳлил қилишда кўплаб олимлар ушбу жараёнларнинг маълум бир кетма-кетлиги мавжудлигини ва уларни амалга оширишда маълум бир қоидаларга риоя қилиш лозимлигини таъкидлайдилар. Мисол учун У.Мур, А.Экштэйн ва бошқа бир қатор олимлар модернизацияни ижтимоий тузилмаларда ва аҳоли менталитетида ўзгаришлар содир бўлишига олиб келадиган саноатлашув (индустриализация)дан бошлаш лозим, дейишса; К.Гриффин барча эътиборни қишлоқ хўжалиги ривожланиши муаммоларига қаратиш зарурлигига; Б.Джонсон ва П.Килбилар аграр технологияларни такомиллаштиришга; жамият ва давлат ривожланиши масаласидаги машҳур олим С.Эйзенштадт ижтимоий бурилишларни ҳисобга олиш қобилиятига эга бўлган институтлар ривожланишига; Б.Хиггинс эса модернизациянинг асосида турар

жойларнинг урбанизацияси ва ҳоказолар зарурлигига диққатни жалб қилади[126; Б.26-29].

Агар мазкур ўзгаришларни умумлаштиришга ҳаракат қиладиган бўлсак, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борган ва олиб бораётган етакчи сиёсатшуносларнинг фикрича, модернизация жараёнини тўлиқ ёритиш ва унинг вариантлари ҳамда йўллари кўрсатиб беришда уч хил назария мавжуд бўлади: консерватив, либерал ва полиархик назариялардир

Мазкур йўналишнинг дастлабкиси консерватив йўналишдаги назария бўлиб, бу соҳада чуқур концептуал ғоялар бера олган олимлар қаторига машҳур америкалик сиёсатшунослар С.Хантингтон ва Ж.Нельсонларни киритиш мумкин. Мисол учун С.Хантингтон модернизация муаммосини ўрганиш жараёнида кўплаб тадқиқотларни амалга оширган бўлиб, улар ичида “Ўзгараётган жамиятларда сиёсий тартиб” (Political Order in Changing Societies), “Демократия инқирози” (The Crisis of Democracy), “Учинчи тўлқин: йигирманчи аср охирларидаги демократлашув” (The Third Wave: Democratization in the Late Twentieth Century), “Ўзгариш учун ўзгариш: Модернизация, Ривожланиш ва Сиёсат” (The Change to Change: Modernization, Development, and Politics), Ғарб ноёб, лекин универсал эмас (The West: Unique, Not Universal) номли тадқиқотлари ва асарларида сиёсий ривожланишнинг алоҳида хусусиятлари мавжудлигини таъкидлар экан, “иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишнинг асосий мезонлари ўсиш бўлса, сиёсий ривожланиш учун эса асосий омил – бу барқарорликни таъминлашдир”, дейди. Унинг фикрича, сиёсий институтлар модернизациялашганлиги уларнинг демократлашганлигига эмас, балки, сиёсий ҳаётда кураш олиб боришга киришган кенг аҳоли оммасининг доимий ўзгарадиган ижтимоий мақсадларга мослашишини кафолатлайди. Консерватив йўналиш намоёндалари, одатдагидек, модернизациянинг тадрижий амалга оширилишида авторитар сиёсий тизимни маъқул кўриб, қуйидаги элемент (унсур)ларнинг зарурийлигини алоҳида таъкидлайди. Улар: а) сиёсий етакчиларнинг ўз ҳамфикрлари билан иттифокни сақлаган ҳолда рақиб томон билан келишувга эриша олиш қобилиятига эга бўлиши; б) ислохотлар жараёнида аниқ бир мақсад ва устуворликларга эга бўлган сифатли ва узоқ давом этмайдиган

босқичларнинг мавжудлиги; в) ислохотларнинг муваффақияти ҳар томонлама уларнинг амалга оширилиш вақтининг танланишига боғлиқлиги билан характерлидир.

Шунингдек, бу борада С.Хантингтон билан бирга тадқиқот олиб борган олимлар ичида Ж.Нелсон ва Х.Линцлар (The Breakdown of Democratic Regimes; Totalitarian and Authoritarian Regimes; Problems of democratic transition and consolidation: Southern Europe, South America, and post-communist Europe) ҳам бўлиб, улар ҳам консерватив назарияларни қўллаб-қувватлайдилар ва модернизациянинг асосий муаммоси сифатида аҳолининг сиёсий иштирокка ҳали тайёр бўлмаганлиги шароитида, ҳокимият институтлари ҳам ўз ресурсларидан оқилона фойдалана олмаслиги сабабли сиёсий тизимда беқарорлик вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида демократиянинг ривожланишига эмас, аксинча, инқирозига сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур ёндашувларнинг мураккаблашуви С.Хантингтон ва Дж.Нельсонлар ҳамкорликда ёзган «Осон бўлмаган сайлов: ривожланаётган мамлакатларда сиёсий иштирок» [191; 224 б] тадқиқотида ўз аксини топган. Тадқиқотда сиёсий модернизациянинг консерватив йўналиши вакиллари сиёсий тизимнинг мақсадлари ва барқарорлик, тенглик ва иштирок каби ижтимоий-иқтисодий омиллар билан ўзаро алоқадор бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Чунки айнан улар ўртасида модернизациянинг амалга оширилиши жараёнида вақти-вақти билан кескинлик ва низолар юзага келиб туради. “Тенглик ва иштирокнинг маълум бир даражаси бўлмасдан, ривожланиш барқарорлик ва мазкур жараённинг бутунлай йўқолишига олиб келадиган ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин. Иккинчи томондан, тенглик ва иштирокни мақсад қилган стратегия ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таҳдид солиши мумкин” [191; Б.10]. Юқоридагилардан келиб чиқиб сиёсатшуносларнинг хулоса қилишича, модернизациялашаётган жамият ривожининг мезони – сиёсий тизимнинг у ёки бу устувор ролини аниқлаш, ҳокимиятда қолиш муддати узайишидан ва ички емирилишлар юзага келиш эҳтимолининг камайишидан манфаатдор ҳукмрон элитанинг характериға боғлиқ. Бунда ҳукмрон элитанинг биринчи галда барқарорликдан манфаатдорлиги, ўз позициясини ва жамиятдаги ўрнини йўқотишдан хавотирланиши назарда тутилади.

Шундай қилиб, “сиёсий модернизациянинг асосий муаммосини ҳукмрон элита ёки унинг сиёсий иттифоқи манфаатларининг ўзгариши белгилаб беради” [191; Б.10]. Консерватив йўналиш намоёндалари, одатдагидек, модернизациянинг тадрижий амалга оширилишида авторитар сиёсий тизимни маъқул кўрар эканлар, қуйидаги элемент (унсур)ларнинг зарурийлигини алоҳида таъкидлайди:

- сиёсий етакчиларнинг ўз ҳамфикрлари билан иттифоқни сақлаган ҳолда рақиб томон билан келишувга эриша олиш қобилиятига эга бўлиши;

- ислоҳотлар жараёнида аниқ бир мақсад ва устуворликларга эга бўлган сифатли ва узоқ давом этмайдиган босқичларнинг мавжудлиги;

- ислоҳотларнинг муваффақияти ҳар томонлама уларнинг амалга оширилиш вақтининг танланишига боғлиқлиги[191; Б.11].

Масаланинг ўзига хослиги шундаки, консерватив йўналиш назариётчилари модернизация тадрижий тараққиётининг асосий мезони ва ортиқча кескинликлар ҳамда низолардан холи бўлиш учун ислоҳотларнинг мустаҳкам бир тизим асосида амалга ошмоғи лозимлигини алоҳида таъкидлайдилар. Ушбу тизим муҳолиф ёки сиёсатда баъзи бир бошқа кучларнинг қаршилигини бирданига келтириб чиқармайдиган ва, умуман, узлуксиз ижтимоий ва сиёсий ривожланишни ўзида намоён қиладиган ўзгаришларнинг оқилона кетма-кетлигидан иборат бўлиши лозим.

Ислоҳотларни амалга ошириш вақтини аниқ ўйлаб чиқиш ва тайёрлаш, унда иштирок этадиган сиёсий кучларнинг ҳаракат соҳасини ва ўрнини баҳолаш – модернизация жараёнининг муҳим шартларидан биридир. Кучли сиёсий коалициялар С.Хантингтоннинг фикрича, “ислоҳотларни қонуний йўл билан амалга оширишга имкон берадиган ва жараёнда зулмдан қайтарадиган муҳим омил ҳисобланади»[191; Б.11]. Умуман олганда, баъзи бир мамлакатлар (Жанубий Корея, Тайван, Чили)да бўлгани каби, жамият ва давлатнинг трансформациялашувида авторитар тартиб ўрнатилишининг мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланиши демократлашув аҳамиятининг иккинчи даражага тушишига, диктатура ўрнатилишининг ҳамда ҳокимиятнинг назоратсиз тарзда ўзбошимчаликка юз буриши хавфини юзага келтириши мумкин.

Сиёсий модернизация жараёнларини ўрганишда муҳим йўналиш бўлган Либерал назария ҳам тадқиқотда ўз аксини топган. Ушбу назария тарафдори ҳисобланган олимлар қаторига Р.Даль (A Preface to Democratic Theory; Modern Political Analysis; Political oppositions in Western Democracies.), Г.Алмонд, С.Верба (The Civic Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Nations), Л.Пай ("The non-western political process"), К.Дейч (The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control, «Politics and Government» 1970) ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу назария тарафдорлари сиёсий тизим имкониятларининг шаклланишини аҳоли ижтимоий ва сиёсий талабларининг ўзгариши билан боғлиқ, деб таъкидлайдилар. Ушбу талабларга нисбатан мос йўллар билан жавоб бериш – сиёсий модернизациянинг муҳим вазифаларидандир. Бироқ консерваторлар, модернизациялашувнинг амалга оширилишида асосий эътибор – сиёсий тартибни, марказий институтларнинг тинчлик ва барқарорлигини сақлашга қаратилиши, деб билсалар, либераллар ушбу жараёнларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда асосий эътиборни ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги доимий алоқалар мавжудлигига ҳамда демократик сайловлар ёки омманинг элита билан келишувга эришишига қаратадилар. Халқ ва ҳокимият ўртасида доимий алоқаларни ташкил қилиш очик ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларнинг бошланишини англатади.

Шунга боғлиқ ҳолда, Р.Дарендорфнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиш ҳақидаги фикри аҳамиятга моликдир. “Ўзгариш бирор бир тизимнинг бошқаси билан алмашинувини англатмайди. Эркинлик сари йўл ёпиқ жамиятдан очик жамиятга ўтиш йўлидир. Очик жамият эса – тизим эмас, балки, муқобил йўлларни ўрганиш механизмидир” [140; Б.36]. Либерал йўналиш вакиллари сиёсий модернизациянинг асосий мезони қилиб “аҳолининг вакиллик демократияси тизимига жалб қилинганлик даражасини” кўрсатадилар. Ушбу йўналишнинг таниқли намоёндаларидан бири бўлган К.Дейч сиёсий модернизацияни иштирок ва сафарбарлик категорияси сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, модернизация ўсиб бораётган сиёсий номарказлаштириш шаклини ўз ичига оладиган оммавий иштирокка боғлиқ[141; Б.11]. А.Растоу эса “Сиёсий иштирокнинг кенгайиши сиёсий ривожланишнинг асосий калитидир” [139; Б.334] дея таъкидлайди.

Либерал концепция тарафдорларининг фикрича, сиёсий модернизация нафақат сиёсий қарорлар қабул қилиниши билан, балки, реал имкониятга ҳам эга бўлган гуруҳлар ва индивидлар сонининг ўсиши билан ҳам боғлиқдир. Шунингдек, сиёсий иштирокнинг аҳамияти “ўзгараётган сиёсий тартиботнинг самарадорлиги ва легитимлигини оширадиган омил” сифатида белгиланади[156; Б.12]. Сиёсий иштирокка нисбатан бундай муносабат аҳолида ҳокимиятнинг легитимлигига ва унга халқ манфаатларининг қонуний вакиллиги сифатида ишончи ортишига олиб келади. Умуман олганда, либерал концепция тарафдорлари модернизациянинг характери ва суръатини эркин элиталар очик рақобатининг ўсиши ва оддий фуқароларнинг сиёсий жалб қилинганлик даражаси билан боғлайдилар.

Полиархия назарияси. Полиархия назарияси ҳам бевосита либерал назария билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунинг ўзига хос сабаби сифатида назарияни яратган олим, ҳам либерал ва ҳам полиархия концепциялари тарафдори Р.Далдир. У ўзгараётган ёки ўтиш даврида бўлган жамиятларнинг муаммоларини ёритишда қизиқарли фикрларни тақдим қила олган. Ўзининг (Polyarchy: participation and opposition; Polyarchy, pluralism, and scale) номли асарларида олим томонидан сиёсий ривожланишнинг ва модернизациянинг амалга ошириши жамиятда икки асосий мезоннинг мавжудлиги ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги омиллар алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- фуқаролар сиёсий иштирокининг юқори даражаси;
- ҳар хил гуруҳлар ва сиёсий етакчиларнинг ривожланган очик рақобати[176; Б.33].

Шунингдек, олим демократиянинг барча талабларини бутунлай қондира оладиган сиёсий тизим дунёда йўқ, деган қарашни илгари суради. Дунёдаги мавжуд ранг-баранг сиёсий тизимларни уларнинг демократлашганлиги (ўзида ривожланган демократия бир неча асосий тамойилларини сингдирган идеал моделга яқинлашиши ва уларни «ҳокимиятнинг тенг тақсимланиши» сифатида тушуниш) нуқтаи назаридан баҳолашга ҳаракат қилади.

Дал ўз фуқароларига ҳеч бир камситишларсиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш имкониятини берадиган реал сиёсий тизимни – полиархия, деб атайди. “Полиархия – бу

фуқаролар сиёсий иштирокининг юқори даражаси ва ҳар хил гуруҳларнинг ривожланган очик сиёсий рақобати ҳамда сиёсий етакчиларнинг сайловларда ўз сайловчиларининг қўллаб-қувватлашлари учун кураши каби муҳим элементларга эга бўлган сиёсий тартиботдир. Полиархия – халқнинг халқ орқали, халқ учун бошқаруви эмас, балки, кўпчилик томонидан озчиликка бошқарув ҳуқуқининг берилишидир. Шунингдек, фуқароларни элитанинг ўзбошимчалиги ва масъулиятсизлигидан ҳимоя қилиш кафолатининг мавжудлигидир” [176; Б.39].

Р.Далнинг фикрига кўра, полиархияга ўтиш тадрижий ва босқичма-босқич бўлиши лозимки, бу жамиятда элита ва аҳоли ўртасида доимий алоқаларнинг сақланишига ҳамда кескинликларнинг вужудга келишига имконият яратилмаслиги лозим. Олим сиёсий рақобат муҳитида ҳуқуқий тажрибага эга бўлмаган мамлакатларни полиархия сиёсий тизимига ўтиш жараёнларида, айниқса, эҳтиёт бўлишга чақирди. Авторитаризмнинг ўрнатилиши кўплаб салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин. Иқтисодий ривожланиш ва полиархия даражаси ўртасидаги алоқаларни ўрганар экан, Р.Даль - иқтисодий қийинчиликлар, айниқса улар ишсизлик ва инфляциянинг ортиши шаклида амалга ошадиган бўлса, гегемонлик тартиботи ва кучли марказлашган ижтимоий тузумнинг ўрнатилиш хавфини юзага келтириши уқтиради.

Янги модернизациялашаётган жамиятда тарихий ишлаб чиқариш жараёни ва модернизация назариялари томонидан мукаммал тарзда ишлаб чиқилган ҳамда тақдим қилинган ҳар хил вариантлар ёки лойиҳалар ўзларининг муқобил шакл ва йўлларига ҳам эга бўлади. Ўтиш даврини амалга ошириш учун қилинган кўплаб ҳаракатларнинг аниқ натижаларига асосланган жаҳон тажрибаси модернизациянинг зарурий мақсадлари асосидаги иқтисод, сиёсат, ижтимоий муносабатлар, маданий соҳалар ташкил этилишида баъзи бир умумий стандартларни ишлаб чиқишга ва уларни қайтадан тузатишга имконият яратди. Ижтимоий соҳадаги бундай универсал талабларга очик табақалашган ижтимоий тузилмаларни ва аҳолининг маълум бир даражадаги сафарбарлигини киритиш мумкин. Сиёсий соҳада эса бу инсон ҳуқуқларининг амал қилиши, ҳокимият тузилиши ва амал қилишининг плюралистик тизими, сиёсий коммуникацияларнинг

ўсиши, бошқарувда қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг консенсус технологиялари, сиёсий тизим ва жамият ўртасида ўз-ўзини бошқариш механизмларининг яратилиши, ўзаро алоқадорлик тизимига асосланган ҳаракатлар тамойиллари ва ҳоказолардир. М.Братерскийнинг фикрича, “модернизация назарияси «замонавийлик» асосида товар ишлаб чиқариш ва кенг маънода бозор ҳуқуқининг мавжудлигидир” [126; Б.27]. Иқтисодиёт соҳасида модернизациянинг асосий мезонлари қуйидагилардир: таълим тизимида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг оширилиши, иқтисодий муносабатларнинг оқилоналигини таъминлашда ва ишлаб чиқаришни товар-пул орқали тартибга солинишида фаннинг роли ошиши ва ҳоказолар.

Модернизацияни вестернизация сифатида талқин қилувчи ўтиш даври жамиятининг ривожланиш концепцияси ўтган асрнинг охирларига қадар сиёсатшуносликда мавжуд эди. Мазкур қарашларни ҳанузгача илмий истеъмолдан чиқди дейиш мушкул. Бироқ, XX асрнинг охирларига келиб, модернизация назарияси доирасида инсоният тараққиётида муҳим бўлган асосий мезонлар фақатгина Ғарб жамияти намуналари асосида ривожланишини тарғиб қиладиган тадқиқотлар юзага келмоқда. Ҳозирги даврда давлатлар олдидаги бўлажак ривожланиш вариантларининг ранг-баранглигини кўрсатиб берадиган ғояларни ажратган ҳолда, ўзгаришлар жараёнининг ўзи замонавий модернизация назарияси томонидан муқобил иннововацион лойиҳаларнинг бир-бири билан қиладиган мусобақаси сифатида қарамоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, ушбу йўналишдаги назариётчиларнинг фикрича, модернизациянинг универсал меъёрлари ва талаблари устунлигини тан олиш, барибир, барча ривожланаётган мамлакатларга уларни кўр-кўрона қабул қилиш лозим, деган тушунчани англатмайди. Модернизациянинг универсал мезонлари – бу давлатларга замоннинг чақириқларига осон мослашиш имконини берадиган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кўплаб тузилмаларнинг мавжуд бўлишидир. Бироқ, модернизация лойиҳасининг мазмуни воситалар, суръатлар, ўзгаришларни амалга оширишнинг характери – ривожланишнинг маҳаллий шароитларига, жамиятнинг миллий ва тарихий имкониятларига боғлиқдир.

Шунингдек, айтиш мумкинки, модернизация жараёнларининг асосий зиддиятли ва мураккаб томонлари – бу унинг «ривожланаётган давлатларда универсал мақсадлар ва талабларнинг, миллий ҳамда анъанавий қадриятлари ўртасидаги низолардир»[156; Б.41]. Бу эса табиий жараён бўлиб, бирор-бир маданиятга, миллий-анъанавий қадриятларга бошқа бир анъаналар ва маданиятлар суқилиб кирмоқчи бўлса, албатта у қаршиликка учрашини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир жамиятда ўзгаришлар тақдири мавжуд қадриятларни, ўз маданий-миллий, тарихий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, модернизациянинг дунё тажрибаларидан, унинг асосий мазмунидан оқилона фойдалана олишга боғлиқ. Агар бирор-бир давлат жаҳон мамлакатларининг модернизациявий андозаларини, унинг универсал меъёр ва талабларини кўр-кўрона қабул қиладиган бўлса, миллий-маънавий қадриятлар бунга жиддий қаршилиқ кўрсатадилар, ҳаттоки уларни сиқиб чиқариши ҳам мумкин. Агар модернизациянинг универсал меъёр ва талабларига жамият бефарқ қарайдиган ёки улардан ўз тараққиёт йўлларида фойдаланмайдиган бўлса, унда модернизациянинг бўлмаслиги, амалга ошмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам ислохотлар амалга оширилишидан манфаатдор бўлган ҳукмрон тузилмалар, фуқаролар хулқ-атворида юз берадиган ўзгаришлардан, жамиятга таъсир кўрсатадиган ҳар бир жараёндан максимал даражада хабардор бўлиши, амалга оширилаётган ислохотларнинг суръати ва йўналишини чуқур таҳлил қилиши ва оқилона амалга оширмоғи лозим. Фақатгина миллий-маданий стереотиплардан оқилона ва босқичма-босқич фойдаланиш, ўзгаришларни ва янгиликларни қабул қилишга уларнинг кўникмаларини ошириш – жамият олдида турган муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини яратади. Модернизацияни амалга оширишда тарихий шаклланган, миллат ва халқ ҳаётида мустаҳкам ўрин олган анъанавий меъёрлар ва қадриятларга ҳеч бир ҳолатда писандсизлик билан қарамаслик керак. Зарурий ислохотчилик мақсадларини амалга оширишда беқарорликни юзага келтирадиган жиддий омиллардан бири – бу анъанавий социум учун етишиш қийин бўлган ва зўриқишни келтириб чиқарадиган ўзгаришларга интилишдир. Бундай вазият учун “тарихий босиб ўтилиши лозим бўлган йўлни «тез чошиб

ўтиш», социал ва маданий бўшлиқлар қолдирадиган «сакрашлар», ижтимоий ҳаётда ва маданиятдаги узилишлар» [165; Б.21] ҳамиша хосдир.

Бундан ташқари, модернизация тарихида ғарб жамиятига оид бўлмаган ва вестернизацияни инкор қилган жамиятларнинг кенг тажрибаси ҳам мавжуд. Ушбу жамиятлар ўтиш даврида ўз мақсадларига эришиш учун “универсал” стандартлардан иқтисод, сиёсат ва ижтимоий муносабатларни, миллий тарихий имкониятларни, маданий хусусиятларни ва бошқа ички факторларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирганлар. «Бундай тажрибалар юз йиллар илгари хитой ва япон ислохотчилари томонидан шакллантирилган “tiyong (хитой илми фундаментал тамойиллар учун, ғарб илми эса амалий фойдаланиш учун) ҳамда “вакэн”, ”ёсэй” (япон руҳи, ғарб техникаси) каби қарашларда ўз аксини топди»[190;]. Шунингдек, Саудия шаҳзодаси Бандар бин Султаннинг 1994 йилда бу борада айтган қуйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: “Ғарбдан кириб келган аниқ бир нарсалар, буюмлар ўзининг юқори технологиялилиги ва сифати билан фойдаланиш учун диққатга сазовордир, бироқ, у ёки бу ёқдан импорт қилинган социал ва сиёсий институтлар биз учун ҳалокатлидир. Бу ҳақда Эрон шоҳидан сўраб кўринг. Ислом биз учун нафақат дин, балки турмуш тарзи ҳамдир. Биз – Саудия Арабистони халқи, модернизацияни ҳоҳлаймиз, бироқ, вестернизациялашувни сира-сира истамаймиз”[190;].

Кўпгина ғарб олимларининг фикрича, модернизация жараёни учун «сиёсий тизимда ролларнинг дифференциациялашуви, фуқароларнинг тенглик учун қатъий талаби (сиёсатда иштирок этиш ва ресурслар тақсимооти учун) ва ҳокимиятнинг социум билан интеграциялашуви имкониятлари» [157; Б.123-125] ўртасидаги зиддиятлар ҳам бир мунча жиддий аҳамиятга эга. Шу маънода, кўплаб тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, ҳукмрон тартиботлар биринчи галда эътиборини низоларни ҳал қилиш доирасидаги ҳуқуқий йўлларда мавжуд бўлган ҳаракатларга, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги амал қилинишига, сиёсий радикализмни бартараф этиш учун қатъий туришга, терроризмга қаршилик кўрсатишга қаратишлари лозим.

Модернизация назариясининг асосий хулосаси шуки, ривожланиш ички ресурсларнинг устунлиги асосида амалга оширилса, бирламчи ва экзоген омилларнинг ёрдамини жалб қилишни назарда тутадиган шартли равишда иккиламчи дея тушунтириш мумкин бўлган ушбу ўтиш жараёнларининг икки босқичи ҳақидаги ҳолат ҳисобланади. Модернизациялашаётган мамлакатлар аралаш жамият сифатида (ўзида анъанавий ва замонавий тузилмаларнинг элементларини қўшиб олиб борадиган) ички ва ташқи зиддиятларнинг кучли манбаларига эга бўлади. Шунинг учун ҳам баъзи бир ҳолларда ташқи ёрдам ўзгаришларни жадаллаштирадиган ёки ёрдам берадиган омил сифатида эмас балки, бу ёрдамларнинг тагида қайсидир бир мақсадлар кўзланганлиги, ўтиш жамиятларида эса юзага келадиган баъзи бир зиддиятли ҳолларда ушбу кўмакнинг ўз кучини «намоён» қилиши кузатилиши мумкин.

Бундан шундай хулоса чиқиш мумкин: модернизация нафақат тараққиёт, балки ҳар хил ижтимоий зиддиятларни, хавф-хатарларни ва тузоқларни ҳам ўзида акс эттирувчи жараёндир. Яъни модернизация жараёнида баъзи бир жамиятларда аҳолининг ёки сиёсий кучларнинг анъанавий кайфиятдаги қатлами ва ислохотчи кучлар ўртасида келишмовчиликлар, низолар содир бўлади. Бунинг натижасида модернизация учун энг қийин тузоқлардан бири – «бир мунча вақт либераллашув давридан кейин тоталитаризм ва диктатуранинг ўрнатилиши» [134; Б.78-79] вужудга келиши мумкин. Шунинг учун ҳам модернизация тарихида даврий узилишлар, ўзгаришларнинг тўхтаб қолиши ва бошқа томонга қараб кетиши, диктатура ва тоталитаризмнинг ўрнатилиши каби ҳолатлар кўп кузатилган. Мисол сифатида, XX асрнинг бошларида Россияда, 30-40-йилларда Японияда, 70-80-йилларда Эронда ва шунга ўхшаш бошқа мамлакатлардаги манзараларни келтириш мумкин.

Умуман олганда, модернизациялашаётган давлатларда ислохотларни амалга ошириш учун ҳукмрон ва мухолиф сиёсий кучлар ўртасида уч хил консенсусга эришиш лозим:

- жамият тараққиётининг ўтган даврига нисбатан муносабати (ғолиб бўлганларнинг ўтган даврда мавжуд бўлган тузум тарафдорлари билан тил топишиши лозимлиги, уларни таъқиб қилмаслиги);

- сиёсий эркинлик шароитида ижтимоий тараққиётнинг мақсадларини белгилаб олишда;

- ҳукмрон тизимнинг сиёсий ўйинлари қоидаларини аниқлаштиришда[182; Б.189].

Бундай консенсусга эришиш нафақат ҳукмрон ва мухолиф элиталарнинг сиёсатдаги санъатига, уларнинг ўз мухолифлари билан тил топиша олишларига, балки, жамиятнинг қадриятлари ва мафкуравий табақаланишларига ҳам боғлиқ бўлади. Агар юқорида келтириб ўтилган уч компромиссга эришилса, сиёсий тузилмаларнинг ва институтларнинг қайта тузилиши (бошқарув органларининг функциялари янгиланиши, партиялар фаолиятининг кенгайиши, жойларда ўзини-ўзи бошқариш органларининг мустақамланиши ва ҳоказолар) катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлади, ҳокимиятнинг ислохотларни амалга ошириш учун инсоний ва моддий ресурсларни сафарбар қилиш лаёқати ошади, ҳукмрон тартиботнинг барқарорлиги мустақамланади, бошқарувга доир қарорлар тайёрланиши ва амалга ошишининг ҳуқуқий технологияларидан кенг қўлланилади.

Шундай қилиб, ушбу параграф хулосаси ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий модернизация назарияси – ўтиш даврининг энг самарали концепцияларидан бири ҳисобланади. Ушбу концепция ўз долзарблигини йўқотмаган ҳолда замонавий босқичда муҳим тадқиқий ишларни амалга ошириш имконини ҳам яратади. Модернизация назариясининг концептуал ва амалий томонларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат учун баъзи бир хатоларнинг олдини олишга ва ислохотлар амалга оширилиши самарали кечишига имкон яратади. Шунингдек, келтириб ўтилган назарияларнинг барчаси Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий модернизация жараёнларига қисман тегишли томонлари ҳам мавжуд. Консерватив назария тарафдорлари томонидан илгари сурилган Давлатнинг ислохотчилик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни назариялари Ўзбекистоннинг мустақилликнинг дастлабки давларидаги ўзгаришларига мувофиқ келса, либерал назария тарафдорлари томонидан илгарни сурилган ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги доимий алоқалар мавжудлиги ҳамда демократик сайловлар ва омманинг элита билан келишувга эришиш қаратилган ғоялари ҳам Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларга мувофиқдир. Шунингдек, полиархия назарияси

намоёндалари томонидан фуқаролар сиёсий иштирокининг юқори даражаси ва ҳар хил гуруҳларнинг ривожланган очик сиёсий рақобати ҳамда сиёсий етакчиларнинг сайловларда ўз сайловчиларининг қўллаб-қувватлашлари учун кураши, демократик ислохотларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилиши каби муҳим элементларга алоҳида эътибор қаратганлигини ҳисобга олган Ўзбекистонда бундай жараёнлар ҳам кузатилганлигини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи-назардан, мавжуд назарияларнинг деярли барчасининг маълум бир элементларини ҳисобга олмаганда қоришма ҳолда Ўзбекистондаги ислохотларга мос келади.

3 &. Хорижий мамлакатлар тажрибасида сиёсий модернизация жараёнлари

Сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилиш ва уни ёритиш учун энг аввало модернизациялашувни ўз тажрибаларида уддалай олган ва давом эттираётган, бугунги глобаллашув шароитларида ўзига хос мавқени эгаллаб турган мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан нечоғли самарали модернизациялашганликларини, мазкур жараёнлардаги ўзига хосликларини ва, энг асосийси, уларнинг босиб ўтган йўллари сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало ғарб мамлакатларининг универсал тажрибаларидан, яъни Шарқ ва Осиё менталитетига хос нозикликларни кенг тадқиқ қилиш уларнинг ютуқларидан ўз модернизациялашувида кенг фойдалана билиш керак.

Юқорида келтириб ўтилганидек, Ғарбда юзага келган сиёсий модернизация аввало инсоннинг ўзгаришида ва унинг табиий муҳитни ўзига бўйсундириш учун қилган ҳаракатларида намоён бўла бошлади. Юқорида айтганимиздек, сиёсий модернизациянинг уч модели: классик хаотик, кечикувчи ва органик бўлмаган ҳамда жадаллашган моделлари мавжуд.

Модернизациянинг классик тартибсиз модели асосида ривожланиш Ғарбий Европа, АҚШ ва Австралия давлатлари учун хос бўлиб, айнан ушбу жамиятлар дастлабки модернизациявий жараёнларни бошлаб берган жамиятлар ҳисобланади. Ушбу жамиятларда модернизациялашув жараёнларига берилган асосий туртки, юқорида келтириб ўтилганидек – аввало буюк жўғрофий кашфиётларнинг юзага келиши, буюк маърифатпарварлик ва унинг

натижаси ўлароқ эркин шахс тушунчасининг юзага келиши, шахс ва жамият ҳаётига давлатнинг ҳар қандай аралашувини чеклашга қаратилган хусусий мулкчилик институтларининг такомиллашганлиги, диннинг сиёсий мавқеи пасайиши ва умуман эркин шахснинг самарали фаолиятини таъминлаб берадиган институтлар (сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари ва хоказолар)нинг юзага келиши билан боғлиқ.

Классик тартибсиз моделнинг энг ўзига хос хусусиятларидан бири – эркин шахснинг юзага келиши ва унинг хоҳ иқтисодий ва хоҳ сиёсий соҳада бўлсин фаолиятида ўзгаришлар рўй бериши, феодал муносабатларга ҳам шаклий жиҳатдан трансформациялашувига олиб келди. Шунингдек, бунга техник тараққиётнинг ҳам таъсир кўрсатиши жамиятда тез суръатлар билан демократик ва фуқаролик жамияти учун асос бўладиган, бозор муносабатларининг фаол иштирокчилари ҳисобланган ўрта қатламнинг шаклланишини ва унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишини тезлаштирди. Бунини мамлакат иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётида зарур бўлган кадрлар тизимининг ўзгариши билан боғлаш мумкин. Бозор муносабатларининг самародорлигини таъминлашда лозим бўладиган институтлар, яъни биржалар, банклар, бошқарув идоралари, замонавий хусусиятларга эга бўлган компанияларнинг юзага келиши ва уларни халқаро майдондаги иқтисодий ва сиёсий жараёнлардан хабардор қилиб туришдан ҳукмрон доираларнинг ўзлари ҳам манфаатдор бўлиши кадрлар тизимини янада такомиллаштириш билан бирга, малакали мутахассисларни ҳам етиштириш лозимлиги масаласини кўндаланг қилди. Кадрларни фақатгина аристократик ёки бой қатламнинг ўзидан етиштириш эҳтиёжларни қопламаслиги, замонавий кадрларнинг қайси қатламдан бўлишидан қатъий назар, иш берувчилар талабига жавоб бера олиши муҳим аҳамиятга эга эди ва энди мамлакатда ўрта қатламнинг ҳам салоҳиятидан кенг фойдаланиш зарурати юзага чиқди. Бу эҳтиёжлар эса ўз-ўзидан ўрта қатламнинг саводхонлик даражаси ошишига, уларнинг манфаатлари пайдо бўлишига ва уларни қондириш учун сиёсий соҳада ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига олиб келди.

Сиёсий модернизация ушбу жамиятларда нафақат сиёсий институтларнинг сифат ўзгаришларини зарурий жараён сифатида талаб қилган, балки жамиятнинг демократлашувини ҳам ўзида акс

этиради. Демократияга ўтишнинг ҳеч қандай тажрибаси ёки аниқ бир намуналари бўлмаган давлатларда модернизация жараёнлари ниҳоятда секин ва равион тарзда кечган. Бунинг асоси, ўз-ўзидан маълумки, тадрижий тараққиёт асосида ҳар хил институтлар ва муносабатларнинг юзага келиши ва жамиятнинг ҳар бир соҳасидаги синхрон ўзгаришлар модернизация жараёнларининг секин кечишига таъсир этган бўлсалар-да, замонавий жамиятга хос элементларнинг такомиллашган ҳолда пайдо бўлишини таъминлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, модернизация жараёнларининг деярли беш аср давомида узоқ вақт амалга оширилиши унинг илгарилаб боришини, тадрижийлигини ва бир мунча барқарор кечишини таъминлади. Бунинг аҳамиятини шундай ифодалаш мумкин: бозор муносабатлари шароитида аҳолининг мулкӣ жихатдан қатламларга ажралиши синфий зиддиятларни келтириб чиқаради. Буни бартараф этиш ва инқирозли ҳолатларга олиб келмасликни таъминлаш учун эса ижтимоий-сиёсий ҳаётни барқарорлаштиб турувчи омиллар зарур бўлади. Бундай ҳолларда ҳукмрон доираларнинг хоҳ иқтисодий бўлсин ва хоҳ сиёсий бўлсин, баъзи бир ён беришларга мажбур бўлиши заруратга айланади. Демак, бундан шундай фикрга келиш мумкинки, ўрта синф манфаатлари қондирилиши учун давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви соҳасида биринчи галда демократик ўзгаришларни амалга ошириш зарур бўлади. Кўриб ўтганимиздек, бундай ўзгаришлардан фақат ўрта қатламгина эмас, баъзи бир ҳолларда аристократик ва ҳукмрон доираларнинг ҳам манфаатдорлиги ошади.

Мисол учун Англия, Франция ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида демократия сари ҳаракатлар XVII асрларда бошланган бўлса-да, фақат XX асрга келибгина бу мамлакатлар бирмунча такомиллашди, дейиш мумкин. Лекин ҳанузгача уларда сиёсий модернизация жараёнлари ўз якунига етди, деб бўлмайди ва ушбу жараёнлар ҳамон давом этмоқда. Классик моделнинг ўзига хослиги шундаки, бунда биринчи галда асосий урғу ҳокимиятлар ўртасида мувозанат ўрнатилиши учун бўлган ҳаракатларга берилади. Яъни, сиёсий модернизацияни амалга оширишда қонунчилик ҳокимиятининг ўрнини ва ролини оширишга кенг диққат-эътибор қаратилади. Бунинг асосий сабаби эса, юқорида

айтиб ўтилганидек, барча ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ифода этиш ва ижро ҳокимиятининг ҳукумат томонидан қабул қилинадиган сиёсий ва давлат аҳамиятига молик қарорларига реал таъсир кўрсатишдир. Маълумки, айнан ижро ҳокимияти асрлар давомида кучли ҳокимият саналиб келинганлигини, бундай ҳолат демократик ислохотларга, ёки умуман сиёсий модернизациялашув жараёнларига салбий таъсир кўрсатганлигини назарда тутсак, унга нисбатан муқобил ҳокимият ҳисобланган қонунчилик ҳокимиятининг жамият ва давлат ҳаётида кучайиши энг муҳим ўзгаришлардан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Европа вакиллик органларини таҳлил қилиш жараёнида шундай ҳолатларни кўриш мумкин, яъни, биринчидан, кўпчилик ҳолларда парламент, Англияда бўлгани каби, табақавий келиб чиқишига қараб шакллантирилмайди. Иккинчидан, қонунчилик ҳокимияти ижро ҳокимиятига нисбатан ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларида тасдиқланганлигидек, улар ўртасида энг маъқул мувозанат ўрнатилгунга қадар ўз ваколатларини кенгайтириб боради. Учинчидан, “парламент идораларининг ўзи ва унинг шаклланиш механизмлари босқичма-босқич демократлашиб боради” [159; Б.93]. Албатта олимнинг хулосаларига ва олиб борилган тадқиқотларнинг хулосаларига кўра, илк парламентлар ҳозирги меъёрлар билан ўлчанадиган демократик хусусиятларни ўзида акс эттирган дейиш қийин. Чунки, жамиятда эндигина шаклланиб келаётган ўрта қатламда сиёсий жараёнларда ва қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш учун зарурий имкониятларнинг барчаси мавжуд бўлмаган. Биринчидан, ўрта қатламнинг жуда катта қисми зиёли эмас, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ҳуқуқларини талаб қила оладиган даражада саводга эга эмас эди. Иккинчидан, анъанавий жамиятга хос элементларнинг мавжудлиги, яъни аҳолининг аксарият қисми урбанизацияга мослашмаган ва бу ҳолат ўз-ўзидан уларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган бирор-бир гуруҳ ёки сиёсий кучга айланишига имкониятнинг йўқлиги эди. Учинчидан, мисол учун АҚШ тимсолида айтадиган бўлсак, бу ерга бошқа мамлакатлардан кўчиб келган аҳоли аксарият қисми баъзи бир жиноятлари ёки шунга ўхшаш камчиликлари учун сурган қилинганлар, овчилар ва асосан бойлик илинжида келган гуруҳлардан иборат эди. Бундай одамларни ҳокимиятга жалб қилиш ва улар иштирокида

мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир масалаларни ҳал қилиш кутилмаган оқибатларга олиб келишини англаб етган ҳукмрон доиралар дастлабки вақтларданок АҚШ учун мамлакатда парламент демократиясини чеклаб туриш лозимлиги масаласини ўртага қўйдилар ва “охлоқратиянинг ёйилиб кетишига қарши турган АҚШ давлати асосчилари сиёсий демократияни чеклаб туришнинг ҳар хил механизмларини назарда тутган эдилар” [159; Б.94].

Мазкур мақолада муаллиф ушбу воқеликларга хос жараёнлар Францияда 1789 йилда амалга оширилган инқилоб воқеликларида ҳам ўз аксини топганлигини таъкидлайди. Яъни ҳали демократик ислохотларга жамиятнинг тайёр бўлмаганлиги ва бунинг натижасида жадаллашиб, олдинга интилган демократия бутунлай охлоқратияга олиб келганлигини ҳамда айнан мана шу вазият туфайли мамлакатда диктатура ўрнатилганлигини исботлаб беради.

Таъкидланганидек, демократик хусусиятларни ўзида намоён қилишга асосланиб бораётган сиёсий модернизация бир давлатдан бошқасига ҳам таъсир қилиши натижасида янада кенг ёйилган дейиш мумкин. Демократик ғоялар ўша даврда шу даражада юқумли эдики, Англияда рўй берган жараён Европанинг бошқа давлатларида ҳам дарров акс этарди.

Мисол учун: 1830 йилда Францияда, 1918 йилда Германияда олигархиянинг куч билан ағдариб ташланиши, бошқа мамлакатларнинг юқори ҳукмрон доираларини қўрқитиб қўйди ва натижада уларнинг тинчгина таслим бўлишига олиб келди (масалан: 1832 йилги Англиядаги, 1918 йилги Швециядаги сиёсий воқеаларни эслайлик). Бу мамлакатларнинг сиёсий модернизациялашувида юқоридан берилган асосий туртки парламент томонидан амалга оширилди ёки мазкур жараёнлар бевосита унинг иштирокида рўй берганлигини кўришимиз мумкин.

Модернизациянинг классик хаотик моделининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки, Европа давлатларидаги хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва мулкий эркинлик фуқаролик жамиятининг муҳим элементи вазифасини аъло даражада ўтади, дейиш мумкин. Хусусий мулкчилик институти жамоат ва фуқаролар шахсий ҳаётининг барча соҳаларига давлатнинг аралашувини бир мунча чеклаган ҳолда фуқаролик жамияти шаклланишига асос бўлди. Яъни юқорида ҳам келтириб

ўтилганидек, Ғарбий Европа мамлакатларида амалга оша бошлаган сиёсий модернизация асосида бугунги кунда барча сиёсий жиҳатдан етакчи мамлакатлар учун намуна хизматини ўтайдиган парламентаризм, фуқаролик жамияти институтлари, инсон ҳуқуқлари, сўз ва диний эркинлик, сиёсий иштирок ва бошқа шунга ўхшаш сиёсий модернизациянинг ажралмас қисмлари юзага келди, деб бемалол айтиш мумкин. «Ғарб тажрибасининг кўрсатишича, фуқаролик жамияти ушбу минтақада мавжуд бўлиб келган муносабатлар ва институтлардан юзага келди, ижтимоий жиҳатдан кенгайди, кейин эса «атроф муҳитни» ўз тараққиёт қонунларига бўйсундирган ҳолда тарихий юзага келган тузумни модернизациялаштиради. Жамиятнинг такомиллашув сари интилишини, жумладан, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, кенг давлат ислохотлари учун ҳаракатларни айнан шулар ёрдамида тушунтириш мумкин»[131; Б.107].

Бундан ташқари, модернизация жараёнида юзага келиши мумкин энг мураккаб муаммолардан бири – бу ўзгаришларнинг ҳар бир босқичида ҳар хил гуруҳлар ва тузилмаларнинг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ҳисобланди. Бозор иқтисодиёти шароитида янги эҳтиёж гуруҳларининг шаклланиши уларнинг вакиллик тизимлари қарор топишини, яъни гуруҳлар манфаатларини талаб шаклида ҳокимиятга олиб чиқишга қодир кўп сонли институтларнинг шаклланишини тақозо қилади. Бу эҳтиёж айниқса тараққиёт жиҳатдан бир мунча ортда қолган давлатларда янада ошади. Уларнинг манфаатлари мувозанатини таъминлаш эса модернизация жараёнларининг янада самарали тарзда олдинга интилишига туртки бўлади.

Сиёсий модернизациянинг самарадорлигини ва ҳаракатчанлигини таъминлашнинг энг маъқул йўли – бу сиёсий модернизация жараёнларида бозор муносабатлари қарор топиши асосий вазифаларидан бири ҳисобланган, ҳамда вакилликнинг ривожланган тизимини шакллантирадиган иқтисодий ва сиёсий модернизацияни параллел тарзда амалга оширишдир. Бироқ бу йўлнинг ўзига хос қийинчиликлари шундаки, жамиятнинг ва иқтисодий ҳаётнинг бир вақтнинг ўзида ўзгариб боришидир. Шунинг учун ҳам бирор бир мамлакатда модернизацияни амалга оширишнинг шакллари ва механизмлари жамиятнинг маданий-тарихий ва ижтимоий-иқтисодий етилганлиги асосида амалга

ошмоғи лозим. Мисол сифатида скандинавия давлатлари моделини олиб кўрайлик, бу ерда модернизациянинг параллел ўзгаришларини амалга ошириш лаёқатини, яъни сиёсий демократия сари ҳаракатлари бозор инфратузилмалари ташкил қилиниши билан бир вақтда юзага келганлигини намоиш қилди. Европа қитъасидаги модернизация жараёнларидан бир мунча кеч амалга ошган бўлишига қарамасдан, шимолий Европа давлатлари кейинги 180 йил давомида замонавий жамиятга айлана олди. Бунга индивидуализм қадриятларини, мулкчиликни, аҳолининг кундалик ҳаётида эркинлик каби омиллар кенг таъсир кўрсатди. Конституциянинг мавжудлиги алоҳида иқтисодий ишлаб чиқарувчилар, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий кафолати яратилишини таъминлади. Аҳоли яшаш даражасининг доимий ўсиб бориши синфий зиддиятларни енгиллаштирди ва жамиятдаги мавжуд гуруҳларнинг асосий қадриятлар ҳамда устувор тараққиёт бўйича келишувга, яъни ижтимоий микроконсенсусга эришувини таъминлади. Ташқи сиёсатдаги давлат бетарафлиги ушбу давлатларга барча моддий ресурсларни ҳарбий ҳаражатларга эмас, балки ички заруратларга сарфлаш имконини берди.

Шу билан бирга, классик модел асосида сиёсий модернизацияни амалга оширган ғарбий Европанинг баъзи бир давлатларида ташқи миграция ҳам муҳим рол ўйнади дейиш мумкин. Австралия ва Янги Зеландия давлатларига демократик институтлар, қадриятлар ва йўналишлар бевосита иммигрантлар томонидан олиб келинган бўлса, иккинчи жаҳон уруши даврида Германияни тарк этган ҳамда урушдан сўнг мамлакатга қайтиб келган собиқ фуқаролар мамлакатнинг демократик йўлда ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бунга ўхшаш жараёнларни, яъни иммигрантлар томонидан мамлакатга модернизация омиллари олиб келинишини Канада, АҚШ ва Исроилда ҳам кўриш мумкин. Бундан шундай хулосага ҳам келиш мумкинки, бошқа омиллар билан бир қаторда иммиграция омили ҳам модернизация жараёнига беқиёс даражада таъсир кўрсатади.

Шунингдек, модернизациянинг классик хаотик моделида баъзи бир давлатларнинг сиёсий трансформациялашувини ҳам кузатиш мумкин. Мисол сифатида Германияда мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан шаклланишини биринчи маротаба – Веймар

республикаси ташкил қилинганда, иккинчи бор – национал-социалистлар ҳукумат тепасига келганда, учинчи гал – иккинчи жаҳон урушининг ниҳоясида мамлакатнинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, СССР томонидан эгаллаб олинганлиги ва давлат сиёсий тизими ўзгарганлиги мисолида кўриш мумкин.

Сиёсий модернизациянинг иккинчи модели – кечикувчи ва органик бўлмаган модели жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари учун хос бўлиб, бу моделда модернизация жараёнлари классик хаотик моделга мансуб жамиятлардан кўра бир мунча кеч бошланганлиги билан ажралиб туради.

Бундай мамлакатлар қаторига Ғарбий Европа давлатларидан Испанияни, Португалияни, Грецияни, кўплаб Лотин Америкаси давлатларини, шунингдек, Осиё мамлакатларидан Туркия, Япония, Исроил ва бошқа кўплаб давлатларни киритиш мумкин.

Ушбу жамиятларда сиёсий модернизация жараёнларининг амалга ошишининг асосий хусусиятлари шундан иборат бўлдики, бунинг учун уларда мазкур жараёнларга тегишли институтларнинг ва зарурий шарт-шароитларнинг (фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва буларнинг давлатдан дахлсизлигини кафолатлайдиган хусусий мулк ҳамда тараққий этган бозор) йўқлиги ва шунга ўхшаш бир неча омилларнинг мавжудлиги туфайли буларда сиёсий ва бошқа соҳалардаги модернизациянинг кеч бошланганлиги эди.

Ҳокимият ёки сиёсий бошқарув нуқтаи-назаридан қараганда, мазкур мамлакатларда қуйидаги белгиларни кўришимиз мумкин:

- биринчидан, ҳокимиятлар авторитар хусусиятларга эга эди;
- иккинчидан, жамият барча демократик ўзгаришларни қабул қила оладиган ва ўзига сингдира оладиган даражада етилмаган эди;
- учинчидан, бошқарув органларининг давлат ва жамият ҳаётида энг муҳими бўлган барқарорликни таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар, уюшмалар, жамоат бирлашмалари каби демократия институтларини сиёсий бошқарувда иштирок этишидан манфаатдор эмас эди;
- тўртинчидан, мамлакатда анъанавий жамиятларга хос баъзи бир элементларнинг, яъни диннинг, етакчиларнинг таъсири катта эди;
- бешинчидан, жамият ва давлат тараққиёти нуқтаи-назаридан ўз миллий, ҳудудий, тарихий, маданий ва бошқа хусусиятларини

ҳисобга олган ҳолда келажак истиқболларини аниқ белгилаб олишда баъзи бир мураккабликларга дуч келинган эди.

Илмий адабиётларда, аксарият ҳолларда, мамлакатни сиёсий ва бошқа соҳаларда модернизация қилишда авторитар тартиботларнинг самарадор эканлиги ҳақида кўплаб қарашлар мавжуд. Мисол учун Испанияда амалга оширилган модернизациянинг бир қатор қонуниятларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ерда ҳам:

- *биринчидан*, замонавий жамиятга ўтиш фундаментал сиёсий масалаларни ечишда, яъни давлат институтларини шакллантириш, конституцияни ишлаб чиқиш, миллий-давлатчилик тизимининг умумий тамойилларини белгилаб олиш каби сиёсий тадбирлар билан бошланди;

- *иккинчидан*, иқтисодий модернизация масалалари маълум вақтларгача кечиктириб турилди ва сиёсий муаммолар ҳал этилгандан сўнггина иқтисодий модернизацияга киришилди;

- *учинчидан*, модернизациянинг давомийлиги ва олиб борилиш суръати авторитар сиёсий тартибот томонидан назорат қилиб борилди;

- *тўртинчидан*, авторитар тартибот қўлида ресурсларнинг тўпланиши ҳар хил тарихий босқичлардан қолган масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини берди (масалан, бир вақтнинг ўзида информатсион технологияларга ўтиш, парламент демократиясини яратиш ва ҳуқуқий давлат қуриш каби). Ўша пайтларда барқарорликни ва жамиятда тинчликни сақлаш муҳим аҳамиятга эга эди.

Умуман олганда, мамлакатлар тажрибасида сиёсий модернизация жараёнларида кўпинча етакчининг, гуруҳнинг, муҳитнинг (бунда табиий жойлашув, шароит, атрофдаги давлатлар, аҳоли ва элитанинг ислохотларга тайёрлиги ва хоказолар назарда тутилади) ролини алоҳида қайд этиш мумкин.

Етакчининг роли ҳақида гапирганда, Францияда генерал Шарль де Голл, Германияда Конрад Аденауер, Чилида, гарчи диктаторлик асосида давлат бошқарган бўлсада, унинг жаҳон миқёсида ўзига хос давлат даражасигача эришига катта ҳисса қўшган сиёсатчи Августо Пеночет, Сингапурда Ли Куанг Ю, Индонезияда Сухарто, Жанубий Кореяда Пак Чжон Хи, Хитойда Ден Сяо Пен ва хоказоларнинг тарихий ўрнини таъкидлаш жоиз.

Уларнинг баъзиларида келтириб ўтилганидек, диктаторлик ва тоталитар тизимга хос сиёсат кузатилган бўлсада, мамлакат сиёсий ва иқтисодий тараққий этишида уларнинг роли катта бўлди. Шу ерда, Хитой Халқ Республикасининг буюк ислохотчиси номини олган Ден Сяо Пеннинг мамлакат тараққиётига оид бир фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлади: “Хитой уйининг тўрт деворида шундай дарчалар очилиши лозимки, биридан билим кириб келса, иккинчисидан технологиялар кириб келсин, учинчисидан тажриба ва малака кириб келса, тўртинчисидан капитал кириб келсин” [203;].

Шунингдек, юқорида келтириб ўтилганидек, баъзи бир давлатларда гуруҳнинг (партия, ҳаракат, жамоат ташкилотлари) роли ҳам ниҳоятда беқиёс бўлганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Бунда, Америка давлатчилиги тараққиётида муҳим рол ўйнаб келаётган Республикачилар ва Демократлар партиясининг, Японияда Япония Либераль-демократик партиясининг, юқорида келтириб ўтганимиздек, Хитойда Хитой Коммунистик партиясининг етакчилик ва тараққиётдаги ролини таъкидлаш лозим.

Сиёсий модернизация жараёнида муҳитнинг (табiiй жойлашув, шароит, атрофдаги давлатлар, аҳоли ва элитанинг ислохотларга тайёрлиги) роли ҳақида гапирганда, таъкидлаш жоизки, ҳар қандай давлатга ён-атрофдаги давлатларда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижалари ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Мисол учун, Европа давлатларидаги бугунги ютуқлар албатта бошқа давлатларга таъсир кўрсатади. Бунга яна бир бор Испания мавзусини киритиш лозим. Яъни, Европа давлатларида бошланган кенг демократик ислохотлар Испанияда фашистик тартиботнинг емирилишига таъсир кўрсатди. Ёки, Лотин Америкаси давлатларидаги сиёсий ислохотларнинг қитъада жойлашган бошқа давлатларга ҳам ўзининг кенг таъсирини кўрсатди.

Энди сиёсий модернизациялашув тажрибаларини шарқ мамлакатларидан Индонезия, Сингапур, Хитой ва Жанубий Корея мисолида ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шарқ ва Ғарб давлатлари сиёсий модернизациялашуви ўртасида бир мунча тафовутлар бўлиб, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Шарқ мамлакатларида сиёсий модернизациялашув аксарият ҳолларда авторитар ҳокимиятлардан сўнг ва уларнинг ислохотчилик ташаббуслари (давлат назорати остида) ёки инқилобий йўллар билан амалга оширилган;

2. Шарқ мамлакатларида демократик қадриятлар, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти элементлари Европадагига қараганда бир мунча кеч шаклланган;

3. Шарқ мамлакатлари сиёсий модернизациялашувида кўпинча дастлабки асосий эътибор иқтисодий соҳани ривожлантиришга қаратилган;

4. Шарқ мамлакатларида сиёсий модернизациялашувда кўпинча айрим соҳалардагина Ғарб тажрибаларидан фойдаланишга мойиллик бўлган;

5. Шарқ мамлакатларида сиёсий модернизация жараёнлари баъзи ҳолларда низолилиги ва унда юзага келадиган демократлашув жараёнларига нисбатан қарши ҳаракатларнинг мавжудлиги билан фарқланиб туради ва ҳоказолар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўплаб Шарқ мамлакатларида кузатилган кенг ислохотчилик жараёнлари юқорида келтириб ўтилган давлатларда ҳам ўзига хос ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Асосан, мустамлака ёки бошқа давлатлар таъсири остига тушиб қолган Шарқ давлатларининг баъзиларида тараққиёт учун, Европа давлатлари даражасига ва қудратига эришиш учун асосий омиллардан бири - бу уларнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа институтларини, андозасини ўзларида ҳам жорий қилиш дея тушундилар. Бу ҳолат Индонезияда ва Эронда кузатилган бўлсада, лекин натижа кутилганидек эмас, аксинча бўлди. Ҳар икки давлатда ҳам мамлакат ҳалқининг менталитети, турмуш тарзи, ислохотларга тайёр эмаслиги ва кўр-кўрона андоза олиш ҳар икки давлатда ҳам инқилобга сабаб бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Мисол учун, Индонезиянинг эндиgina мустақилликка эришиши билан боғлиқ беқарорлик, сиёсий ва иқтисодий соҳаларида ривожланишнинг ниҳоятда пастлиги каби сабаблар бу жараёнга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бундан ташқари, мамлакат аҳолисининг мустақиллик учун кураш шароитларида тўлиқ сиёсий ҳаётга жалб қилинганлиги, диний ва маданий ранг-баранглик, таълим даражасининг пастлиги ҳам мамлакатнинг

сиёсий модернизациялашув имкониятларини чеклаб қўйган эди. Айниқса, сиёсий партиялар ва парламентаризм масалаларидаги заифлик туфайли турли хил коалициялар тузилар ва улар ҳам тинимсиз алмашилиб турарди. Бундай беқарорлик ва халқнинг норозилиги Сукарнонинг ҳокимиятдан ағдариб ташланишига сабаб бўлди ва генерал Сухарто бошчилигидаги ҳарбийлар ҳокимияти ўрнатилиши Индонезияда ислохотларнинг барқарор амалга оширилиши учун ниҳоятда самарали бўлганлигини тан олиш лозим. Ушбу давлатдаги муҳим ислохотлардан бири “Олий фуқаролик мансабдорлари билан бирга генерал ва офицерлар «янги синф»ни, бюрократик буржуазияни шакллантирдилар” [195; Б.38].

Узоқ вақт давомида мамлакатда тартиботни сақлаш ва уни муҳофаза қилиш мамлакат президентиға тўғридан-тўғри бўйсунадиган бир неча томонидан амалга ошириб келинди. Индонезияда «ҳокимият партияси» ҳисобланган Голкар партияси ниҳоятда кўпсонли бўлиб, мамлакатдаги сиёсий тартиботни қўллаб-қувватлашга сафарбар қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилар эди. Голкар партиясига аъзо бўлиш, худди Совет Иттифоқидагидек, барча давлат хизматчилари учун мажбурий эди[193; Б.87-88]. Ҳукумат ҳам халқ орасида катта обрўга эга бўлиш, тартибни ва барқарорликни сақлаш, шу орқали ўз легитимликларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор қарата бошладилар. Бунда муваффақиятларга эришиш аниқ стратегия орқали амалга ошиши мумкин эди. Индонезиянинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган «кабирлар» Сухарто ҳокимият тепасига келгунга қадар мамлакатни чуқур иқтисодий инқироз ботқоғига ботириб ташлаган эди. Сухарто ҳокимият тепасига келибoқ, биринчи галда амалга оширган иши – мамлакат иқтисодиётини тезда юксалтириш ва «кабирлар» томонидан вужудга келтирилган капитални давлат хизмати томон йўналтириш бўлди. «Миллий тараққиёт»ни ва аҳолининг зарурий эҳтиёжларини қондириш – энг муҳим вазифага ва узоқ муддатли истиқболли режага айланди. Бунда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва Янги саноат тармоқларини ривожлантиришда хитойликлар бизнесининг фаоллашаётгани кузатила бошлади. “Мамлакатда ҳарбийлар билан яхши муносабатда бўлган хитойликлар бир қанча фойдали контрактлар ва имтиёзларга эга

эдилар. Уларнинг капитал қўйилмалари «мамлакат иқтисодини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида фойдали манба» сифатида қараларди» [194; Б.35]. Иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда катта бўлган компания «Пертамина» мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий лойиҳаларига молиявий ёрдам кўрсатар ва сиёсий ҳамкорлари – Голкар партияси ва армия учун бюджетдан ташқари ёрдамлар ҳам кўрсатарди[171; 123 б].

Айнан шундай жараёнларни Хитойда, Жанубий Кореяда, Сингапурда ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун Хитойда Хитой Коммунистик партияси (бунда алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлган масала – партия ва етакчининг мамлакатни модернизация қилишдаги ўрни ва роли) ва раҳбар Ден Сяо Пен Хитойнинг тараққиёт йўлини белгилаб берган ва ривожланиши учун асос яратган. Ҳанузгача, гарчи мамлакатда раҳбар ва ҳукумат таркиби ўзгарган бўлишига қарамасдан, Ден Сяо Пен томонидан белгилаб берилган ислохотлар стратегияси давом этмоқда.

Шунингдек, Сингапур ва Жанубий Корея тажрибаларида ҳам сиёсий модернизация жараёнида Индонезия сингари етакчининг муҳим рол ўйнаганлиги, шу билан ташқи таъсир омили ҳам кучли бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларининг кўрсатган иқтисодий ва инвестицион ёрдамлари, бунинг натижасида сиёсий ислохотларни олиб бориш учун аҳолининг ислохотларга тайёр бўлиши сингари жараёнлар кузатилди. Бу ҳолат жадаллашган моделга мос бўлиб, кўплаб сиёсий муаммолар халқнинг иқтисодий муаммоларини хал қилиш йўли билан тўлдириб бориларда.

Шунингдек, барча давлатлардаги бўлгани каби урбанизация жараёнлари ҳам модернизациялашнинг муҳим омилларидан эканлигини ҳисобга олсак, бу давлатларда қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, деҳқонларнинг манфаатини ҳимоя қилиш йўли билан уларнинг ишончини қозониш ва ишсиз қишлоқ аҳолисини шаҳарларга, янгидан ташкил қилинаётган корхоналарга жалб қилиниши эса уларнинг маълум маънода замонавий ҳаётга мослашишига замин яратган эди.

Хитой, Индонезия, Сингапур, Жанубий Корея сингари мамлакатларнинг сиёсий-мафкуравий ишлари ҳақида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатда ўрнатилган авторитар тартибот анъанавий қадриятларга таянган ҳолда янгича

талқин қилинадиган доктриналарни ишлаб чиқдилар ва ҳаётга жорий қила бошладилар. Ушбу доктриналар табиий равишда мамлакат ҳокимиятининг ва сиёсий тартиботнинг легитимлиги ошишига, халқ бу ғояларнинг атрофида янада жипслашишига хизмат қилди. Мафкурани сингдириш бўйича ўқув курслари ва уларга етакчилик қиладиган ходимларни тайёрлаш юзасидан тадбирлар ташкил қилинди. Ўқув курслари асосан давлат сиёсатини тарғиб қилишга қаратилар ва қатнашчилар орасида нафақат деҳқонлар, балки катта-катта мансабдорлар ҳам бор эди. Бу тадбирлар натижаси ўлароқ, миллийлик, жамоавийлик, антикоммунизм ва осийча тараққиёт сингари қадриятларга асосланадиган янги мафкура яралди. Бевосита мафкуранинг яратилиши етакчиларнинг ва давлат сиёсатининг легитимлигини оширганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Умуман олганда, модернизациялашда аста-секин демократия томон силжиш кўзга ташланар ва сиёсий институтларнинг такомиллашуви, партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаоллашуви босқичма-босқич амалга оширилиб борилди. Айниқса, демократиялашувнинг асосий омилларидан бўлган иқтисодий юксалиш ушбу давлатларда сиёсий модернизациялашга катта таъсир кўрсата бошлади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Сиёсий фанлардаги энг долзарб мавзулардан бири бўлган *сиёсий модернизация* назариясига доир қарашлар ўтган асрнинг 50-60 йилларида вужудга келган. Мазкур даврга қадар сиёсий ривожланиш ва мамлакатлардаги сиёсий ўзгаришларни, ислохотларни, демократлашув жараёнларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий тадқиқотларда сиёсий модернизация термини учрамайди ва у сиёсатшунослик фанида категория сифатида ўрин олмаган. Модернизация термини бу даврга қадар технология иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга нисбатан қўлланилган.

Сиёсий модернизация назарияси ўз тадқиқот йўналишларига кўра учга –консерватив, либерал ва полиархия назарияларига бўлинади. Ушбу назарияларнинг барчасида демократлашув учун жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши энг муҳим омиллар қаторига киритилган.

Сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилиш натижасида сиёсий модернизациянинг қуйидаги ўзига хос тушунчалари, қоидалари, таърифлари ва ривожланиш тамойилларига доир хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Жамият ривожланиши натижасида инсониятнинг турли соҳалардаги ҳаётӣ эҳтиёжлари ортиб борган ва ушбу эҳтиёжларнинг қондирилиши учун бошқарув (сиёсат) соҳаси ҳам доимий такомиллашувни талаб қилган. Бошқарувнинг такомиллашуви натижасида сиёсатда модернизация жараёнлари табиӣ равишда юз берган.

2. Модернизация – дастлаб Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада XVII ва XIX асрларда юзага келган ва ривожланган концептуал парадигма бўлиб, кейинчалик, яъни XIX ва XX асрларда Жанубий Америка, Осиё ва Африка китъаларига тарқалган ижтимоӣ, иқтисодӣ ва сиёсий тизимдаги такомиллашиш ва ўзгаришларга қаратилган жараёнлардан иборат.

3. Сиёсий модернизация – кенг қамровли тушунча бўлиб, бу ижтимоӣ тизимнинг: иқтисодиёт, ижтимоӣ муносабатлар, маданият, таълим ва бошқа турдаги барча таркибларида ўзгаришлар рӯй бериши сингари умумӣ жараёнларнинг сиёсатга оид бўлган қисмидир.

4. Сиёсий модернизация – бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги муносабатларнинг доимӣ эволюцион ривожланиб боришидир.

5. Сиёсий модернизация анъанавӣ жамиятдан ривожланган замонавӣ жамиятга ўтиш билан боғлиқ бўлиб, барча сиёсий институтларнинг фаолияти такомиллашув билан асосланади.

6. Модернизациядан мақсад – иқтисодӣ юксалиш, тенглик, демократия, барқарорлик, фаровонлик, адолат, тартиб-интизом каби социал қадриятларни жорий қилиш, шунингдек, уларнинг бутунлай тескараси бўлган камбағаллик, тенгсизлик, катағон, зўрлик, шахснинг бировга, жамиятга ёки давлатга қаттиқ боғланганлиги сингари тузумдан модернизациялашув орқали халос бўлишидир.

7. Сиёсий модернизация концепцияси илмӣ-техникавӣ тараққиёт, ижтимоӣ-тузилмавӣ ислохотлар, меъёрий ва қадриятӣ ўзгаришлар натижасида анъанавӣ жамиятдан оқилона жамиятга ўтишнинг характери ва йўналишларини кўрсатиб

берадиган цивилизациявий глобал жараёнларнинг умумий моделларини асослашни англатади.

8. Сиёсий модернизация – бу кейинги пайтларда кўп тилга олинаётган ва маълум бир баҳсларга сабаб бўлаётганидек, вестернизация эмас, балки ҳар бир жамиятнинг ўз миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги замонавийлашиб боришидир.

9. Демократик транзит назарияси сиёсий модернизацияга зид бўлиб, ривожланган Ғарб давлатларининг баъзи бир элементлари, яъни сиёсий партиялар, парламент ва хоказо классик институтлари ва тажрибаларидан фойдаланса бўлади, лекин уларнинг сиёсий тизимини ёки демократиясини айнан кўчириб олиш фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сиёсий модернизация – анъанавий ёки эндигина ривожланаётган давлатларнинг сиёсий қолоқлик элементларини бартараф этиш борасидаги ислохотлари сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

11. Сиёсий модернизация – айнан анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш эмас, балки замон талаблари асосида ривожланиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун имконияти йўқ ёки етмайдиган маълум бир қолоқ сиёсий тизимдан бошқа бир тизимга трансформациялашув ҳамдир.

Собиқ социалистик лагер таркибига кирган давлатлардаги сиёсий ўзгаришлар – айнан юқорида келтириб ўтган трансформациялаётган сиёсий модернизация жараёнларига мос келади.

II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЗАРУРИЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА

1&. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг зарурати ва босқичлари

Ўтган асрнинг охирларида жаҳон сиёсий майдонида юз берган воқеаларнинг шиддатидан, кескин ўзгаришлардан Марказий Осиёнинг қоқ юрагида жойлашган Ўзбекистон ҳам бенасиб қолмади. Тоталитаризм, маъмурий буйруқбозлик иллатлари жамиятнинг барча соҳаларини қаттиқ назорат остига олганлиги, инсоний комилликнинг асосий омилларини тан олмаган социалистик лагернинг инқироzi каби жараёнлар оқибатида дунё сиёсатида қанчалик катта тебранишлар юз берганлиги барчамизга маълум. Айнан ушбу воқеликларда мамлакатимизнинг ҳам энг мураккаб трансформацион жараёнларга дуч келганлиги, тараққиёт йўлини танлашдаги қийинчиликларни бошдан кечирганлиги, ҳам ички ва ҳам ташқи таҳдидларни бартараф этиш учун барча имкониятларни тараққиётнинг энг зарурий шартларидан бўлган жамият ва давлатда барқарорликни сақлаш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирганлиги ҳеч кимга янгилик эмас.

Бу даврга келиб Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий қиёфаларида кескин ўзгаришлар рўй бериши билан бирга, келтириб ўтилган соҳаларда янгиланишлар амалга оширилди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Илгариги мустабид тузумга хос бўлган бошқарув шакли, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ўрнини маърифатли, адолатли, тараққийпарвар жамиятга хос умуминсоний характерга эга бўлган бошқарув шакли ва сиёсий институтлар эгаллай бошлади. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида каттадан-катта ўзгаришлар рўй бердики, бу ўзгаришлар асосини пировард мақсадимиз бўлган мамлакатни модернизация қилиш каби муҳим вазифалар ташкил этади. Ушбу ўзгаришлар жараёни ўз-ўзидан зарурат юзасидан амалга ошиши ва энг муҳим шартлардан бири сифатида одамларнинг тафаккур ва дунёқарашида янгиланишлар жараёни содир бўлишини тақазо этарди. “Кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларни ўзгартириш айниқса муҳимдир. Фикрлашни қадам-бақадам ўзгартира бориб, амалда бошқа мамлакатларда юз йиллаб қурилган

янги тизимнинг афзалликларига келамиз”, – дея таъкидлаган эди мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримов ўз нутқларидан бирида[30; Б. 64-65].

Ҳар қандай ўтиш даври муайян жараёнларни ўз ичига олади ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга мақсадли тарзда амалга ошади. Ушбу трансформацион ўзгаришлар ҳар доим зарурат туфайли юзага келади. “Бунда демократияга ўтишнинг ислохотчилик моделлари тамойилларидан фойдаланишгина яхши самара берарди. Шунинг учун мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, мамлакатимизда мавжуд сиёсий тартиботни ўзгартириш бевосита демократик ислохотларга жамиятни тайёрлаш нуқтаи назаридан амалга оширила бошланди. Жамиятни босқичма-босқич ислох қилиш стратегияси белгиланди” [66; Б.28]. Шу нуқтаи-назардан мамлакатимизда сиёсий соҳада модернизация жараёнлари амалга оширилишининг ўзига хос зарурий жиҳатлари асосан қуйидагиларда ўз аксини топган эди:

- Собиқ Иттифоқ бошқарув аппаратининг охириги вақтларда ташкилий жиҳатдан ниҳоятда заифлашиб қолганлиги натижасида юзага келган бошбошдоқликнинг кенг авж отиб кетишига йўл қўймаслик;

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бутун собиқ СССРнинг Марказий аппаратида бошланиб кетган сиёсий инқироз ва бошбошдоқлик бутун мамлакат бўйлаб тобора кенг ёйилиб борарди. Мамлакатнинг ҳам ташқи сиёсатда (Афғонистондаги мағлубият, Варшава шартномасининг ўз аҳамиятини йўқотиши, собиқ социалистик лагерга аъзо мамлакатларнинг Ғарбга томон юз буриши кабилар), ҳам ички сиёсатда (ҳукумат тўнтарилиши, Болтиқбўйи давлатларининг Иттифоқдан ажралиб чиқиши, Чернобиль АЭСда даҳшатли портлашнинг рўй бериши, мамлакат иқтисодий ҳаётининг бутунлай издан чиқиши, ҳар хил турдаги ҳаракатларнинг, сиёсий уюшмаларнинг тузилиши, миллатчилик кайфиятларининг кучайиши, марказ бошқарувига нисбатан ишончнинг камайиши ва ҳоказолар) заифлашиб бориши минтақамиздаги республикалар учун ниҳоятда оғир оқибатларни келтириб чиқариши муқаррар эди.

Гарчи, халқ демократик ислохотларга ҳали умуман тайёр бўлмаса-да, бутун Собиқ Иттифоқ ҳудудларида кенг демократик ўзгаришлар «авж ола» бошлади. Ушбу ўзгаришлар айрим

гуруҳларнинг, давлатларнинг талабларига бутунлай мос келадиган бўлса, бу – мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини бутунлай издан чиқариши мумкин эди. “Халқ депутатлари съездлари ва коммунистик партиянинг нуфузли йиғилишларида сиёсий можаролар, ўзаро тортишувлар, шахсий адоват ва манфаатнинг кескинлашуви ҳолатлари юзага келди. Ўзаро тўқнашувлар авж олиб, мамлакат раҳбарияти ўртасида парокандалик, ўзаро келишмовчиликлар, тарафкашлик ва гуруҳбозлик кучайди, сиёсий мавқени йўқотаётган раҳбар шахслар ўртасидаги курашлар мамлакатни фожиали оқибатлар гирдобига торта бошлади” [62; Б.11]. Бундан ташқари, Собик Иттифоқнинг ўз манфаатларига мос тарзда «сақланиб қолишдан» манфаатдор кучлар томонидан турли хил найранглар, «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» каби айбловлар доирасида катагонларнинг авж олиб кетиши рўй бера бошлади. Шунингдек, порахўрлик, таъмагирлик каби иллатларнинг кенг ёйилиши, бунинг оқибатида ушбу иллатларга алоқадор кўплаб раҳбарларнинг бошқарув соҳасига келиб қолганлиги ҳам бошқарувда бошбошдоқликларнинг кучайиб кетишига олиб келди. Мана шундай шароитда мамлакат яхлитлиги ва дахлсизлигини, жамият ва давлат барқарорлигини сақлаб қолиш энг муҳим масала сифатида майдонга чиқди.

- Коммунистик партиянинг етакчилигига ҳамда унинг тузилмаларига бўйсундириб қўйилган ва мустақилликдан сўнг замон талабларига жавоб бера олмай қолган бошқарув соҳасини тараққийпарвар дунё тажрибасини, миллий хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда янгича асосда такомиллаштириш;

Коммунистик мафкура ҳукмронлиги остида ўтган 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида, партиянинг яккаҳокимлик фаолияти давлат ва жамият ҳаётига чуқур сингиб кетган эди ва бунинг натижасида барча институтлар коммунистик мафкура доирасида фаолият олиб борар эди. Ислохотларни амалга ошириш ва унинг муваффақиятли тарзда кечиши учун барча соҳаларни тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминида мафкурадан ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимояланган ҳолда қайтадан тузишга тўғри келди.

- Тараққиётнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланган барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда ва мамлакатда барча ислохотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайдиган кучли ижро ҳокимияти зарурлигини ҳисобга олган

ҳолда, қонун доирасида ушбу ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилиш ҳамда унга баъзи бир институционал ваколатлар бериш;

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ўзининг трансформацион жараёнларини самарали амалга ошириши ва ўз мақсадига эришиши учун аввало жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қодир, оператив фаолият кўрсатиш ваколатларига эга, институционал жиҳатдан яхши ташкил қилинган ижро ҳокимиятига зарурат сезилиши табиий. Илмий ишимизнинг бошларида келтириб ўтганимиздек, кўплаб сиёсий модернизациялашув назариясининг консерватив оқими намоёндалари ҳам жамиятнинг трансформациялашувида, шунингдек демократик ислохотларга тез кўникиб мослашувида тинчлик ва барқарорлик асосий омил бўлишини таъкидлаганлар. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, жамиятнинг кенг ўзгаришларни амалга оширишида ижро ҳокимиятининг ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Ижро ҳокимиятининг ўрнини ва ролини чуқур англаб етган мамлакатнинг биринчи раҳбари “Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эрklarини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади” – дея таъкидлаган эди[30; Б. 15].

- Мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини ва барқарорлигини таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучлар тизимини яратиш; Ҳар қандай жамиятнинг ислохотларни амалга оширишида кўплаб ташқи ва ички ихтилофларнинг рўй бериши, шунингдек янги давлат ва жамиятга нисбатан хавф-хатарлар ҳамда таҳдидларнинг юзага келиши табиий ҳол ҳисобланади. Бундай ихтилофларни, ички ва ташқи таҳдидларни бартараф этиш учун эса, кучли ижро ҳокимияти ва бевосита унинг муҳим бир механизмларидан бири бўлган мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини ва барқарорлигини сақлашга қодир бўлган Қуролли Кучлар зарурдир. Шунинг учун ҳам мамлакатда мазкур тизимни шакллантиришга ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Мамлакат суверенитетини, иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган, мудофаа, ҳарбий хизмат масалаларини ҳал этиш зарурлиги кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланди. Бундан

ташқари Ўзбекистоннинг сиёсий модернизациялашувидаги энг муҳим ислохотларга қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Жамият ҳаётида ва давлат органлари тизимларида ўтиш даврида ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш учун, шунингдек, замонавий иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, янгидан ташкил қилинган тузилмалар ва институтларга кенг имкониятлар яратиш учун ҳуқуқий соҳани тубдан янгилаш;

- миллий, этник, диний ва бошқа хусусиятлар туфайли келиб чиқадиган низоларни бартараф этиш, уларнинг қайта юзага келишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий кафолатларни яратиш;

- ҳокимиятга, умуман ҳукуматга нисбатан ишончи қолмаган халқ орасида мамлакатнинг янги ҳукуматига ишончни орттириш, мамлакат раҳбариятининг легитимлигини таъминлаш чораларини кўриш;

- давлатчилик, бошқарув ва сиёсий соҳаларда мавжуд классик қадриятларни, яъни ҳокимиятлар бўлиниши ва улар ўртасида муносабатлар каби масалаларни миллий қарашлар билан уйғун ҳолда амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш;

- ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар суръатини мувофиқлаштириш;

- фуқароларнинг сиёсий ўзгаришлар моҳиятини англашлар учун уларнинг сиёсий дунёқарашини кенгайтириш;

- ижтимоий-сиёсий муҳитни умуминсоний ва миллий тамойиллар уйғунлиги руҳида ривожлантириш;

- мамлакат сиёсий ҳаётида халқнинг кенг иштирокини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатларни яратиш;

- мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан асосий мақсадларимиздан бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шакллантирилишида асосий ўрин тутадиган институтларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш;

- давлат тизими ва жамият қурилиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда фуқароларнинг сиёсий маданияти ва онгида янгича қарашларни шакллантириш, комил ва эркин фуқароларни етиштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- тараққиётнинг муҳим шартларидан бўлган умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда миллий-маънавий кадриятларни тиклаш;

- сиёсий плюрализмни шакллантириш, сиёсий ташкилотлар ташкил қилиш ва мафкурани янгилаш;

- ташқи иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш;

- мамлакат ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини амалга оширадиган институтлар тузиш ва хоказолар.

Юқорида келтириб ўтилган ва бошқа жиҳатлар Ўзбекистонда сиёсий модернизациялашнинг асосий зарурати ҳисобланиб, ушбу жараёнлар ўзига хос босқичлар асосида амалга оширилди. Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий модернизация жараёнларини тўрт фаслга ажратиш мумкин. Жаҳон сиёсий модернизация жараёнларидаги асосий қоидалар ҳам ушбу ҳар тўрт фасл учун ҳам амал қилади.

Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг стратегиясини ва унинг амалга оширилиш хусусиятларини қуйидагича баҳолаш мумкин. Яъни, Ўзбекистон мисолидаги сиёсий модернизацияга биринчи даражадаги эътибор эндигина ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакатимизга нисбатан кўплаб ташқи ва ички таҳдидлар, хавф-хатарлар манбалари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, бутун ижтимоий институтлар тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилди. «Янги жамият қуриш соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича «Ўзбек модели»нинг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида давлат бош ислоҳотчилик фаолиятини олиб борди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда биродаркушлик урушларининг олди олинди, бошқа республикаларда юз берганидек “демократлар” ва “коммунистлар” ўртасида ўзаро низолар ва тўқнашувлар келиб чиқишига йўл қўйилмади. Мамлакатда демократик ислоҳотлар учун зарур бўлган ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланди»[109; Б.23]. Тарихий давлатчилигимиз тараққиётида амалга оширилган ушбу тактик қадамлар ўзини оқлаши билан бирга, мамлакатда фуқаролар урушининг, уюшган жиноятчилик, коррупция ва бошқа бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий характердаги жиноятлар ҳамда

нохушликларнинг олди олинди, ташқи хавф-хатарлар бартараф этилди ва этилмоқда.

Республика раҳбарияти томонидан мамлакатимизнинг янгиланиши ва сиёсий ислоҳ қилинишида энг муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланган «янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилига асосланган тактик қадамлар ишлаб чиқилди. Эски тузумни, яъни маъмурий-буйруқбозлик тузумини бутунлай барбод қилмасдан, мавжуд муносабатларни ва институтларни аста-секин ва босқичма-босқич ислоҳ қилиш йўли тутилди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай сиёсат янги институтлар, тузилмалар ташкил қилиниши билан бирга, давлат бошқарув органлари, вакиллик ҳокимияти ва суд тизими амал қилишининг классик шакллари жорий қилиш, улар фаолиятини янги мазмун ва сифатлар билан бойитиш сиёсати асосида олиб борилди.

Янги сиёсий институтларни, яъни президентлик, парламент институтлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари кабиларни ташкил қилиш учун мустақиллигимиз қўлга киритилиши билан тамал тоши қўйила бошланди. Ушбу ислохотларнинг муҳимлари сифатида мамлакатимизда кўппартиявийликни, парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантириш, ўтиш даври заруратларини ҳисобга олган ҳолда кучли ижро ҳокимиятини жорий қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш каби чора-тадбирларга кенг эътибор қаратила бошланди.

Сиёсий модернизация учун энг зарурий омиллар – энг муҳим ва демократик жамият шакллантирилиши талабларига мос ташкилий-ҳукуқий, ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш энг аҳамиятли масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакат қонунчилик соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар суръатига иқтисодий соҳанинг мутаносиблигини таъминлаш ишлари мамлакатимизда кенг олиб борила бошланди. Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши ва унга бўлган даврда чуқур иқтисодий муаммолар, порахўрлик, коррупция, уюшган жиноятчилик, давлат мулкни талон-тарож қилиш ва шунга ўхшаш бошқа бир қатор сабаблар туфайли вужудга келган одамларнинг ҳокимиятга нисбатан ишончсизлиги, уларнинг маънавий, руҳий, маданий қадриятлари поймол қилинганлиги каби

воқеликларни бартараф этиш учун янги давлат олдида ушбу ишончни тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини юксалтириш энг долзарб масала эди. Мамлакатимизда сайлов тизими, миллий-маънавий қадриятларнинг тикланиши, ижтимоий ҳимоя, мамлакатда қонун устуворлигининг таъминланиши ва бошқа бир қатор демократиянинг муҳим белгилари кенг жорий қилина бошланганлиги юқоридаги каби ҳолатларга барҳам бера бошлади.

Мамлакатда энг асосий ислоҳотлардан бири – давлат институтларини, жамиятни мафкурадан ҳоли қилиш эди. Ушбу жараёнлар фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигига имконият яратадиган, уни рағбатлантирадиган, ҳақиқий сиёсий плюрализм, бошқа қарашларни ҳурмат қиладиган янги, ўзига хос ижтимоий моделни яратиш сингари ислоҳотларни ўз ичига олди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги сиёсий модернизациянинг хусусиятларидан бири – бу мамлакатнинг кўп асрлик фалсафаси, сиёсий маданияти, миллий менталитети ва демографик ҳолатидан келиб чиқадиган янги тамойилларни асослаш ва уни амалга оширишдир.

Ушбу муҳим тамойиллар ичида – оддийликдан – мураккабликка, босқичма-босқичлик ва тизимлилик тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. Бундай концептуал ёндашувлар ҳар хил ижтимоий катаклизм ва зиддиятлардан узоқда бўлишга ва бозор трансформацияси ва демократик янгиланишларнинг мураккаб қийинчиликларини енгиб ўтишга имконият яратди.

Сиёсий модернизациянинг ҳар бир босқичи натижалари мамлакат раҳбарияти томонидан таҳлил қилиб, умумлаштириб борилди ҳамда ҳар йили Президентнинг концептуал маърузаларида ўз аксини топиб борди. Умуман олганда, мамлакатда модернизация жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг қуйидаги асосий устуворликлари белгилаб олинди:

- давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик трансформация жараёнларини қарор топтириш ва янада ривожлантириш;
- давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш;
- давлат бошқаруви органларининг бутунлай янги тизимини қуриш;
- фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш;

- фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда жамиятни янгилаш, давлатчиликни шакллантириш жараёнлари мамлакатнинг биринчи Президенти И.Каримов томонидан икки босқичга бўлиб таҳлил қилиб берилди: яъни “ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр”;

Ҳамда “2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда ғоят муҳим рол ўйнаган давр” [45;] сифатида эътироф этилди.

Мана шу икки босқич давомида эришилган натижаларни ҳам сиёсий таҳлил қилиб, ҳар бир босқич давомида амалга оширилган ислохотларни қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин (уларни беш ажратиб таҳлил қиламиз):

Сиёсий модернизациянинг биринчи фасли

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан истиқлолнинг дастлабки кунларидан «ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти»га асосланган кучли ижтимоий сиёсат стратегиясига амал қилина бошланди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишда кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойилига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби, бошқа тамойилларнинг рўёбга чиқиши бевосита кучли ижтимоий сиёсатга боғлиқ эканлиги мамлакат раҳбарияти томонидан англаб етилган эди ва иқтисодиётнинг мафкурадан ҳолилиги, ислохотларни амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонунлар устуворлиги ва ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ҳам, мамлакат аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилишга қаратилган. Бу ҳолат меҳнатга яроқли аҳолининг қарийб ярми, баъзи жойларда 80 фоизгача қишлоқ хўжалигида банд бўлган, 50 фоиз аҳолиси 18 ёшгача болалардан иборат республика учун алоҳида аҳамиятга эга

эканлиги мамлакат Президенти томонидан таъкидланган эди[30; Б.256]. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар сиёсатига доир ва аёлларнинг жамият ва давлат ҳаётида ролини ошириш ва бошқа масалаларга доир бир қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, аҳолининг кам таъминланган қатламини, бюджет ташкилотлари ходимларини (ҳарбий хизматчиларни, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва шунга ўхшаш соҳаларда фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларни) қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Бу ислохотлар бир томондан бизгача етиб келган маънавий-маърифий салоҳиятни сақлаб қолиш ва уни бойитишга иккинчи томондан, бозор ислохотларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтиришга имкон берди.

Маълумки, амалга оширилган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар миллий қонунчиликнинг қарор топиши ва такомиллашуви шароитида амалга оширилди. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қабул қилинган бир қатор қонунлар, қўллаб-қувватлаш таниқли мутахассислар томонидан етакчи давлатлар қонунчилигидан кам бўлган ва инсон ҳуқуқлари ва бошқа бир қатор халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик сифатида тан олинди ва ижтимоий тараққиётнинг демократик истиқболига хизмат қилиши таъкидланди. Асосий Қонун Конституцияда белгиланган кейинги меъёрий-ҳуқуқий актлар учун асос вазифасини ўтади. Қонунчиликнинг такомиллашуви кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди ташкил топишига ҳам имкон яратди.

Маълумки, собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан боғлиқ инқирозли вазиятда, турли зиддиятли ҳолатларнинг, яъни миллатлараро ва этник, диний ва бошқа характердаги низоларнинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик, жамият барқарорлигини, халқнинг, давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун янги тузум олдида биринчи галда, самарали фаолият кўрсата оладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини шакллантириш масаласи муҳим муаммо сифатида турар эди. Сабаби, ён-қўшни давлатлардаги беқарорликнинг маълум маънода бевосита Ўзбекистон хавфсизлигига таъсир қилиши, ўтиш даврига хос мураккабликлар ва келишмовчиликлар юзага келиши туфайли

юзага келадиган ихтилофли ҳолатларда қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш зарурати, дастлабки беш йил ичида илгари мавжуд бўлмаган миллий характердаги органлар – Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ташкил қилинди. Ҳукумат улар ёрдамида ички ва ташқи таҳдидларга муносиб даражада қаршилик кўрсата олди, уюшган жиноятчилик, коррупция ва бошқа турдаги жиноятларни бартараф этиш билан бирга, ҳар қандай жамиятнинг тараққиётида муҳим ўрин тутадиган, модернизациянинг энг асосий шартларидан бўлган барқарорликни, фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга эришди.

Мамлакат раҳбариятининг ташаббуси ва ислохотлар йўлида қатъийлиги натижаси ўлароқ халқнинг азалий орзулари руёбга чиқа бошлади. Яъни, миллий-маънавий қадриятларнинг тикланиши, мамлакатда «Наврўз байрами», диний байрамлар «Ийд-ал фитр», «Ийд-ал адҳа» байрамлари тикланди ва нишонлана бошланди. Чунки, «Ўзбекистон собиқ Иттифоқ даврида ҳам миллий, ҳам яккахоким мафкура зулми остида яшаган эди. Тоталитар тузум Ўзбекистонда бир неча минг йиллар мобайнида ривожланиб келган миллий қадриятлар ва миллий маданий меросни бутунлай инкор этиб келганлиги, собиқ коммунистик партия мафкурасининг асосий мақсадларидан бири ўзбек халқининг тарихий хотирасини тағтомири билан ўчиришга қаратилган эди» [109; Б.21]. Истиқлолнинг натижаси ўлароқ, ўзгаришларнинг илдизи халқнинг маънавий уйғониши билан боғлиқлиги, ўзбек тилининг тикланганлиги, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларнинг ҳаётдан ўрин ола бошлаганлиги, миллий-маънавий қадриятларнинг одамлар турмуш ижобий таъсир кўрсата бошлаганлиги, энг асосийси Ўзбек миллатининг ўзлигига эга бўлиши, юқорида келтириб ўтилганидек, миллий ва диний байрамлар қайта тикланди.

Миллий хусусиятларни ва анъаналарни сақлаб қолиш, уни авлоддан-авлодга етказиш – дунёдаги демократик қадриятлар билан уйғун тарзда бойитиб борилди. Шулар қаторида миллий тилни, адабиётни, маданият ва санъатни, кинематографияни, театр, эстрада, цирк, классик мусиқа соҳаларини ҳам ривожлантиришга

алоҳида эътибор берилди ва ушбу соҳаларни ривожлантириш, такомиллаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди. Қадимий иншоотларнинг таъмирланиши кенг йўлга қўйилиш билан бирга, бу борада тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларидан ҳам фаол фойдаланилди. Фуқаролик жамияти институтлари, парламентаризм соҳасида ҳам мамлакат жаҳон тажрибаларини кенг қўллай бошлади. Таълим тизими, миллий кадрлар тайёрлаш – модернизациянинг муҳим жиҳати дея эътироф этила бошланди.

Мамлакатдаги сиёсий модернизация жараёнида биринчи босқичда ўз тадрижий тараққиётида давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, унинг фаолиятида самарадорликни ошириш назарда тутилган эди. Эндигина мустақилликка эришган мамлакат учун энг қийин масалалардан бири – бу мамлакатимиз сиёсий ҳаётига ҳокимиятлар бўлинишининг классик тамойилларини жорий қилиш эди. Яна бир муҳим масала, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ижро ҳокимиятидан ажратиш ва унинг мустақил фаолиятини таъминлаш бўлиб, мазкур босқичда миллий парламентимиз, яъни Олий Мажлис ташкил топди. Мамлакатда собиқ Иттифоқ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб жорий қилинган Президентлик институти ҳам ушбу босқичда такомиллашиб борди. Шунингдек, ҳукумат ҳам янгича шаклда ташкил қилинди ва Вазирлар Маҳкамаси сифатида иш олиб бора бошлади. Мамлакатда янги жамиятнинг сиёсий давлат тузумини белгилашда ҳар бир фуқаронинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолият юритиши учун етарлича эрк берадиган шарт-шароитлар яратилиши давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олинди.

Давлатнинг сиёсий тузуми борасида қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди:

“– ҳақиқий демократия қарор топар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш;

- Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимиятни учга, яъни қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига ажратиш[30; Б. 15].

Бундан ташқари, Ўзбекистонда замонавий кадрлар, раҳбар кадрлар тайёрлашга ҳам давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада бошқарув кадрлари тайёрлайдиган Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил қилинди, “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” қабул қилинди ва ҳоказо. Бир вақтнинг ўзида мамлакат қатор халқаро ташкилот ва тузилмаларга, жумладан, БМТ, ЕХХТ, МДҲ ва бошқаларга аъзо бўлиб, халқаро майдонда ўз обрўсини мустаҳкамлай бошлади. Кўплаб мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва ўзаро элчилар алмашинуви йўлга қўйилди.

Шунингдек, сиёсий модернизациянинг энг муҳим қадамларидан бири сифатида аҳолини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнига кенг жалб қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онгини ошириш каби ислохотлар амалга оширилдики, бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатда 1991, 1994, 1995 йилларда Президент, Парламент сайловлари ва референдум ўтказилди. Бу эса ўз навбатида парламентаризм, президентлик институти ва сайлов институтлари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига кенг жорий қилина бошланганлигидан дарак берарди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси каби сиёсий ташкилотлар шаклланиб келаётган кўппартиявийликнинг асосий таркибий қисмлари бўлди.

Ислохотлар кўламида яна бир энг муҳим жиҳат шуки, Ўзбекистон кўпчилик мамлакатлар амалиётида учрайдиган жадаллашган модернизация моделидагидек, аввало иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, сиёсий ўзгаришлар ўрнини иқтисодий ислохотлар билан тўлдириб бориш йўлини тутмасдан, дунёнинг етакчи мамлакатларидаги каби фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий ислохотларни ва ҳам сиёсий ислохотларни амалга ошириш йўлидан борди. Буларга, «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги, «Вилоят, туман, шаҳар кенгашлари халқ депутатларига сайловлар тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинишини мисол сифатида келтириш мумкин.

“Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онгига таъсири катта аҳамиятга эгадир. Зеро, у демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшди.

...Аввал айтганимдек, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотнинг биринчи босқичи якунланди. Биз бу даврда, аввало, давлат бошқарув тизимини шакллантириб олдик. Маҳаллий кенгашлар, маҳалла оқсоқоллари йиғинлари ҳозирги осойишталик ва барқарорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қиляпти, десак хато бўлмайди. Мустаҳкам бошқарув тизими қабул қилинган фармон ва қарорларнинг юқоридан қуйи поғонагача етиб боришини таъмин этмоқда. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бошқарув тизими мустаҳкам бўлсагина иш юришади.

Ўтказилган сайловнинг энг катта сиёсий аҳамияти — ана шу тизимни шакллантириб олганимиздир. Энди асосий иш шу тизимни жонлантириш, улуғвор вазифаларни бажара оладиган ҳолга келтиришдан иборат” эканлиги мамлакат Президенти томонидан таъкидлаб ўтилди[31; Б.368-369].

Ўзбекистон Республикасида сиёсий модернизация жараёнларининг дастлабки натижалари биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг IV ва VI сессияларида мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг асосий йўналишлари кенг таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. Сиёсий модернизациялашнинг иккинчи фаслидаги асосий йўналишлар давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш каби масалалар белгилаб олинди.

Сиёсий модернизациянинг иккинчи фасли

Давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни янада ривожлантириш, фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишнинг туб мақсади, биринчи галда — замонавий ва самарадор қонун ижодкорлиги салоҳиятига эга бўлган парламентни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётида унинг ролини ҳамда аҳамиятини ошириш эди. 1994 йил муқобил асосда сайловлар бўлиб ўтганидан сўнг янгича иш сифатига, яъни бир мунча самарадор ички тузилмаларига (биринчи галда кўмиталарга), сиёсий партияларнинг фракцияларига эга бўлган Олий Мажлис иш бошлади. Дунё сиёсий тараққиётининг классик намунаси ва инсоният сиёсий ривожининг энг катта ютуғи бўлган парламент Ўзбекистонда ҳам янгича асосда фаолият юрита бошлади. Бевосита ушбу парламентнинг иш натижаси ўлароқ, мана шу даврларда

мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига тегишли бўлган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Олий Мажлиснинг бошқа кўплаб мамлакатлар парламентлари билан алоқалари кенгайиб борди. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан алоқалари ҳам чуқурлашди. Мамлакатда Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатияси Университети ташкил этилди. Мамлакатда бир қатор халқаро таъсирга эга молия институтлари (Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт Банки ва бошқалар) билан ҳамкорликка асос солинди.

Сиёсий модернизациянинг ушбу фаслига хос яна бир хусусият — мамлакатда янги фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, сиёсий ўзгаришлар жараёнида уларнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу вақтга келиб мамлакатда яна бир қатор сиёсий партиялар, жумладан, «Адолат» СДП, «Миллий тикланиш» ДП, «Фидокорлар» МДП ташкил топди. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил қилиниб, жойларда унинг ҳудудий бўлинмалари иш бошлади. Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, деҳқон хўжаликлари уюшмалари, «Нуроний» жамғармаси кабиларнинг функциялари кучайтирилди. Мамлакатда 50 дан ортиқ жамғармалар фаолият юрита бошлади. Кўппартиявийликнинг таркибий асоси ҳисобланган сиёсий партияларнинг ташкилий - кадрлар, тарғибот-ташвиқот моддий-молиявий, меъёрий ҳуқуқий асослари такомиллашиб боришда давом этди. Сайловларнинг ўтказилиши сиёсий институтлар учун ўз имиджига, электоратига, дастур ва платформаларига эга бўлиш имкониятларини яратди.

Ислохотлар қаторида, ушбу босқичда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилди. Бунга мисол сифатида, 1996 йилда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, 1999 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунларни ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарув органлари, сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари мустаҳкамланиб, улар ўртасида алоқалар такомиллашди, мамлакат жамият қурилишига халқаро ва хорижий нодавлат хайрия жамғармалари ва ташкилотларини, жамоат ташкилотларини жалб қила бошлади

ҳамда улар фаолияти учун асос бўладиган меъёрий-ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистондаги «учинчи сектор» тажрибаси кўрсатишича, муваффақиятларнинг кафолати аксарият ҳолларда аҳоли ва давлат ҳокимияти органлари билан алоқалар кенг йўлга қўйилганлиги ва мақсадга эришиш йўлида кучларни бирлаштиришда намоён бўлади. Ушбу йўналишда мамлакатнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 50 дан ортиқ жамоатчилик экологик ҳаракатларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мана шу ташкилотлар кучини бирлаштириш ва уларнинг давлат ва халқаро экологик дастурлар ва лойиҳаларда, атроф муҳит масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиши учун имконият яратиш мақсадида экофорум ташкил қилинди. Фаолиятнинг алоҳида соҳаларига жалб қилинган ННТлар ҳам маълум бир ҳудудлардаги комплекс вазифаларни ҳал қилиш учун жамоатчиликни ўз атрофида бирлаштира бошлади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 5 мингдан нодавлат нотижорат ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Янгиланишлар қаторида муҳим масалалардан бўлган оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, ижодкорлар ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларга имкониятлар яратиб бериш, уларнинг таъсисчилари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, ахборотни рўйхатга олмасдан тарқатиш тартибини аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни ва уни олишни белгилаш, давлат сирига тегишли бўлган маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, террористик актларни ва фавқулодда ҳолатларни ёритиш каби масалаларга тааллуқли бир қатор қонунлар, меъёрий ҳуқуқий асослар яратилди ва бу жараён давом этмоқда.

Қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилиши баробарида демократик ҳуқуқий давлат институтларини қарор топтириш ва ривожлантириш масалалари ҳам Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан сиёсий модернизациянинг иккинчи босқичида Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Ижтимоий фикр маркази сингари демократик ҳуқуқий давлат институтлари фаолиятлари такомиллаштирилди.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилинишини энг муҳим ислохотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида тан олиш мумкин.

Сиёсий модернизациянинг иккинчи фасли натижалари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида кенг таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. Шунингдек, сессияда сиёсий модернизациянинг навбатдаги босқичидаги асосий устуворликлар сифатида давлат ва жамият ҳаётида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат институтлари фаолиятини такомиллаштириш каби кўплаб вазифалар белгилаб олинди.

Сиёсий модернизациянинг учинчи фасли

Сиёсий модернизация жараёнларида муҳим рол ўйнайдиган омиллардан бири – жамоатчилик онгига, давлат бошқарув органлари тизимига, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига демократик кадриятларни ва либерал қарашларни чуқур сингдириб боришдир. Мамлакат Олий Мажлиси томонидан «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича миллий Дастур»нинг қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифатни тарғиб қилиш марказини ташкил қилиш ва аҳолини ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича миллий Дастур» ҳақидаги қарори қабул қилиниши 1997 йилда қабул қилинган “кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури”, ҳудудларда ўзларининг бўлинмаларига эга бўлган республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ташкил қилиниши ва бошқа кўплаб ислохотларда жадал тарзда амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топди.

Учинчи босқичда сиёсий модернизациялашнинг муҳим қадамларидан бири – жамият қурилиши жараёнларига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини жалб қилиш амалга оширилди. Мамлакат раҳбарининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдамлар билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонлари, биринчи чақириқ XIV сессиядаги жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада либераллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги концептуал маърузалари мазкур йўналишнинг асосини ташкил қилди. Ушбу ислохотлар жараёнида асосий эътибор халқимизнинг узок йиллик тарихида бошқарув соҳасида муҳим ўрин эгаллаб келган «Маҳалла» институтини тиклаш ва унинг фаолиятини кучайтириш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими доирасида ролини ва аҳамиятини оширишга қаратилди. Ушбу жараёнларнинг мантикий давоми сифатида ҳар икки ярим йилда маҳалла раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ўтказилиши, шунингдек, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил қилиниши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ўз навбатида давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг баъзи бир функциялари ҳам босқичма-босқич тарзда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, хусусий секторга, нодавлат нотижорат ташкилотларга берила бошланди. Юқорида келтириб ўтилганидек, мамлакат раҳбарининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдамлар билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг, ҳокимиятлар аҳолининг кам таъминланган қисмига ва кўп фарзандли оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам маблағларини тарқатишни маҳалла кенгашларига бера бошладилар. Натижада кучли ижтимоий сиёсатнинг узвий давоми сифатида кам таъминланган аҳоли қатлами ижтимоий ёрдамлар ола бошлади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга оширила бошланди ҳамда фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муаммоларини ўзига хос манфаатлар, миллий ва маънавий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишда алоҳида фаолият сифатида ривожланиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви тизимининг муҳим хусусияти шундаки, ўзаро ишончга ва жамоавийлик ҳисси сингари тамойилларга асосланган тарихий халқ анъаналарининг тикланганлигидир. Ушбу шароитларда фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришга доир конституциявий ҳуқуқларини қишлоқларда, шаҳар типдаги қишлоқларда, овул ва

маҳаллаларда учрашувлар, йиғилишлар, вакиллар йиғини кабиларда амалга оширадилар. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди, балки улар нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланадилар. Улар юридик шахс сифатида барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар, ўзларининг маълум бир намунадаги муҳрларига эга бўлиш билан бирга жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳисобида турадилар.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари имкониятлари кенгайиб, ижтимоий ривожланишда уларнинг роли ўса борди. Юқорида келтириб ўтганимиздек, аҳолининг кам таъминланган қатламига ижтимоий ёрдамлар (1994 йил), болалар учун тўловлар (1997 йил), ишламайдиган оналар учун боласи икки ёшга тўлгунга қадар ёрдам пуллар тақсимлаш (1999 йил 1 мартдан) ваколатлари берилгандан сўнг, ушбу халқона органларнинг аҳамияти янада ошди. Бундай тизимнинг устунлик томони шундаки, бунда маҳалла ўз ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасидан, эҳтиёжларидан яхши хабардорлиги ва мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда зарурий маблағларни ажратишлари мумкинлиги тушунилади. Ушбу ишлар билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари иқтисодий соҳада ҳам ташаббускор бўлиб келаётганлигини, яъни маҳалла гузарлари, улар қошида чойхоналар, нонвойхоналар ва бошқа шу турдаги ишлаб чиқариш корхоналарини очаётганлиги ва уларнинг фаолиятига аҳолини жалб қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Ижтимоий ҳимоя мавзусида шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий сиёсат — Ўзбекистоннинг сиёсий модернизациялашувидаги ва тараққиётидаги энг муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Шулар қаторида республикадаги мавжуд сиёсий партиялар матбуотининг ишга туширилишини ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар қаторида баҳолаш мумкин. Мамлакатда оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва цензурага йўл қўйилмасликнинг қонуний асосга эга бўлиши бу борадаги ҳуқуқий асосларнинг ҳам такомиллашиб бораётганлигидан дарак беради.

Чуқур ижтимоий сиёсатнинг мантикий қадамлари сифатида мамлакатимиз биринчи Президенти томонидан «Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари

тўғрисида»ги, «Ёш болали оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдамларни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонларини, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш юзасидан олиб борилган ишларни, 1997 йилдан бошлаб жамиятнинг муҳим соҳаларида бўлган ўзгаришларни, яъни «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр-мурувват йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили” дея эълон қилинганлиги сингари кўплаб сиёсий-ижтимоий тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Сиёсий модернизациянинг тўртинчи фасли

Ўзбекистонда сиёсий модернизация амалга оширилишининг тўртинчи босқичи бевосита учинчи босқичнинг якунлари билан боғлиқ бўлиб, биринчи галда амалга оширилган ислохот бу – фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш билан давом этди. Ушбу ислохотларнинг энг асосий қадамларидан бири – парламентаризм ва сайлов тизимини ривожлантириш, профессионал асосдаги икки палатали парламентни шакллантириш бўлди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 2000 йилда мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш бўйича референдум ўтказилган ва ушбу ташаббус мамлакат аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланган эди. Мазкур ислохотларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатда қонунчилик ҳокимияти фаолияти такомиллаштирилиб борилди ва 2004 йилнинг охирига келиб мамлакатда сайловлар ўтказилди ҳамда икки палатали парламент шакллантирилди. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши янги ижтимоий тенденцияларни, яъни давлат бошқарувини янада такомиллаштиришида ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида кенг ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим омиллардан бўлди.

Сиёсий онгнинг, давлат ва жамият қурилишининг янада ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг янада такомиллашиб, ривожланиб бориши, кўппартиявийлик тизимининг тараққий этиши ва конструктив муҳолифатнинг легитимлашуви муҳим омил вазифасини ўтади. 2003 йилда мамлакатда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, янги турдаги сиёсий партия –

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси ташкил қилинди. Орадан икки йил ўтиб, 2005 йилда дастлабки мамлакат Фуқаролик форуми ўтказилди ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ташкил қилинди. Мазкур йил сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларга бой бўлганлигига яна бир асос шуки, мана шу йилда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида уч фракциядан иборат бўлган ва ҳозирда ҳукмрон бўлган «Демократик блок» шаклланди. Мамлакатдаги энг катта сиёсий партиялардан бири бўлган Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ўзини сўллар дея эълон қилди. Ушбу воқеликлар мамлакат сиёсий соҳасидаги энг муҳим ўзгаришлардан бўлиб, бундай ислохотлар давлатчилигимиз тарихида янгилик бўлди. Конструктив муҳолифат ўз қарашлари ва фаолиятини бағрикенглик ва плюрализм тамойилларига амал қилган ҳолда олиб бора бошлади. Эндиликда мамлакат аҳолиси онгида совет давридан қолган сиёсий партиялар ҳақидаги тушунчалар ҳам ўзгарди. Шунингдек, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари билан бирга мамлакат конституциявий тузумини куч билан ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўяётган кучларга ва тузилмаларга қарши самарали курашлар ҳам давом этди.

Сиёсий модернизациянинг тўртинчи фаслидаги дастлабки қадам муваффақиятли тарзда олиб борилиши мамлакатда 2004 йилда бошланган маъмурий ислохотларнинг ва номарказлаштиришнинг ҳам самарадорлигига асос бўла бошлади. Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши сиёсий ўзгаришларнинг жадаллашувини ва унинг самарадорлиги ошишини таъминлади. Ушбу босқичда давлат бошқарувини номарказлаштиришнинг асосий йўналишлари давлат хизмати ва бошқаруви соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши, ушбу тизимга замонавий механизмларнинг жорий қилиниши, давлат органлари тизимининг ўзаро бир-бири билан ҳамда фуқаролик жамияти институтлари – фуқаролар, бизнес, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари янада ривожланди. Ушбу ислохотларнинг натижалари қарорлар қабул қилинишида ҳамда сиёсатнинг изчил олиб борилишида шаффофликни таъминлайдиган самарали давлат маъмуриятини ташкил қилишни тақозо этади. Мазкур ўзгаришлар

натижасида 2004 йил охирига келиб Ўзбекистонда маъмурий ислохот жараёнида 20 га яқин давлат бошқаруви органлари қайта ташкил этилди ва 40 мингдан ортиқ тугатилди, бошқарув ходимлари сони 22 фоизга қисқартирилди[43;].

Умуман 2001-2005 йиллар мобайнида ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, республикамизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар марказлари ва жойлардаги бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштириш, шунингдек, бошқарув ходимлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни янада қисқартириш имконини берди. Масалан, 2001-2005 йилларда республика бошқарув ходимларининг умумий сони 75 минг кишига ёки 35,5 фоизга, жумладан, республика органлари бўйича 21 фоизга, маҳаллий бошқарув органлари бўйича 63,5 фоизга, хўжалик бошқарув органлари бўйича 30,5 фоизга қисқартирилганлиги республикада бошқарув тизимини ислох қилишнинг самарали натижасидир[73; Б.32].

Зарурий маҳсулотларнинг алоҳида турларини марказлашган ҳолда тақсимлаш тизимини бекор қилиш мақсадида давлат томонидан баҳолаш ва тақсимлаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ қилиш ҳам қисқартирилди, ушбу ресурсларни лимит асосида тақсимлаш ҳам бекор қилинмоқда. Уларнинг сотилиши биржа ва кимовди савдо тизимлари орқали ёки тўғридан-тўғри шартнома тузиш асосида кенг амалга оширилмоқда.

Сиёсий модернизациянинг ушбу босқичи доирасида ОАВ сиёсий роли кун сайин фаоллашиб бораётганлигини ҳамда ташқи сиёсат, фуқаролик жамияти соҳаларига оид мамлакат институтлари ташкил топаётганлигини ҳам яна бир бор кўриш мумкин. Эндиликда халқаро журналистлар тайёрлаш соҳасидаги ислохотларни, Ўзбекистон Миллий Университети ва Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университетида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси Университетида ушбу соҳага доир факультетлар очилганлиги, ахборот агентликлари ишлари такомиллашаётганлиги, нашриётлар иши сифатининг ошиши, журналистлар фаолиятини қўллаб қувватлаш учун жамғармалар ва бошқа ташкилотлар ташкил қилинаётганлиги, Миллий ва жамоатчилик телевидениеси ишлари фаоллашиб, такомиллашиб бораётганлигини кўрамиз. Сиёсий тадқиқотлар маркази ва

Минтақавий Сиёсат жамғармаси нодавлат ташкилотларининг ташкил топганлиги ва улар фаолиятининг янада фаоллашаётганлиги, Вазирликлар, Давлат кўмиталари, агентликларнинг матбуот хизматлари тизими шаклланиб бораётганлиги сингари кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Айнан мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни лойиҳаси мамлакат парламенти томонидан қўллаб-қувватланди ва у 2008 йилдан бошлаб кучга кирди. Ушбу Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатнинг демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши йўлидан собитқадамлик билан бораётганлигини англатиш билан бирга, фуқаролик жамияти демократиянинг муҳим институтларидан бўлган сиёсий партияларнинг давлат жамият ҳаётидаги ролини ва масъулиятини янада оширади. Ушбу Конституциявий Қонунда Ўзбекистонда биринчи бор сиёсий партиялар фракцияларининг парламентдаги ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган. Унда парламентдаги кўпчилик, унинг шакллантирилиши ва ҳуқуқлари, ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастурига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат, деб эълон қилиши мумкинлиги, шунингдек, бошқа давлатлар тажрибаларида учрамайдиган бир ҳолатни, яъни бирор-бир партиядан сайланган депутат фақатгина ўша партиянинг фракцияси бўлиши, унинг бошқа партия фракциясига ўтишга ҳаққи йўқлиги ва энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирини тайинлаш, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини тайинлаш тартиби сингари қоидалар белгилаб қўйилган. Бундай тизим ва амалиёт кўплаб демократик мамлакатларда амал қилади ва Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари демократик руҳда амалга оширилганлигини англатарди.

Сиёсий модернизациянинг бешинчи фасли

2016 йилга келиб, мамлакатнинг янгидан сайланган Президенти Ш.Мирзиёев сиёсий модернизация жараёнларининг суръатини, шиддатини ва самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият учун очиқлигини таъминлаш,

халқаро майдонда мамлакат обрўсини ошириш учун, сиёсий тизимни бутунлай янгича асосда ислоҳ қилиш вазифаларини бошлади. Мамлакатнинг сиёсий тараққиёти ҳақида Президент Ш.Мирзиёев “...биз мухтарам Биринчи Президентимиз Илом Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз. Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир” – дея алоҳида эътироф этди[46: Б. 8].

Дастлаб, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси белгилаб олинди ва 2017 йилнинг 7 феввалида ПФ 4947-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши, айнан мамлакатда сиёсий модернизация жараёнларига янгича мазмун бағишланганлигини ўзида акс эттиради. Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масаласи эди.

Бу борада Парламентнинг нуфузини юксалтириш, масъулиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш, қонунларнинг устуворлигини ва халқчиллигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, шунингдек, улар ўртасидаги сиёсий соғлом рақобатни вужудга келтириш масалалари сиёсий модернизация жараёнларига ҳамоҳанг тарзда амалга оширилиши белгиланди. Янги институционал омиллар, яъни Жамоатчилик бошқаруви тизими ва Электрон ҳукуматларнинг жорий қилиниши вазифалари – сиёсий модернизация жараёнларининг самарадорлигини таъминловчи омиллар сифатида намоён бўлиши табиий.

Умуман олганда, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш вазифалари

мамлакатни сиёсий модернизациялашнинг стратегик вазифалари сифатида белгилаб олинганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, мамлакат Президенти томонидан 2017 йилнинг 8 сентябрида мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнлари мазмунини янада бойитадиган "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда:

I. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

II. Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш.

III. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш.

IV. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш.

V. Давлат бошқаруви тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш.

VI. Профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

VII. Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар ўрин олган[17;] ва айнан ушбу ҳолатлар мамлакатда ҳам демократик ислохотлар ва сиёсий модернизация жараёнлари учун хизмат қилади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан жорий қилинган энг катта институционал қадамлардан яна бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Халқ қабулхоналарини келтириш мумкин. Президентлик вазифасини бажаришга киришган илк кунларидан бошлаб, фуқароларнинг мурожаатини, уларнинг дарду-ташвишларини ўрганиб, муаммолар ечимига йўналтирилган ушбу

ресурс “...давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди” [50; Б.8].

Шунингдек, сиёсий модернизациянинг ушбу фаслида мамлакат раҳбари томонидан сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси ва уларнинг фракциялари фаолиятини жонлантириш, шунингдек сайлов тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида катта ташаббусларни илгари сурди.

Ушбу ташаббуслар қаторида: мувофиқлиги ва йўналишига кўра сиёсий партиялар фракцияларининг тегишли вазирлик ва қўмиталар устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиши кераклиги, бу ҳолатнинг қуйи бўғинларга нисбатан ҳам жорий қилиниши назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда, сиёсий партиялар томонидан замон талабларига мос иш услубига эга бўлиши, электорат билан ишлашнинг янгича технологияларини ўзлаштириши, мафкуравий асосларини ва фаолиятини янада жонлантириши, оммавий ахборот воситалари билан мулоқотнинг самарали механизмларини йўлга қўйиши, ёшлар сиёсатида фаоллик кўрсатишлари лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Айниқса, кадрлар масаласида сиёсий партияларнинг фаоллик кўрсатишлари, улар томонидан тайёрланган малакали, сиёсий билимдон кадрларнинг давлат органлари ва ҳокимликлар тизимидаги турли лавозимлар илгари сурилишига алоҳида аҳамият қаратиши кераклиги ва хоказолар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши эса айнан сиёсий модернизация жараёнлари учун ўта муҳим элементи эканлигини таъкидлаш лозим.

Айниқса, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 ва 2018 йиллардаги Олий Мажлисга мурожаатномаларида мамлакатнинг сиёсий модернизациялаш борасида жуда муҳим ташаббуслар илгари сурилган эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари бевосита зарурат юзасидан амалга оширилди. Яъни, эски тузумнинг ўз ўрнини яшаб бўлганлиги, янги тузумни шакллантиришнинг зарурати, бундай шароитларда давлат

ва жамият тараққиётини беқарорликка сабаб бўладиган омилларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қила оладиган кучли давлат тузилмалари шакллантирилди. Мамлакатнинг ўз йўлидан олға бориши шароитида, демократик ислоҳотларга тайёр бўлмаган аҳолини, аввало, демократик кадриятлар билан таништириш, ушбу кадриятларни улар онгига сингдириш, демократик институтлар ташкил қилиш ва фаолиятини янгича мазмун билан бойитиш сингари ислоҳотларда, босқичма-босқичлилик, кучли давлатдан — кучли жамият сари таъсирлари амал қилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

2 &. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларига таъсир этувчи омиллар

Ҳар қандай мамлакат томонидан миллий ва давлатчилик тараққиётининг амалга оширилишида ёки маълум тарихий трансформациялашув жараёнларида ушбу ўзгаришларга бевосита хоҳ ижобий ва хоҳ салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Булар:

1. Инсоний омил;
2. Маданий омил;
3. Мафкуравий ва маънавий омил;
4. Табиий (иқлимий, табиий бойликлар ва ҳоказолар билан боғлиқ) омил;
5. Ташқи таъсир омили;
6. Иқтисодий омил;
7. Институционал омил кабилардир.

Дастлабки, *инсоний омил* ҳақида гапирганда, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ, инсон омилига, унинг тафаккурида, онгида, маданиятида кенг ўзгаришлар рўй бериши учун чуқур ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Мамлакатда ва жамиятда янгиланишлар жараёнининг изчиллик билан амалга ошириши табиий равишда энг аввало инсоннинг ўзгариши, яъни ислоҳотларни қабул қила оладиган, уни амалга оширишда фаол иштирок этадиган фуқароларнинг юзага келиши, улар тафаккурида модернизациялашувга, демократик ўзгаришларга нисбатан қарашларнинг пайдо бўлишига боғлиқдир. Бунини ўз вақтида тўғри ва ҳаққоний изоҳлаган мамлакат раҳбарияти томонидан истиқлолнинг

дастлабки кунлариданоқ жамият ва давлат ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган инсон омилига кенг эътибор қаратила бошланди.

Мамлакатда инсон ресурсларининг янгиланишлар жараёнига салбий таъсирини камайтириш ва уларнинг жамият ва давлат янгиланишидаги иштирокини таъминлаш учун саъй-ҳаракатлар кенг авж олдирилди. Бу борада Ўзбекистон ҳақида гапирганда инсон омили ислоҳотларга асосан ижобий таъсир кўрсатди, дейиш мумкин. Мамлакатда ўтказилган сайловлар, референдумлар инсон онги ва тафаккурида демократик қадриятларга нисбатан ижобий қарашларни юзага келтира бошлаган бўлса, сиёсий партияларнинг, ҳаракатларнинг, жамоат бирлашмаларининг ва бошқа сиёсий, ижтимоий институтларнинг ташкил топиши инсонларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллик элементларининг юзага келишига, такомиллашувига олиб келди.

Мамлакат фуқароларининг, умуман халқнинг тинчлик ва барқарорликни ҳар доим ҳамма нарсадан устун қўйиши, кўчаларни тўлдириб намоёишлар қилишдан ўзини тийиши, трансформациялашувни бошдан кечираётган давлат олдига янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармаганлиги, ислоҳотларга доимо ижобий ёндашганлиги, эртанги кундан умидлари катта бўлганлиги ва ҳоказоларга ҳам ана шундай ижобий таъсирнинг яна бир хусусияти, деб қараш керак.

Мамлакат аҳолисининг бошқа маданиятларга нисбатан бағрикенглиги, замонавий ўзгаришларни, маданий янгиланишларни қабул қилиш билан бирга, уларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиши ҳам дунёдаги янгиликларни жорий қилишга лаёқатли, ундан манфаатдор кадрларнинг юзага келганлиги, улар тафаккурининг ҳозирги замонга мос равишда ўзгарганлиги ва ҳоказо хусусиятлар мамлакатда сиёсий модернизация муваффақиятли амалга оширилганлигининг гарови бўлди, дейиш мумкин. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари: “Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккаҳокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик

туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда” – деган эди[30; Б. 43].

Таъкидлаш жоизки, инсон омилининг яна бир муҳим ижобий таъсири узоқни кўра оладиган ва ниҳоятда кучли стратег бўлган раҳбарларнинг ҳокимияти тепасига келишини ҳам шу ўринда эътироф этиш мумкин. Ишбилармон ва уддабурон раҳбар Ислон Каримовнинг ҳокимиятга келиши ва узоқ вақт давомида обрўсию ғурури, анъаналарию удумлари, имон-эътиқоди топтаб келинган халқни эркинлик сари олға бошлаганлиги – унинг раҳбар сифатида катта обрўга, шахратга эга бўлишига олиб келди. Халқнинг эртанги кунга, буюк истиқболга ишончи оша бошлади. Халқимиз азалдан ҳокимиятга, раҳбарларга нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Буни бир қанча хорижий мутахассис ва олимлар ҳам тушуниб етганлар. Мисол учун, Л.Левитин ва Д.С.Карлайллар шундай, деб ёзади: “Ўзбек халқининг анъаналарида ҳокимият вакиллари, давлатнинг мансабдор шахсларига тўла ҳурмат муносабати ва ҳатто эъзозлаш мавжуд. Ва, қоида тариқасида, бу кўрқувдан эмас, балки одамлар ҳокимият аллақандай олий ибтидодан, шу жумладан, илоҳий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзлари тўғрисида қайғуришига самимий кўникиб қолишган” [168; Б. 41]. Демак шундай хулосага келиш мумкинки, шарқ жамиятларида инсон омили кўп жиҳатдан ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланади.

Инсон омилининг салбий таъсир кўрсатишини, биринчидан, мамлакат аҳолисининг эски тузумдан қолган қарашларнинг сақланиб қолганлиги ва бунинг натижасида сиёсий жараёнларга нисбатан бефарқ бўлганлигида; иккинчидан, диний экстремизм, фундаментализм сингари зарарли оқимларга хайрихоҳлик сифатларининг юзага келганлигида; учинчидан, ислохотлар жараёнларига коррупция, уюшган жиноятчилик, порахўрлик каби иллатларнинг кенг ёйилиб кетиши ва ушбу иллатларнинг мамлакат сиёсий тараққиёти учун катта зарар етказиши барча томонидан англаб етилса-да, ушбу ҳолатларга қарши курашишда ҳамманинг ҳам фаол реакция билдирмаслиги каби мисолларда кўриш мумкин.

Маданий омил ҳам инсон омили билан билан бевосита боғлиқдир. Маданий омилнинг сиёсий модернизациялашувга кўрсатадиган таъсири шундаки, унда мамлакат аҳолисининг сиёсий ўзгаришларга мослашувчанлиги, ислохотларни қабул қила олиш

лаёқати, кенг ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши, бошқа маданиятларнинг ислохотларга таъсири ва хоказолар акс этади.

Умуман олганда, кўплаб олимлар сиёсий модернизациянинг энг асосий шартларидан бири – бу, биринчи галда, маданиятларнинг замонавий талабларга мослашиши ва ўзгариши, деб таъкидлаганлар [154; Б.56]. Ҳақиқатда ҳам, қачонки инсон онги ва тафаккури билан бирга унинг маданиятида ҳам кенг ўзгаришлар содир бўлса, аҳоли кенг сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларни тушуниб етса ва қабул қилса – сиёсий модернизациялаш жараёнлари амалга ошади. Таниқли сиёсатшунос олима Н.Умарованинг таъкидлашича, “...ҳар қандай жамиятдаги сиёсий муносабатлар шу жамиятда амал қилувчи маданий андозалар, ижтимоий меъёрлар ва маънавий қадриятлар таъсирида шаклланади” [102; Б.88]. Чунки “сиёсий соҳа маданият билан шартланган бўлиб, ўзида халқнинг маънавияти, миллатнинг турмуш тарзини акс эттиради” [102; Б.4].

Ўзбекистон мисолида гапирганда шуни айтиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан, мамлакатда ислохотлар йўналиши, амалга ошиш хусусиятлари учун маданият масаласи ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларини намоён қила бошлади. Лекин маданиятнинг шарқона жамиятларга хослиги ҳам сиёсий ислохотларга ўзига хос мазмун бағишлади, десак муболаға бўлмайди.

Бу, *биринчидан*, миллий маданиятнинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида ҳар бир жамиятимиз аъзосининг тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун интилишида кўринади.

Бунда, мамлакатнинг муҳим геостратегик минтақада жойлашганлиги учун ҳам ўзбек халқи азалдан кўплаб қирғинбарот истилоларнинг гувоҳи бўлганлиги, саноксиз урушларни бошдан кечирганлиги ва бошқа кўплаб омиллар таъсирида тинчликнинг қадрига етиши, ҳар қандай низоли ҳолатларни ўзаро муроса ва мадора йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилиши сингари омиллар ўзбек халқининг миллий маданиятида чуқур ўрин эгаллаганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Иккинчидан, инсоний омилда таъкидланганидек, халқнинг менталитетига сингиб кетган хусусиятлардан бири – мамлакат раҳбариятига нисбатан чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишдир;

Раҳбарга нисбатан ишонч ва чексиз ҳурмат туйғуси мамлакат сиёсий модернизациялашувида ҳам энг муҳим омиллардан бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда халқнинг ислохотларга нисбатан ишончи ва барқарорлик туйғуси таъминланганини, шу билан бирга, раҳбарият ва халқ ўртасида ўзаро ишончга асосланган яқинлашишни юзага келтирди.

Учинчидан, аждодлардан қолган қадриятлар ва диний қарашларнинг халқ маданиятига сингиб кетганлиги жамиятнинг мавқеини янада оширди ва аҳолининг жамият билан маълум маънода уйғунлашиб кетишига олиб келди. Ўз навбатида бу ҳолат халқнинг аждодлардан қолган меъросни келажак авлодларга етказиш, диний ва миллий қадриятларни янада асраб-авайлаш учун жон-жаҳдлари ила интилишларига олиб келади. Бундай жараёнлар сиёсатга ва сиёсий ислохотларга ҳам ўзининг кенг таъсирини кўрсатади.

Бу хусусиятларнинг ўзига хос салбий томонлари ҳам бўлиб, булар: ҳокимиятга нисбатан чексиз ҳурмат туфайли кўпинча ўзбошимча раҳбарларнинг фаолиятларида учраб турадиган баъзи бир нопокликларнинг жамият назоратидан қолиш; раҳбарларнинг порахўрлик, коррупция каби иллатларга берилишига нисбатан аҳолининг ҳар доим ҳам эътироз билдиравермаслиги сингарилардир.

Мафкуравий ва маънавий омил ҳам мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий тараққиёти учун ўзининг кенг таъсирини кўрсата бошлади. Таниқли олим Р.Жумаевнинг фикрича, “Совет ҳокимияти сиёсий ва мафкуравий давлатчилик сифатида шарқона тушунча ва шарқона қарашларга мутлақо тўғри келмайдиган ва мутлақо бегона эди” [58; Б.21]. Шунинг учун ҳам “Жамиятимиз олдида кўп йиллар давом этган советларча мустамлакачилик сиёсатининг энг оғир оқибатларидан бири бўлган тоталитар-коммунистик мафкуранинг таъсирларини одамлар онгидан чиқариб, уларда демократик ўзгаришларнинг бошланиши учун зарур бўлган янгича тафаккурни шакллантириш масалалари энг муҳим муаммолар қаторида турган эди” [66; Б.28]. “Чунки собиқ коммунистик мафкура инсон иқтидори ва қобиляти билан ҳисоблашмас, унинг тадбиркорлик билан шуғулланиб, қўшимча даромад олишини қатъиян ман этган эди. Қабул қилинган қонунлар инсон учун эмас, аксинча, инсон қонунлар йўлида хизматкорга айлантирилган эди” [97; Б.13].

Шунинг учун ҳам дастлабки даврларда мафкуравий бўшлиқ юзага келганлиги ва ушбу ҳолатдан ташқи сиёсий кучларнинг фойдаланиш учун уринишлари кенг авж олди. Диний экстремизм, фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми, нурчилик, пантуркизм ва бошқа кўплаб мафкураларнинг кириб келиши ва жамиятда ўз тарафдорларини топиб бориши, мамлакатда сиёсий ислохотлар учун бир мунча тўсиқ бўлди дейиш мумкин. Яъни бу омил кенг демократик ўзгаришларни ўз тараққиётининг асоси сифатида белгилаб олган мамлакатни юзага келаётган хавф-хатарларга қарши курашиш учун кенг ресурсларни сафарбар қилишга ва ижро ҳокимияти тузилмаларини янада кучайтиришга ва шунинг учун ҳам мамлакатда демократик ислохотлар шиддат билан олиб борилишига ўзининг кенг салбий таъсирини кўрсатди.

Ижобий таъсири ҳақида гапирганда, шуларни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда маънавий-маърифий асосларнинг мустаҳкамлиги, аҳолининг маънавий дунёқараши кенглиги ва бунинг натижаси сифатида миллат ва давлатчиликнинг тараққиёти учун зарур бўлган ҳар қандай демократик қадриятларни қабул қила олиши мамлакатда сиёсий модернизациялаш жараёнларига ўзининг кенг ижобий таъсирини кўрсатди.

Лекин мамлакат ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок мафкуравий жараёнларнинг салбий таъсиридан етарлича зарар кўрди. Ғоявий бўшлиқ юзага келишидан устамонлик билан фойдаланган кучлар Ўзбекистон халқи учун ноанъанавий бўлган диний-экстремистик ва фундаменталистик ғояларни ёя бошлади. Бунда улар онги ҳали етарлича шаклланиб улгурмаган ёшларни асосий нишон сифатида олдилар ва улар орқали террористик актларни ҳам амалга ошира бошлади. Лекин бундай тахдидли ҳолатларни тезда англаб етган давлат ва жамият ўз вақтида тегишли ишларни, вазифаларни амалга ошира олди. Ғоявий бўшлиққа, бошқаларга мафкуравий қарам бўлмаслик учун халқимизнинг азалий орзуси, миллий менталитети, қадриятлари, анъаналари ва ривожланган маърифатли дунё тажрибалари ҳисобга олинган “Миллий истиқлол мафкураси” яратилди ва у жамиятда ўз ўрнини топди.

Табиий (жўғрофий, табиий бойликлар ва ҳоказолар билан боғлиқ) омил – мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун ҳар доим ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиш билан бирга,

унинг иқтисодий қувват олишига замин яратадиган хусусият ҳисобланади. Мисол учун, маълум бир мамлакатнинг, у ҳар қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, демократик жиҳатдан раванк топган давлатга яқин жойлашганлиги унинг ҳам демократик тараққиётига кенг таъсир кўрсатади. Жўғрофий жойлашувнинг савдо ва интеграциянинг муҳим ҳудудида жойлашганлиги эса унинг маданий ҳаётида ранг-барангликнинг юзага келишига ҳамда сиёсий ривожланишига олиб келиши ҳам мумкин. Бу ҳолат ўз-ўзидан мамлакат сиёсий модернизациялашувига ижобий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади. Шунингдек, табиий бойликларнинг кўп бўлиши ҳам давлатнинг сиёсий модернизациялашувини тезлаштиради, яъни давлат маълум бир тадбирларни, ўзига хос сиёсатни олиб боришда молиявий имкониятларга эга бўлади ҳамда ижро ҳокимиятининг функцияларини, юклатилган вазифаларни бажаришида етарлича имтиёзларга эга бўлишига олиб келади. Бугунги кундаги табиий бойликларга ниҳоятда бой мамлакатларнинг сиёсий ҳаётини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, уларда асосан бирор-бир гуруҳ ёки монархнинг ҳокимияти устунлигини, шу билан бирга, аҳолининг баъзи бир ҳуқуқлари тан олинмаслиги маълум бўлади (Мисол тариқасида нефть ва бошқа қазилма бойликлари ниҳоятда кўп бўлган Яқин Шарқда жойлашган Араб давлатлари сиёсий тизимларини мисол сифатида келтириш мумкин). Шунинг учун ҳам табиий омилнинг давлатнинг сиёсий модернизациялашувига ҳам икки хил, яъни ҳам ижобий ва ҳам салбий таъсирини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистон мисолида айтадиган бўлсак, табиий омилнинг бир неча жиҳатларини кўрсатиш мумкин:

биринчидан, мамлакатнинг жўғрофий жиҳатдан мураккаб минтақада жойлашганлиги унинг олдига кўплаб муаммоларни, хавф-хатарларни кўндаланг қилди. Яъни қўшни Афғонистондаги нотинчлик, бунинг натижасида беқарорликнинг ва наркобизнеснинг кенг ривожланиши, диний экстремизм ва фундаментализмнинг тарқалиши геосиёсий “ўйинлар”нинг авж олиши кабилар катта-катта муаммоларни юзага келтирди. Бинобарин, мамлакат демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини янада такомиллаштириш учун зарур бўлган имкониятларини кўпинча хавфсизлик ва барқарорликни

таъминлашга йўналтирар, катта-катта кучларни барқарорликни сақлаш учун сафарбар қилар ва энг асосийси таҳликали вазиятлар юзага келиши эҳтимоли туфайли ижро ҳокимиятига бир мунча кенг ваколатлар беришга мажбур бўларди;

иккинчидан, бевосита ушбу муаммоларга ва таҳдидларга қарши курашиш мамлакатнинг маълум маънода тажрибасини оширди. Сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қудрати янада ошишига олиб келди (бунга Исроил давлатини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин, яъни Араб давлатларининг доимий тажовузига қарши курашиш жараёнида мамлакатнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва шундай шароитда ҳам тараққий этиш борасида кенг тажрибага эга бўлгани ва бу соҳаларда ривожланиб кетганини эслайлик);

учинчидан, Шунингдек, Ўзбекистонга қўшни давлатлардан ҳисобланган Тожикистон ва Қирғизистон давлатларидаги сиёсий жараёнларнинг таъсири ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Яъни, Тожикистонда диний экстремизмнинг кучайиши, ташқи кучлар томонидан таъминланган муҳолифатнинг катта мавқега эга бўлиши, миллий-этник низолар ва хоказолар билан боғлиқ фуқаролик урушидан Ўзбекистон ўз вақтида оқилона сабоқ чиқарди. Бундай турдаги низоларнинг олди олиниб, жамиятда диннинг ўз мавқеини эгаллашига, сиёсий ҳаётдан қонунан ва бошқа тартиблар асосида ажратилишига, чет элдан рағбатлантириладиган муҳолифатга йўл қўйилмаслигига йўналтирилган сиёсат ишлаб чиқилди. Шунингдек, на аҳолининг менталитети, на мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва на маданиятнинг кенг демократик ўзгаришларга тайёр бўлмаганлиги шароитида ўзини гўё “демократия ороли” дея эълон қилган Қирғизистон давлатида юз берган рангли инқилоб, унинг асосий иштирокчилари бўлган ННТлар, уларнинг чет эллардаги буюртмачи хомийлари томонидан олиб борилган “хатти-ҳаракатлар” Ўзбекистонда ҳам такрорланмаслиги ва бошқалар учун мамлакат раҳбарияти томонидан ўз вақтида оқилона чоралар кўрилди ва барча беқарорлаштирувчи омилларнинг олди олинди.

Ташқи таъсир омили ҳам мамлакатнинг сиёсий тараққиётида муҳим рол ўйнайдиган куч ҳисобланади. Кўплаб давлатларнинг тажрибасида содир бўлгани сингари, бирор-бир давлатнинг ривожланишида бошқа давлатнинг тажрибасидан, баъзи бир хусусиятларидан фойдаланиш мумкин, бироқ айнан бошқа

давлатнинг тартиботини жорий қилиш мумкин эмас. “Айниқса, бу ўта мураккаб жараёни сунъий равишда жадаллаштириш, демократияни мажбуран ўрнатишга интилиш жамият тадрижий тараққиётига салбий таъсир этиши, талай чигалликларни келтириб чиқариши мумкин” [79; Б.18] лиги ҳар доим эътироф этиб келинмоқда.

Аммо, ўтган асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган воқеликлар, яъни мустақилликка эришган кўпгина давлатларда Америка ёки бошқа Европа давлатларидаги сингари демократияни жорий қилиш, уларга ушбу тизимни зўрлик билан транзит қилишга бўлган уринишлар амалга оширила бошланди. “Ўзбекистонга йўналтирилган ушбу стратегия мустақилликнинг биринчи кунларидан бошланган эди. Мамлакатимизга нисбатан “авторитаризм” ва “миллатчилик”, “ижтимоий тақчиллик” ва “иқтисодий қолоқлик” ҳамда бошқа бир қатор эпитетлар кўп қўлланилди. Ундан кутилган мақсад эса битта эди, у ҳам бўлса, Ўзбекистон ҳақида гапирилганида аллақандай “нодемократик давлат” образини шакллантириш, мамлакат ташқариси ва ичида сиёсий муҳолифатни кучайтириш орқали сиёсий беқарорликни вужудга келтириш бўлганлиги” [60; Б.11] бугунги кунда кенг жамоатчиликка маълум. Лекин Ғарб давлатларининг демократияга ва демократик тараққиётга нисбатан ўз мезонлари мавжуд. Масалан, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги бугунги кунгача Конго Республикасини демократик жамият куриш йўлидан олға бораётган мамлакат сифатида эътироф қилиб келмоқда. Ваҳоланки, мавжуд сиёсий қарама-қаршиликлар демократик тараққиёт у ёқда турсин, мамлакатнинг ич-ичидан емирилиб кетиш хавфини кучайтирмоқда [66; Б.26]. Шунингдек, таниқли олим Збигнев Бжезинскийнинг таъкидлашича, “Ислом тарихи ва маданий қадриятларига беписандлик билан ёндашиб, демократияни мажбуран киритишга уриниш, охир-оқибат унинг тамоман инкор этилишига сабаб бўлади”, ва аксинча, “ташқи тазйиқдан холи бўлган, табиий тараққиёт натижаси ўлароқ, босқичма-босқич шакллантирилган демократия сиёсий маданияти ислом жамияти томонидан қабул қилинади ва ўзлаштирилади” [125; Б.79-80]. Демак, мазкур қарашлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, ташқи таъсир ҳар доим ҳам сиёсий модернизация учун барқарорлаштирувчи омил сифатида

баҳоланиши мумкин эмас. Бунда юқорида бир неча бор таъкидланганидек, ўзбек жамиятининг ўзига хос томонлари ҳам ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, баъзи бир давлатларда ташқи таъсир сиёсий модернизация жараёнларига кўпинча ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия Федератив Республикасининг тикланиши ва сиёсий жиҳатдан тараққий этишида ташқи таъсир ниҳоятда муҳим рол ўйнади. Яъни, биринчидан, ҳукмрон бўлиб турган кучлар мамлакатда демократик тартиботнинг қарор топишига имконият берган бўлсалар, тоталитар бошқарув даврида мамлакатни тарк этган одамларнинг иммиграцияси демократик қадриятларнинг янада мустаҳкамланишига ва ривожланишига олиб келди.

Шунингдек, ўз бошқарувида демократик ёки модерннинг бошқа хусусиятларидан холи мамлакат учун жаҳон ҳамжамияти томонидан қўйиладиган талаблар ва бу борадаги доимий танқидлар ҳам мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан модернизациялашувига муҳим таъсир кўрсатади.

Иқтисодий омил ҳам ҳар қандай мамлакатнинг тараққиётида катта роль ўйнайдиган хусусият ҳисобланади, шу билан бирга, бевосита ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ҳаётнинг барқарор ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатнинг катта-катта иқтисодий имкониятларга эга бўлиши унинг сиёсий ривожланишига туртки беради, тараққиёт учун энг муҳим омил бўлган барқарорликнинг таъминланишига ҳокимиятнинг мавжуд куч ва ресурсларни сафарбар этиш имкониятини кучайтиради.

Шунингдек, бевосита иқтисодий устунлик туфайли мамлакатда ривожланиш илгари кетади ва аҳолининг сиёсий маданияти ҳам юксалиб боради. Модернизация учун зарур бўлган институтларнинг молиялаштириш ва бошқа манбалар билан таъминланганлик даражаси ошади.

Ўзбекистоннинг ниҳоятда катта иқтисодий ресурсларга эгаллиги, мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланиши учун асос вазифасини ўтаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бевосита иқтисодий юксалиш ва имкониятлар туфайли мамлакатда, биринчи галда иш билан таъминлаш, иқтисодий фаровонликни ошириш, зарурий яшаш манбаларига эга бўлиш каби хусусиятлар билан

шартланган аҳолининг эртанги кунга ишончи ортди, ўтиш даври қийинчиликларига нисбатан пайдо бўладиган норозиликларнинг олди олинди. Иккинчидан, Ўзбекистонда сиёсий модернизациялашнинг энг муҳим хусусиятларидан бўлган *кучли ижтимоий сиёсат* учун зарурий маблағ ва имкониятлар мавжуд бўлди. Бунда таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва ҳоказо соҳаларни маблағ ва бошқа ресурслар билан таъминлаш имконияти юзага келди.

Кейинги навбатда демократик ўзгаришлар учун муҳим бўлган тадбирларни молиявий таъминлаш, уларни уюшқоқлик ва юқори даражада ўтказиш билан боғлиқ иқтисодий масалалар осон ҳал қилинди.

Шунингдек, бевосита иқтисодий ривожланиш ва имкониятлар туфайли мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ташкил қилиш, улар фаолиятини молиялаштириш ва умуман демократик ислохотлар учун катта-катта ресурсларни сафарбар қилиш учун имконият яратилди.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтидан бўлган *хусусий мулк* алоҳида мавқега эга бўлиш билан бирга, ўрта қатламнинг шаклланиши, хусусий мулк субъектлари зарурий шарт-шароит билан таъминланди. Улар учун кредитлар, банк имтиёзлари, узоқ муддатли лизинг техникалари таъминоти яхшиланди, улар давлатнинг доимий ғамхўрлигини ҳис қилиб келмоқда.

Институционал омил – яъни, давлат ва жамиятда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий институтлар фаолиятининг доимий такомиллашиб бориши ва ўзгаришлар жараёнида улар аҳамиятининг ошиб боришидир. Бунда сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг, ННТларнинг ва бошқа институтларнинг мавжуд бўлиши, уларнинг фаоллиги натижасида ислохотларнинг самарали амалга ошишини тушуниш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, институционал омил мамлакатда мавжуд сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, шунингдек, давлатдан ажратилган фуқаролик институтларининг сиёсий жараёнлардаги нафақат фаол иштироки, балки, уларнинг мамлакат сиёсий модернизациялашувидаги пировард мақсад бўлган демократик фуқаролик жамияти қурилишида барқарорлаштирувчи

омил вазифасини ўташи, ушбу ислохотларга мазмун бағишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ва фуқаролик институтларининг жамиятни ислоҳ қилишдаги ролини янада ошириш, бу борада уларнинг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мамлакатда том маънода кўппартиявийлик шаклланди ва демократлашув жараёнларида уларнинг ўрни ва роли ортиб бора бошлади. “Жамиятнинг демократлашувини таъминлашнинг сиёсий механизми мазкур жамиятда инсонларнинг сиёсий манфаатларига хизмат қиладиган кўппартиявийликнинг мавжуд бўлиши, жамият сиёсий тизимининг демократик қоидалар бўйича янгиланиб бориши билан ўлчанади. Шундай механизмга эга жамият, давлат демократик бўлади»[64; Б.194]. Мазкур қарашлардан келиб чиқиб, шу ўринда сиёсий партиялар билан қаторда нодавлат секторга тегишли бўлган фуқаролик институтларидан бўлган ННТлар ҳам кўплаб ташкил топиши ва уларнинг жамиятда ўзига муносиб ўринга эга бўлишлари, уларнинг позицияси кун сайин мустаҳкамланиб бориши каби омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, янги давлатчилик барпо қилинишининг дастлабки кунларида, яъни давлат органлари заифлашиб, уларнинг фаолияти замон талабларига жавоб бера олмайдиган ҳолга келганида, эндигина мустақилликни мустаҳкамлаш масалаларига киришаётган мураккаб даврларда баъзи бир сиёсий партиялар ва ҳаракатлар беқарорлаштирувчи омил сифати майдонга чиқа бошлади. “Бу даврда муҳолифатчиликни даъво қилган, мамлакатдаги тадрижий ислохотларга бутунлай зид ҳолда радикал ўзгаришлар тарафдори бўлган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар қисқа давр ичида сиёсий инқирозга учрадилар. Бу партияларнинг маълум бир ижтимоий қатламлар манфаатлари ва иродасининг ифодачиси бўлиш даражасига кўтарила олмаганлиги, улар етакчиларининг ўзбек халқининг вазминлик ва шарқона фазилатларга асосланган миллий менталитетини яхши англамаслиги, шунингдек, янги демократик тузумга ўтиш учун маълум бир ўтиш даври бўлишини тан олмасликлари туфайли ҳам мазкур партия ва ҳаракатлар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишга эриша олмади” [109; Б.25].

Шу сингари воқеликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда мамлакатда сиёсий партиялар ва ННТларнинг фаолиятини қонуний асосда амалга ошириш учун, мамлакатда конституциявий тузумга ёки барқарорликка раҳна солмаслиги ва хориждан кўмак олмаслиги ёки рағбатлантирилмаслиги учун қонунлар қабул қилинди ва уларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши ва бошқа ёрдам шакллари кўрсатила бошланди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди:

1. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари миллий-маданий қадриятларни ҳисобга олган, дунёнинг тараққий этган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди;

2. Минтақада нотинч вазиятнинг мавжуд бўлганлиги туфайли *барқарорликнинг таъминланиши* учун мамлакат томонидан катта миқдорда ресурслар сарфланган сиёсий модернизация жараёнлари амалга оширилишидаги мураккабликлардан бири сифатида намоён бўлди;

3. Ўтиш даври шароитида кучли ижтимоий-сиёсий беқарорлик келиб чиқиш хавфи ва бошқа бир қанча объектив таҳдидлар сақланиб қолган шароитда мамлакатда дастлаб барқарорликни таъминлашга қодир ва ғавқулодда ҳолатларда тез ва самарали фаолият кўрсата оладиган *кучли ижро ҳокимияти* шакллантирилди.

4. Собиқ Иттифокдан мерос қолган иқтисодий инқироз шароитида кўп сонли аҳолига эга бўлган, мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қиладиган ҳолатда аҳолини ижтимоий ларзалардан эсон-омон ўтиб олишини таъминлаш мақсадида *кучли ижтимоий сиёсат* олиб борилди ва бу сиёсат давлат даражасидаги энг муҳим вазифалар қаторига киритилди.

5. Ўтган мустамлакачилик даврида халқимизнинг тарихига, маданиятига, маънавиятига, қадриятларига нисбатан олиб борилган чуқур тажовузлар туфайли халқимизнинг деярли унутилаёзган *маънавий қадриятларини ва узоқ йиллик маданиятини тиклаш* масалалари кун тартибидаги энг асосий масалалар қаторига қўйилди.

6. Сиёсий модернизация жараёнларида энг асосий омил вазифасини ўтайдиган *замонавий кадрлар масаласига* алоҳида эътибор қаратилди.

III БОБ. СИЁСІЙ МОДЕРНИЗАЦІЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1&. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари амалга оширилишидаги муаммоларнинг намоён бўлиши

Мамлакатнинг янги ҳаётга қадам қўйишида, янги тизимга мослашишида, янги тузилмалар ташкил қилишида, умуман янги шакл ва қиёфага эга бўлишида ўзига хос қийинчиликларга дуч келиши, ислохотларни амалга ошириш жараёнларида ихтилофлар рўй бериши, кенг ўзгаришларга туртки берадиган ва ёки уларга қарши турадиган кучларнинг пайдо бўлиши ва фаоллашуви, ислохотлар кўламидан, йўналишидан, характеридан, хусусиятларидан, суръатидан манфаатдор кучларнинг, омилларнинг мавжуд бўлиши табиий. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз сиёсий тараққиётида кўплаб қийинчиликларга, мураккаб вазиятларга дуч келди ва ушбу курашлар жараёнида мамлакат қудрати ошиши, шароитларга мослашиши ва мавжуд ихтилофларни бартараф этиш юзасидан кураш усуллари ҳам такомиллашиб борди. Аввало юзага келадиган мураккабликлар ва ихтилофлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр юритсак. Ихтилофларнинг юзага келиши табиийлигини тан олган ҳолда шуни айтишимиз лозимки, энг катта муаммоли ихтилофлардан бири сифатида — ислохотлар даврида *Собиқ СССР тизимини қўмсаиш* каби ҳолат юзага келганлигини айтишимиз мумкин. Ушбу жараёнга нисбатан мамлакат Президенти шундай деган эди: “Айни пайтда, минг афсус билан шуни таъкидлашга мажбурмизки, бутун собиқ иттифоқ ҳудудида, айрим қўшни давлатларда баъзи бир ғалати ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Яъни, ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб-қўмсаб гапираётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари — эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтарганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Улар, бир қарашда, қулай келган пайтда ўзларини мустақиллик учун курашган ва эски тизимдан жабр-зиён кўрган шахслар сифатида кўрсатади, шу билан бирга, кези келганда кимгадир яхши кўриниш ва сохта обрў топиш мақсадида ўзини СССРни сақлаб қолиш учун охиригача курашганлар сафига қўшишга уринади. Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ Иттифоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай

кўтарилган эмас ва бунинг биз доимо инобатга олишимиз, ҳаминча сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур” [39; Б.5]. Ҳақиқатда ҳам мамлакатда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўз позициясини, ўрни ва мавқеини, эгаллаб турган мансабларини йўқотган қатлам ҳам юзага келди ва улар эскича тафаккурга, дунёқарашга, иш услубига эга бўлганликлари туфайли янги ҳаётга мослаша олмадилар. Мамлакат сиёсатида янгиликка интилиш, замон талаблари асосида ишлаш, янгича билимларга эга бўлган кадрларга талабнинг кучлилиги, янгича фикрлайдиган ва ишлайдиган ходимларга таяниш омилларининг кучайиши муносабати билан янги тузумга, мустақил мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш, ўзларининг олдинги ўрни ва мақомига эга бўлиш ва эгаллаб турган мансабларини қўлдан қўймаслик учун жон-жаҳдлари билан курашишлари ҳам намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ҳали-ҳануз давом этмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг ўтиш давридаги иқтисодий ва бошқа соҳалардаги қийинчиликларини, трансформацион мураккабликларни ва бошқа муаммоларни собиқ Иттифокни қўмсайдиганлар мустақил сиёсатнинг хатосига йўйганликларини ҳам мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам жамиятда мамлакат томонидан белгилаб олинган сиёсатга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариш учун кураш ушбу тузум тарафдорлари томонидан ҳам авж олдирилди. Улар томонидан кенг аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кенгайтирилиши ва бунинг натижасида ислохотларга нисбатан нотўғри, ноҳолис фикрлар юзага келади. Шунинг учун ҳам ушбу омилни бекарорлаштирувчи омил сифатида баҳолаш ва амалга оширилиётган ўзгаришларга акс таъсир этувчи ихтилоф сифатида кўрсатиш мумкин.

Коррупция ва жиноятчилик муаммоси ҳам мамлакат модернизациялашувида энг катта акс таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида майдонга чиқди.

Ҳар бир давлатнинг янги тузумга трансформациялашувида коррупция ва жиноятчилик каби салбий ҳодиса юз бериши табиий ҳол ҳисобланади. Шу билан бирга, жиноятчилик сингари иллатнинг авж олиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради.

Ушбу хавфдан барча трансформациялашаётган бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам мустасно бўлмади. Мазкур ҳодисалар туфайли давлат хавфсизлигига жиддий зиён етиши, ёш истиқлолга эришган мамлакатга, унда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан юқорида келтириб ўтилганидек, жамиятда ишончсизлик юзага келиши, ислохотларнинг, ўзгаришларнинг амалга ошишига кенг тўсқинлик қилишини ҳам назарда тутиш лозим.

Коррупция ва жиноятчиликнинг энг хавфли томони ҳам шундаки, жиноятчиликнинг ушбу кўриниши кенг авж олиб кетиши туфайли жамиятда мамлакат сиёсатидан норозилик, раҳбариятга ишонмаслик, ислохотларнинг истиқболига шубҳа билан қараш сингари муаммолар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам айнан ушбу муаммонинг келтириб чиқарадиган зарари мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида ниҳоятда катта бўлиши билан характерланади. “Бир тизимдан янги тизим шароитига ўтиш даврида энг катта хавф – коррупция, деб ҳисоблайман, яъни давлат, ҳокимият ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаоллари нафс балосига гирифтор бўлиб, ўз мансабини суистеъмол қилиш йўлига кириб, жиноятчилар билан тил бириктиришга ўтишидир” – дея таъкидлаган эди мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.Каримов ўз нутқларидан бирида[31; Б.199]. Мамлакатнинг бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида янги иқтисодий муносабатлар шаклланаётган жараёнларда аҳолининг кўп қисми аста-секинлик билан бозор муносабатларига мослашишида иқтисодий турдаги жиноятлар ва коррупция омили мамлакат учун катта хавф туғдиради. Бу турдаги жиноятларнинг нафақат мамлакат ҳаёти, балки бутун дунё мамлакатлари жамоатчилиги учун зарарли эканлигини англаб етган, ўзининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида Президент И.Каримов шундай фикрни илгари сурган эди: “Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамяти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида шаклланишига олиб келади” [34; Б.89]. Коррупция ва жиноятчиликнинг жамиятда илдиз отиб кетиши давлат ҳокимияти тузилмаларида фаолият кўрсатадиган

ходимларнинг ва мансабдорларнинг ҳам ушбу жиноятчилик қармоғига илиниб қолишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини емириш билан бирга, хорижий мамлакатларнинг ҳам мамлакатга нисбатан ишончи пасайишига, чет эл инвесторларининг мамлакатга инвестиция киритиш учун иккиланишига, энг ёмони, булар натижасида янгидан шаклланиб бораётган давлат ҳаётий муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва хорижий тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимига жадал интеграциялашув имкониятлардан маҳрум бўлишига олиб келади.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муаммоси ҳам эндигина мустақилликка эришган мамлакат олдида ислохотларга тўсиқ бўладиган энг катта муаммолардан бири сифатида намоён бўладиган ижтимоий ҳодиса эди. Гарчи ушбу масала ўрта асрларга хос тушунча бўлса-да, бугунги кунга келиб ҳам у ўз долзарблик аҳамиятини йўқотмаган. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муаммоси шарқ жамиятларида ғарб жамиятларидагига нисбатан бир мунча турли хил хусусиятлари билан ажралиб туради. Бизда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик аввало ўз қариндошларини ўз манфаати ва уруғчилик манфаати юзасидан мансабларга жалб қилишда, улар билан бирга бошқа уруғ-аймоқ вакилларига нисбатан писандсизлик ёки душманчилик кайфиятида бўлиш билан характерланади. Бундай ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг хавфи нимада? Давлат ва жамият ҳаёти учун бундай жараёнларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?

“Аввало, маҳаллийчилик тамойилларининг кучайиши минтақаларнинг ўзини ўзи чегаралаб қўйишига, таркиб топган хўжалик алоқалари тизимининг кучсизланиши ва парчаланишига, бинобарин, минтақанинг иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутишига олиб келиши мумкин. Бу эса умумдават иқтисодиётига зарар келтириши муқаррар. Кўпинча бу ҳол давлат ичида марказдан қочувчи кучларнинг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши билан бирга юз беради” – дея таъкидлаган эди мамлакатнинг биринчи раҳбари ўз асарларидан бирида[34; Б.102].

Ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кенг тарқалиб ривожланиб бориши, давлат ва жамият ҳаётида кўплаб тузатиб бўлмас муаммоларни келтириб чиқариш билан бирга, жамиятнинг

ривожланиши ва барқарорлиги учун ҳам жуда катта таҳдид туғдиради. Бунинг асосий сабаблари эса бир жойда туғилиб ўсган, бирор-бир қариндошчилик, қон-қондошлик хусусиятлари билан боғланган шахсларнинг “ўзларига тегишли” бўлганларни мансабга, ўз ёнига “тортиши” бошқаларга мансубларни эса имкон қадар ўз ёнидан четлатишга интилиши кабиларда намоён бўлади. Бу эса бир ҳудуддан ёки бирон-бир уруғга мансуб тўдаларнинг, гуруҳларнинг бошқа камчилик жамоа устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишига ва уларнинг ҳуқуқларини поймол қилишларига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ушбу омил таъсирида ҳам жамият аъзолари ўртасида мамлакат раҳбариятининг олиб бораётган сиёсатга, умуман раҳбариятнинг ўзига ишонч йўқолишига, уларнинг ислохотларга қарши кучларга қўшилиб кетишига ёки ислохотларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиб қолишларига олиб келади. Маълумки, бундай муносабатнинг шаклланиши мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан юксалишига катта зарба бўлиб тутиши ва кенг ислохотлар жараёнига катта тўсиқ бўлиши мумкин.

Миллий мафкура ва уни сингдиришдаги муаммолар ҳам мамлакатнинг кенг сиёсий ўзгаришларни амалга оширишида, давлатчилик ривожланиши учун энг зарурий хусусият ва омил бўлган миллий бирликни таъминлашида жуда катта қийинчиликлар туғдирганлигини айтиб ўтиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг бир тизимдан иккинчисига трансформациялашувида, ўзида кенг ўзгаришларни акс эттирган демократик ислохотлар сари олға юришида миллатнинг, халқнинг жипслиги, бирдамлиги, ўзгаришларни, кадриятларни сингдира олиш ва миллий манфаатлар доирасида уларни қабул қила олиши давлатчиликнинг доимий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистоннинг ҳам ривожланиш стратегиясини белгилаб олиши билан, олдида турган муҳим вазифалар ичида миллатнинг жипслигини ва бирдамлигини таъминлайдиган, унинг дунёда глобаллашув жараёнларида юз берадиган ҳар қандай таҳликали ўзгаришларга бардошлилигини оширадиган, миллатнинг миллат сифатида шаклланишига ўз таъсирини кўрсатадиган, бошқа халқлар ва миллатларнинг ҳукмронлигидан сақлайдиган омил – бу миллатнинг ўз ғояси, мафкурасини яратиш ва уни халқ онгига сингдиришдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат ўз сиёсатида мафкуравий омилга кам эътибор берди. Бунга, мамлакат Конституциясида ҳеч бир мафкуранинг давлат мафкураси бўла олмаслиги тамойилининг мустаҳкамлаб қўйилганлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Бироқ, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларнинг ортиб бориши, каттадан-катта сиёсий кучларнинг ўз геосиёсий манфаатларини олға суриши натижасида улар томонидан ғоявий-мафкуравий тажовузлар кўпайиб бора бошлади ва мамлакат олдида ўз суверенитетини, миллий қадриятларини ва ўзлигини асраб қолиш, бошқа халқларга, давлатларга ёхуд, бирор-бир сиёсий кучларга қарам бўлмаслик учун ўзбек давлатчилигига хос миллий мафкурани яратиш ва уни жорий қилиш зарурати юзага келди.

Миллий мафкура яратилиши ва у жамият, халқ онгига сингдирилиши жараёнида мамлакат теварагида ва жамиятда ўзаро ғоявий курашлар кенг авж ола бошлади.

Ушбу масаланинг энг муаммоли томонлари шундаки,

биринчидан, дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг ўзига хос шиддатлилик билан фарқланиши ва бугунги куннинг зарурати билан яратилган ғоя, қисқа вақт ичида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкинлиги;

иккинчидан, ҳозирги замонда бирор-бир халқни ёки миллатни ўзига бўйсиндириш учун унга нисбатан ғоявий-мафкуравий босимни кучайтириш усуллариининг кенг тарқалиши ва бундан мамлакатнинг ички ва ташқи душманлари усталик билан фойдаланиши мумкинлиги;

учинчидан, минтақани “ўз тасарруфи”га олишдан манфаатдор кучларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан ўз душманона мақсадларини глобаллашув шароитида ахборот имкониятларидан фойдаланган ҳолда жамиятнинг онгига таъсир этиш сингари усуллардан фойдаланаётганлиги;

тўртинчидан, мамлакатда юқорида келтириб ўтилганидек, коррупция ва жинойтчилик, маҳаллийчилик, порахўрлик сингари иллатларнинг авж олиши натижасида жамиятда ислохотларга ишончсизлик келиб чиқиши мумкинлиги;

бешинчидан, мафкурани сингдириш учун аввало уни жамиятда тарғиб қиладиган мутахассисларнинг етишмаслиги ва борлари ҳам ўзларига юклатилган вазифаларни профессионал даражада адо эта олмаслиги;

олтинчидан, ушбу вазифаларни амалга оширишда жамият аъзоларининг, институтларнинг пассивлиги ва хоказо муаммолар.

Шунингдек, Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан шу йилнинг 8 апрелида “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5465 – сонли Фармойиши ва унда кўтарилган масалалар ва белгиланган вазифалар мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканлигини англатади.

Энди навбатдаги муаммо, яъни *диннинг сиёсийлашуви* ҳақида сўз юритсак. Маълумки, мамлакат ўзининг истиқлолини қўлга киритиши ва сиёсий жиҳатдан ўз суверенитетини мустаҳкамлаши баробарида пайдо бўладиган энг катта хавф-хатарлардан бири – диний оқимларнинг кириб келиши ва уларнинг жамият ҳаёти учун ниҳояда катта беқарорлантирувчи омил сифатида намоён бўлишидир. “Исломдан диний экстремизмни, диний таълимотдан эса ақидапарастлик, радикал маҳзабпарастликни аниқ ажратган ҳолда шуни таъкидлаш зарурки, диний экстремизм хуружи, одатда, дунёвий ҳокимиятнинг барча соҳаларда муваффақиятли фаолият кўрсатиш қобилияти ошган ва у олиб бораётган ижтимоий амалиётнинг аҳолининг аксарият қисми томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётган пайтига тўғри келади”, – дея таъкидлайди таниқли олим Ш.И.Пахрутдинов[76; 320 б]. Маълумки, мамлакат аҳолисининг аксарияти тарихан ислом динига эътиқод қилиши сабабли, улар онгида, маданиятида ва турмуш тарзида исломий қадриятлар чуқур илдиз отган. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 15 июнида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида анжуман ташкил қилганлиги ва унда сўзлаган нутқида ҳам ушбу масаланинг нечоғли долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди[51;].

Узоқ йиллик диндан узоқлашув натижасида халқнинг соф исломий қадриятларни тўлиқ англаб етиши қийин эди ва бу ҳолдан бошқа диний оқимлар усталик билан фойдаландилар. Улар халқ онгига гўёки ҳақиқий исломни сингдириш фаолиятини амалга ошириш остида, ўзларининг ғаразли геосиёсий мақсадларини амалга ошира бошладилар ва ўз ғояларига эргашувчилар онгига давлатнинг конституциявий тузумини ағдариб ташлаб, унинг

ўрнига мафкуравий ҳомийларнинг қўл остида ва назоратида бўладиган диний ҳокимият ўрнатиш лозимлигини сингдириш билан бирга, амалий ҳаракатларни ҳам бошладилар. Бунинг натижасида мамлакатда диний экстремизм ва терроризм тармоқлари вужудга келиб, улар томонидан нафақат мафкуравий курашлар, балки террористик ҳаракатлар ҳам содир этила бошлади.

Умуман олганда бу ҳолатнинг ҳам ўзига хос таъсири шунда эдики, мамлакатда демократик ислоҳотлар амалга оширилиши учун зарур бўлган ҳокимиятларнинг барча тармоқлари ўртасида мувозанат шакллантирилиши бир мунча вақтларга кечиктирилар ва ушбу таҳдидлар сингари замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш учун кучли ижро ҳокимияти ва унга алоҳида ваколатлар берилиши талаб қилинар эди. Бундай шароит эса ўз-ўзидан ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатларнинг тенглашишига путур етказар эди. Мамлакатда ислоҳотлар амалга оширилиши жараёнларида аста-секинлик билан бу масала ҳам ўз ечимини топа бошлади. Эндиликда мамлакатда демократик жамиятларга хос ҳокимиятлараро муносабатларнинг шаклланиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган ихтилофли муаммолардан бири сифатида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бўлган *нодавлат нотижорат ташкилотларининг сиёсийлашуви* муаммоларини ҳам энг катта ихтилофли муаммолар сифатида кўрсатиш мумкин эди.

Бу масаланинг ўзига хос хусусиятлари ҳам шундаки, бу муаммо – диний экстремизм ва терроризм сингари дунёдаги энг катта глобал жараёнлардан ҳисобланади. Мазкур муаммо бугунги кунда ҳам халқаро муносабатларнинг янги феномени бўлиб, у асосан янги мустақилликка эришган мамлакатларда, геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга бўлган минтақаларда жойлашган мамлакатларда куч марказларининг ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадларига қаратилган жараёндир.

Унда қудратли мамлакатлар томонидан асосий эътибор ўз манфаатлари учун нишон бўлган мамлакатларга қаратилади ва ушбу мамлакатларда кўплаб соҳалар бўйича турли хил нодавлат, ноҳукумат мақомидаги ташкилотлар тузилади. Шулар ёрдамида мамлакат аҳолиси онгига бевосита таъсир кўрсатилади, уларни мамлакат раҳбариятига ва олиб борилаётган ислоҳотларга қарши

қайрайди, мамлакатнинг бундай турдаги хатти-ҳаракатларига нисбатан кўрган чора-тадбирлари ҳақида рўй-рост айтилмай, *инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги, мамлакатда тоталитар тартибот амал қилаётганлиги, давлат раҳбарининг диктатор эканлиги* сингари тухматлар билан ахборот хуружлари уюштиради, кенг айғоқчилик фаолияти олиб борилади ва ҳоказо.

Худди шундай жараёнлар кўплаб собиқ социалистик лагер ва иттифоқ мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам амалга оширилди ва бундай турдаги фаолият ҳалиям давом эттирилмоқда. Яъни, кўплаб ўзларини “демократиянинг илҳомчилари”, деб ҳисоблайдиган мамлакатлар томонидан Ўзбекистонга мамлакат мустақилликка эришган кунларданок “демократик жамият қуришда беғараз ёрдам” кўрсатиш компанияси кенг миқёсда авж олдирилди. Аҳвол шу даражага етиб келдики, бундай турдаги ташкилотлар мамлакатда турли тадбирлар ўтказиш усуллари ёрдамида ўзларига хайрихоҳ ёшларни мамлакатнинг бўлажак раҳбарияти сифатида танлаб олиш, ислоҳотларни қоралаш, уларга қарши туриш ва кўплаб масалаларни ўргатиш, миллий менталитетни ҳисобга олмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалалар юзасидан кўплаб маърузалар уюштириш, аҳоли ўртасида турли ёлғон ахборотларни тарқатиш сингари фаолият билан шуғуллана бошладилар. Кўплаб хорижий ва баъзи бир МДХ давлатларида юз берган барқарор тараққиётга нисбатан турли салбий воқеа-ҳодисалардан сабоқ чиқарган ҳолда, мамлакат ва жамиятнинг ҳаёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги учун раҳбарият томонидан ўз вақтида чоралар кўрилди, уларнинг беқарорлаштирувчи хатти-ҳаракатларига чек қўйилиб, бу соҳа бўйича чора-тадбирлар кўрила бошланди.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг нофаоллиги муаммолари ҳам Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар амалга оширилиши жараёнидаги энг катта муаммоли масалалардан бири сифатида майдонга чиқди. Зеро,

- мустақилликни дастлабки кунларданок мустаҳкамлашда,
- аҳолининг сиёсий маданияти ошишида,
- уларнинг демократик ислоҳотларга мослашишида,
- мафкуравий кураш ва рақобатларга қарши туришда,
- мамлакатда ҳақиқий фуқаролик жамиятининг қарор топишида,

- парламент демократиясининг шаклланишида,
- ҳуқуқий давлат элементларининг фаоллиги ошиши,
- фуқароларнинг ўз манфаатларини сиёсий жиҳатдан ифода қилишида ва ҳоказоларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли бекиёс эди.

Аммо, эндигина мустақилликка эришган мамлакатда сиёсий партиялар ўтиш даври шароитларига тезда самарали мослаша олмадилар ва юқорида келтириб ўтилганидек, бевосита мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётига доир лойиҳаларда, дастурларда ва умуман кенг қамровли масалаларда уларнинг таъсири, фаолияти деярли сезилмасди. Мазкур масала юзасидан мамлакат раҳбари шундай фикрларни билдирган эди: “Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар ҳақиқий демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг ҳар бири ўзини мутлақ ҳақиқат жарчиси, деб билади” [30; Б. 16]. Бунинг бир қанча ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

биринчидан, сиёсий партиялар замон талабларига мувофиқ келадиган янги иш услубларига эга бўлмаганлиги;

иккинчидан, мамлакат ўтиш даври шароитида ижро ҳокимиятининг бир қанча кенг ваколатларга эга бўлганлиги;

учинчидан, аҳолининг узок йиллар мобайнида тоталитар тузум шароитида яшаб, давлат институтига асосий сиёсий куч ва ислоҳотларни амалга оширувчи сифатида қараши ҳали- ҳануз сақланиб қолаётганлиги;

тўртинчидан, мамлакат аҳолисининг менталитетида, маданиятида партияларга ва ҳаракатларга уюшиш ва уларга ўз манфаатларини ифода этадиган сиёсий куч сифатида қараш хусусиятларининг шаклланмаганлиги ва аҳоли аксарият қисмининг сиёсий партиялар ва улар фаолиятига бепарволиги ва ҳоказо омиллар сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тезда ўз ўрнига ва позицияларига эга бўла олмаганликларига олиб келди.

Аммо, мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланиши ва демократик тараққиётнинг олға силжиси натижасида сиёсий партиялар учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилди бошланди. Яъни, партиялар фаолиятига, уларнинг молиялаштирилишига, давлат ва жамият қурилишини янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда уларнинг ролини ва масъулиятини янада оширишга доир ислоҳотлар олиб борилди ва

бугунги кунга бу муаммолар босқичма-босқич бартараф қилина бошланди.

Замонавий кадрлар билан таъминлаш муаммоси ҳам мамлакатнинг модернизациялашувида асосий ҳал қилувчи омиллардан биридир. Ушбу масаланинг нечоғли долзарб муаммолардан эканлигини ўз вақтида англаб етган мамлакат раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан кенг ислохотлар олиб борилди. “Чуқур ислохотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи навбатда, кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлади” –дея алоҳида таъкидлаган эди бу борада давлат раҳбари ўз нутқларидан бирида[31; Б.12-13].

Масаланинг долзарблиги ва муаммолиги шунда эдики, мамлакатда ўзгаришлар ва замон талабларига жавоб берадиган кадрларни етиштириш, собиқ иттифоқ даврида партиявий услубда фаолият кўрсатган ва эскича фикрлайдиган раҳбар кадрлар ўрнини замонавий билимлар билан қуролланган ва ислохотлар жараёнларига янгича ёндашадиган мутахассислар билан алмаштириш, раҳбарларнинг ахлоқий сифатларини кескин ўзгартириш сингари масалалар энг муҳим вазифалардан эди. Чунки, мамлакатда кенг демократик ўзгаришлар учун энг катта тўсиқ бўладиган кучлар вужудга келишида ўз ўрнини, мавқеини, энг асосийси эгаллаб турган мансабини йўқотишни истамайдиган раҳбарлар ниҳоятда кўп эди. “Жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари дунёқараши ва руҳиятида ҳали фуқаролик жамиятига доир тасаввурлар шаклланмаганлиги учун ҳам уларнинг бошқарув фаолиятида мустақил жамият институтига хос бўлмаган авторитар усуллар устуворлик қилар эди. Фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ана шу мутелик руҳиятига асосланган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули мустақиллик даврида ҳам ўзини доимо намоён қилиб келди” [109; Б.22-23]. Шунингдек, “Яқин ўтмишдан мерос қолган таълим тизими, кадрлар тайёрлаш тизими республикада амалга оширилаётган демократик ва бозор иқтисодиётига оид ўзгаришлар талабига жавоб бермасди” [58; Б.131].

Умуман кадрлар муаммосига ёндашганда, уларнинг мамлакат демократик тараққиётига ва ислохотларнинг муваффақиятига салбий

таъсир кўрсатадиган сифатлари ва хусусиятлари ҳақида айтиб ўтиш лозим. Яъни:

Биринчи тоифа раҳбарлар – эски тизим тарафдорлари ёки собиқ тизим шароитида ишлашга мослашган ва янгиликларга интилмасдан фақат ўзи эгаллаб турган лавозимни йўқотишни истамайдиганлар;

Иккинчи тоифа раҳбарлар – фақатгина ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган, давлат ва халқ мулкани талон-тарож қиладиган, порахўрлик ва нафс гирдобига тушиб қолганлар;

Учинчи тоифа раҳбарлар – гарчи ўзи раҳбарлик қиладиган соҳани яхши тушунмаса-да, янги авлоднинг яхши мутахассисларига йўл беришни хоҳламайдиганлар ва қандай қилиб бўлмасин ўз мансабига ёпишиб оладиганлар;

Тўртинчи тоифа раҳбарлар – ўзига ниҳоятда бино қўйган, атрофига лаганбардор гумашталарни йиғиб олиб, улардан фақатгина мақтов эшитишни хуш кўрадиганлар;

Бешинчи тоифа раҳбарлар – ўзига ишонганларни, халқни ортидан эргаштира олмайдиган, юклатилган вазифаларни уддалаолмайдиган, ташкилотчилик қобилияти ва билими паст, иродаси суст етакчилар ва ҳоказо.

Бундай турдаги раҳбарларнинг барчаси мамлакатнинг тараққиёт сари олға интилишида, кўзланган марраларга етишида энг катта тўсиқлардан бўлган эди ва бу ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотмаган. Мамлакат раҳбари масаланинг аҳамиятини чуқур англаб етган ҳолда: “Ҳозирги кунда ҳар бир раҳбар кадрнинг қанчалик масъулият билан ишлаши ҳамда соф виждонлилигига кўп нарса боғлиқ. Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон унинг ишни ташкил қила билиш қобилиятидир. Раҳбар ишини шундай ташкил қилсинки, одамлар: ҳа, бу халқ фаровонлиги йўлида ғамхўрлик қилувчи ва уни ҳамма нарсадан юксак қўювчи раҳбар, дея олсин” – деган эди[30; Б. 215].

Лекин мамлакат раҳбарияти томонидан замонавий кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилган узоқ муддатли стратегия тез орада ўзини-ўзи оқлай бошлади. 1995 йил мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил қилиниши, Президент томонидан илгари сурилган ва ҳаётга жорий қилинган “Кадрлар тайёрлашнинг

миллий дастури” каби ислохотлар туфайли бирмунча натижаларга эришганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сиёсий маданият муаммолари ва унинг ўзига хослиги ҳам мамлакатнинг сиёсий модернизациялашувида энг катта муаммоли ҳолатлардан бири бўлди дейиш мумкин. Мазкур ҳолат юзасидан, мамлакат раҳбари ўз нутқларидан бирида: “Жамиятни демократиялаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир” – дея таъкидлаган эди[32; Б.9].

Бунинг кўплаб ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

биринчидан, мамлакат аҳолисининг тарихий менталитетининг ўзига хослиги, яъни халқнинг азалдан подшоҳга, раҳбарларга, мансабдорларга нисбатан бошқача ҳурмат билан қараганлиги, уларнинг хатоларига кўз юмиши, бундай камчиликларни фақатгина норасмий мажлислардагина муҳокама қилиши (бу ерда шуни тушуниш керакки, аҳолининг менталитетидаги баъзи бир хусусиятлар демократик ислохотлар амалга оширилишига ўзининг таъсирини кўрсатди);

иккинчидан, мамлакат аҳолисининг деярли юз йил давомида мустамлакачилик шароитида кун кечирганлиги ва амалга оширилган кўплаб қатағонлар натижасида сиёсий масалалардан сўз очиш тугул, у ҳақда ўйлашдан ҳам ниҳоятда қўрқиб қолганлиги, бу ҳол мустақилликка эришгандан кейин ҳам давом этиб келаётганлиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва ўз фикрини эркин ифода эта олиш имкониятлардан фойдалана олмаслиги, натижада ўзининг энг оддий конституциявий ҳуқуқларини ҳам тўлиқ англаб етмаганлиги ва хоказолар;

учинчидан, гарчи мамлакатда барча демократик шарт-шароитлар яратилганлигига амин бўлсалар-да, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга, амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан баъзи одамларнинг бефарқ ва бошқа шунга ўхшаш бир қанча мисолларни ҳам келтириш мумкинки, ушбу омиллар юқорида келтириб ўтганимиздек, мамлакат тараққиёти учун кўзланган мақсадларга эришишга тўсиқ бўлди, дейиш мумкин.

ОАВ фаолияти замон талабларига жавоб бермаслиги. Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти учун ОАВ ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган куч ҳисобланади.

Мамлакатда узоқ йиллар давомида ОАВ мустамлакачилик ва марказлаштирилган бошқарув шароитларига тўлиқ мослашган ҳолда фаолият юритар эдилар. Мамлакатнинг мустақилликка эришиши, давлат ва жамият ҳаётида ўз маромида демократик қадриятларнинг қарор топиб бориши, либераллашув жараёнларининг изчиллик билан амалга ошиши мамлакатда тараққиётнинг энг муҳим институтларидан бўлган ОАВ олдида ҳам мамлакат тараққиёти учун зарурий бўлган кўплаб ҳаётий зарур вазифаларни қўйди. Чунки, матбуот, ахборот воситалари демократик мамлакат демократик тараққиётидаги аҳамияти юқори эканлиги, аммо ҳар доим ҳам уларнинг том маънодаги демократик ислохотлардаги фаол роли сезилмаётганлиги, уларнинг "тўртинчи ҳокимият" сифатидаги ўрни билинмаётганлиги барчани ўйлантирар эди. Сабаби, мамлакатдаги кенг кўламли ислохотлар ОАВ олдида янгидан-янги вазифаларни қўйиши, матбуотнинг аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қуролга айланиши, кишилар фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, аммо ҳолисифодачиси бўлиши лозимлиги кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолаётганлиги маълум. Шунинг учун ҳам, ОАВ ўз хизмат вазифаларини суъистемол қиладиган давлат хизматчиларининг йўлида мустаҳкам ғов бўлиши, халқдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини рўёбга чиқарадиган, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қиладиган воситаси бўлиши демократик тараққиётнинг эҳтиёжига айланиши шарт.

Бироқ мамлакатдаги ОАВ ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни аъло даражада бажариши энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаётганлиги ҳам барчамизга маълум. Истиқлолнинг дастлабки йиларида уларга самарадор фаолият юритишлари ва мамлакат тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун, биринчи навбатда, тажриба, иккинчидан журъат, учинчидан маълум маънода ҳуқуқий кафолат ва моддий таъминот сингари муҳим омиллар камлик қиларди. Шунингдек, эски тизим шароитида ишлаб келган кадрлар ва уларга раҳбарлик қиладиганлар томонидан ОАВ фаолиятига аралашувлар, уларни тийиб туриш ва бошқа омиллар таъсир қилган бўлса, бошқа томондан ОАВларининг замон

талабларига мос келадиган кўникмаларни ўзлаштириши қийин кечди ва хорижий тажрибаларни бу соҳага кенг жорий қиладиган кадрлар етишмади.

Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мамлакатнинг сиёсий модернизациялашувидан, жамиятдаги мавжуд иллатларга қарши курашишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни беқиёсдир. Аммо келтириб ўтилганидек, ОАВ фаолияти сустлиги, уларнинг демократик андозалар асосида ишлаш кўникмаларига эга эмаслиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдалана олмаслиги, хорижий давлатлардагидек, матбуотни тўртинчи ҳокимият сифатида англаб етмаганлиги ва ҳоказо камчиликлар туфайли мамлакат сиёсий жиҳатдан тараққий қилишда кўплаб тўсиқларга дуч келди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир давлат ва жамият кенг демократик ўзгаришларни амалга оширишда дуч келадиган мураккабликларга Ўзбекистон ҳам дуч келди. Ўз мустақил тараққиёт жараёнида мамлакат олдинги тузумдан қолган мураккабликларни ҳал қилиш билан бирга, янгидан-янги муаммоларнинг ечимини топишга ва уларни бартараф этишга мажбур бўлди. Бундай муаммолар нафақат ўз ечимини топди, балки ҳанузгача долзарб аҳамият касб этмоқда. Аммо, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бундай муаммоларни бартараф этиш мамлакатнинг сиёсий модернизациялашув имкониятини янада оширди ва кейинги демократик тараққиёт учун замин ярата бошлади.

2&. Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг динамикаси, йўналиши ва истиқболи

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши биланок жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борди.

“Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданок энг олий мақсадимиз – юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт куриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очик-ойдин баён этганмиз”, – деган эди мамлакат Президенти ўз нутқларидан бирида[36; Б.18]. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, демократик жамиятни ва унга мос бошқарув тизимини қарор топтириш ва ривожлантириш учун кенг тизимли ислохотлар талаб этиларди.

Барқарор бозор иқтисодиёти, очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш Ўзбекистоннинг пировард мақсади этиб белгиланди. Сабаби, айнан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятигина халқимизнинг орзусидаги ҳаётни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб, узоқ йиллардан давом этиб келаётган анъаналарини, миллий маданиятини тикланишни, эркин шахс сифатида ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг тараққиёти жамиятни демократлаштириш, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлди.

Мамлакатнинг сиёсий модернизациялашувида, энг аввало, давлат ва жамият ҳаётида барқарорликни сақлаш, ўтиш даври шароитида аҳолини кенг ижтимоий ҳимоя қилиш, пировард мақсад бўлган демократия ва фуқаролик жамияти сари аҳолини олдинда амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлар сари босқичма-босқич тайёрлаб бориш кабилар энг асосий хусусиятлар сифатида намоён бўлди. Чунки, мамлакатнинг узоқ йиллар давомида партия яккаҳокимлиги бошқарувига мослашиб борган халқни инқилобий ўзгаришларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, тадрижий йўл билан маданий тараққиёт олиб бориш –

Ўзбекистон танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳияти бўлди. Босқичма-босқичликнинг аҳамияти шундаки, фуқароларнинг онгу-шуурига кўплаб йиллар давомида, мажбуран сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартиришнинг имкони йўқ. Турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатнинг рағбатлантирувчи омилларини ўзгартириш мумкинлиги мамлакатнинг биринчи Президенти томонидан таъкидлаган эди [30; Б. 40-41].

Шунингдек, ривожланган давлатлардаги тажрибалардан фойдаланиш мумкинлиги, аммо айнан уларнинг тутган йўлини бизда жорий қилиш кутилган натижани бермаслиги ҳам аниқ-равшан эди. Мамлакат кўплаб давлатлар тараққиётида тўпланган ва миллий давлатчилик тараққиётимизга мос келадиган тажрибалардан фойдаланди. Лекин бирор-бир моделни кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормади. Чунки ҳар бир мамлакат ва жамият ўз мақбул йўли ва воситалари мавжуд бўлиб, бу йўл ва усуллар фақат ўша жамият учунгина ижобий кечади.

Мамлакатнинг кейинги тараққиёти бевосита барча юксак даражада ривожланган давлатлардаги сингари демократик йўлдан бориши, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг барча хусусиятлари мавжуд бўлиши каби омилларга боғлиқдир. Ўзбекистонда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. “Энг аввало, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мустақиллиги таъминлини оғишмай амалга ошириш, давлат бошқарувининг замонавий ва самарали усуллари шакллантириш, жойларда янгича бошқарув тизимини ташкил этиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўтган даврда халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, анъана ва урф-одатларига таянган тараққиёт йўли белгилаб олинди” [70; Б.11].

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларни янада демократлаштириш йўналишидан кетишни ҳисобга олган ҳолда, ислохотлар стратегиясини асосан фуқаролик жамияти элементлари

тараққиётига асос бўладиган ҳуқуқий ва бошқа имкониятлар заминини яратишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг тўртта асосий негизи мамлакат раҳбари томонидан белгилаб берилган эди. Яъни:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Мазкур негизлар асосида ислоҳотлар амалга оширилиши ва улар асосида ривожланишининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- биринчи галда, умуминсоний қадриятлар, яъни бугунги кунда инсоният ҳаётидаги энг олий қадриятлардан ҳисобланган, инсон ҳуқуқлари, ўз фикрини очик айтиш имконияти, давлат бошқарувида халқнинг кенг иштироки ва ҳоказо омилларнинг фақатгина демократияга бевосита боғлиқлиги;

- иккинчидан, демократик қадриятларнинг жамият томонидан қабул қилинишида пала-партишликка йўл қўймаслик, халқимизнинг асрлар оша шаклланиб, муқаддаслашган маънавий, маданий қарашлари, миллий хусусиятларимизни асраб қолиш ва уларни демократик ўзгаришлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш;

- учинчидан, жамиятимиздаги ҳар бир шахсга ўз имкониятларини эркин ифода қила олиши, шунингдек, жамият ва давлат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши учун имкониятлар миқёсини ошириш учун фуқаролик жамиятини ва унда эркинликлар таъминланишига асос бўладиган ҳуқуқий давлатнинг шакллантирилиши;

- тўртинчидан, жамият ва давлатнинг ривожланиши, унда ҳақиқий адолат мезонларининг қарор топиши, демократик қарашларнинг кенг илдиз отиши учун асос бўладиган хавфсизлик омилининг сақланиши, унинг асосий иштирокчиси ҳисобланган инсонларда ватанпарварлик, унинг тараққиёти ва тинчлиги учун курашадиган одамларни тарбиялаш кабилардир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда сиёсий модернизациялашувда на ғарбона ва на шарқона андозаларни кўчириб олишнинг имконияти йўқ. Фақатгина ўз ривожланиш йўли асосида тараққий этиш имкониятларигина борлигини ҳисобга олган ҳолда сиёсий

модернизациялашувнинг концептуал асослари ва назарий жиҳатлари мамлакат раҳбари И.Каримов томонидан мамлакат тараққиётига доир барча чиқишлари ва нутқларида белгилаб берилди. Унда асосий эътибор, биринчи галда, эски тузумни ислоҳ қилишга қаратилди. Сабаби ҳамма-ҳамма поғоналарда собиқ Иттифоққа бўйсунадиган ва марказ чизигидан чиқмайдиган тарзда иш олиб борадиган соҳалар тубдан ўзгартирилди ва тубдан ислоҳ қилинди.

Бунинг асосий сабаби, янги демократик ва фуқаролик жамиятини куриш учун аввало эски тузумни босқичма-босқич асосда тубдан ислоҳ қилиш талаб этиларди. Шундагина демократик ўзгаришларни амалга ошириш имконияти вужудга келарди. Ундан кейинги йўналиш демократиянинг асосий тамойилларидан бўлган инсон ҳуқуқлар ва манфаатлари таъминланиши, ҳокимиятнинг янги тармоқлари вужудга келтирилишига эътиборнинг қаратилиши бўлди дейиш мумкин. Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузumi белгиланишида ҳар бир инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилди. Сиёсий соҳадаги вазифалар қуйидагича белгилаб олинди:

- ҳақиқий демократияни қарор топтириш шароитида республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш;

- Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимиятни учга – қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига ажратиш. Мамлакат тараққиётининг ушбу концептуал йўналишларида белгилаб берилганидек, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шакллантирила бошланди ва уларнинг асосий шартлари қуйидаги ўзгаришларда намоён бўлди:

- фуқароларнинг сиёсий маданиятида, онгу-тафаккурида кенг демократик ўзгаришлар содир бўла бошлаганлиги ва уларда фаол фуқаролик позицияси шаклланиши, ривожланиши учун олиб борилган ислохотларда;

- демократик ўзгаришларга маъно-мазмун бағишлайдиган фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотлари шакллантирила бошланганлигида;

- сайлов институти такомиллаштирилиши ва унда иштирок этувчи сиёсий партиялар, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари учун барча ҳуқуқий асосларнинг яратилганлигида;

- ҳокимиятлар бўлиниши тамойили жорий қилина бошланганлиги, мамлакатда қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарувининг маҳаллий органлари) ва суд ҳокимияти (Конституциявий суд, Олий суд, Олий Хўжалик суди) шакллантирилганлигида;

- мамлакат сиёсий тараққиётининг ажралмас йўналиши бўлган ижтимоий ислоҳотларнинг изчиллик билан давом эттирилганлигида ва ушбу масалалар билан шуғулланадиган институтларнинг ташкил топиши ва ривожлантирилиши кабиларда.

Айтиш мумкинки, мамлакатда демократик ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг янада ривожлантирилиши мамлакат раҳбарининг чиқишларида босқичма-босқич асосда баён қилиб берилди. Мисол учун мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат раҳбарининг чиқишларида давлатчиликни мустаҳкамлаш, кучли ижро ҳокимиятига зарурат масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, кейинги чиқишларида асосий урғу мамлакатни аста-секинлик билан демократлаштириш ва сиёсий ҳаётни эркинлаштириш масалаларига берилди.

Мамлакат раҳбарининг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган “Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари” номли нутқида Ўзбекистоннинг кейинги демократик тараққиёти ҳақидаги ғояларни илгари суриш билан бирга, сиёсий соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликлар таҳлил қилиниб, кейинги демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича асосий устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Мазкур даврга келиб мамлакат томонидан эришилган асосий ютуқлар қуйидагиларда ўз аксини топди:

биринчидан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик таъминланди, жамиятнинг кўпмиллатлилик асосида шаклланишига шароит яратилди;

иккинчидан, демократиянинг энг асосий омилларидан бўлган ҳокимиятлар бўлиниши тамойиллари жорий қилинди, ҳар бир ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифалари қонун билан

мустаҳкамланди, фуқаролар ўзини-ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи – маҳалланинг мавқеи қайта тикланди, давлат ҳаётининг янги демократик, ҳуқуқий асослари яратилди, демократик тамойилларга асосланган мамлакатнинг янги Констиутцияси қабул қилинди, сайлов тизими шаклланди ва мустаҳкамланди;

учинчидан, ҳуқуқий давлат шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди;

тўртинчидан, ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўппартиявийликни шакллантириш учун жамиятимизнинг сиёсий тузумини мутлақо янгилаш асослари яратилди,

Умуман олганда, янги демократик тузумнинг асослари вужудга келди ва ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштироки таъминланди.

Кейинги вазифалар ва тараққиёт стратегияси қуйидагича белгилаб олинди: демократик институтлар фаолиятини янгича мазмун билан янада бойитиш, инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимоя қилиниши тизимини янада такомиллаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш, жамоат ва нодавлат тузилмаларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш, ОАВлар фаоллигини янада ошириш, қонун доирасида мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган ва ҳақиқий муқобил йўлни кўрсатиб берадиган муҳолифатни шакллантириш, қонунчилик механизмини такомиллаштириш ва қабул қилинаётган қонунлар сифатини янада ошириш, суд ислохотларини чуқурлаштириш, давлат ва жамият бошқарувида номарказлаштириш жараёнларини изчиллик билан олиб бориш сингарилардир.

Мамлакат демократик тараққиёти ва модернизациялашув жараёнлари нафақат мамлакат раҳбарининг нутқларида, балки сиёсий институтлар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар шаклланишида, улар фаолиятини кафолатлайдиган қонунлар қабул қилинишида, қарорлар ва фармонлар чиқарилишида ҳам ўз аксини топа бошлади.

Сиёсий партиялар, жамоат ва ННТлар, ОАВ, умуман демократлашув жараёнларини ўзида акс эттирадиган ва мамлакат сиёсий модернизациялашувига кенг таъсир кўрсатадиган қонунларнинг қабул қилиниши, турли фармонлар ва қарорларнинг чиқарилиши мамлакатда сиёсий ҳаётнинг эркинлашувига хизмат қила бошлади.

Мамлакат раҳбарининг навбатдаги чиқишларида эса мамлакатда сиёсий ҳаётни эркинлаштириш масалаларига устувор масалалардан бири сифатида қарала бошланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, мамлакат ижтимоий- сиёсий ҳаётида бунга шароит етилган эди. Яъни, мамлакатнинг янги босқичга ўтиши учун имкониятлар мавжуд, демократик ўзгаришларнинг чуқурлашув зарурати етилиб бораётганлиги, ижро ҳокимияти кучли бўлиши талаб этиладиган ташқи хавф-хатарлар асте-секин бартараф этилиб бориши, аҳолининг сиёсий онги ва маданияти ўзгариб бориши ҳамда ушбу ўзгаришларга мувофиқ фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш каби заруратлар фикримизнинг исботидир.

Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши томонлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлиги, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шаллантириш жараёнларини эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадлар дахлсизлигини, мамлакат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш сингари вазифалар асосий устувор вазифалар этиб белгилаб олинганлиги — эркинлаштириш жараёнларининг нақадар долзарб масалалардан эканлигини яққол кўрсатиб турарди.

Ушбу жараёнларнинг амалга оширилишида номарказлаштириш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратилди. Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқлигини англаб етган ҳолда, уларнинг ролини ва аҳамиятини амалга оширишга алоҳида урғу берилди.

Мамлакатни демократик тараққий эттириш, пировард мақсад қилиб олинган сиёсий модернизациялашув жараёнлари мамлакатда парламент ислохотлари, инсон ҳуқуқлари, ОАВларини ривожлантириш ва уларнинг янада эркин фаолият кўрсатишларини таъминлаш, номарказлаштириш, модернизациялашувда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаларидан янада кўпроқ фойдаланиш, ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, номарказлаштириш сингари ислохотлар билан янада мустаҳкамланиб борилди. Мазкур ислохотларнинг бориши мамлакат раҳбарининг кейинги чиқишларида, фармонларида ва умуман мамлакатда олиб борилган ислохотларда ўз аксини топди.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, мамлакат кўплаб сиёсий кучлар томонидан тоталитаризмда, диктаторлик бошқарувига асосланганликда айбланишига қарамасдан, ўз ривожланиш йўлини, сиёсий модернизациялашувни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги маърифий демократияни шакллантиришда, фуқаролик жамиятини қуришда тараққиётнинг ўзбек моделидан фойдаланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, мамлакат ўз тараққиётини фуқаролик жамияти шакллантириш билан боғлаганлиги тарихий ҳақиқатга айланди.

3 &. Сиёсий модернизациянинг янги босқичи - давлат ҳокимиятидаги институционал ўзгаришлар ва жадаллашган демократия

2016 йилнинг иккинчи ярмида мамлакатнинг биринчи раҳбари И.Каримовнинг вафоти ва ҳокимиятга Ш.Мирзиёевнинг келиши билан, мамлакат сиёсий ҳаётида, ҳокимият тизимида, бошқарувда, сиёсий модернизациялашувида бутунлай янги жараёнлар бошланди. Бу жараёнлар жаҳон ҳамжамияти билан кенгрок интеграциялашишга, бошқарув тизимида самарадорликни янада оширишга, демократик руҳни янада бойитишга, халқнинг аҳволини, қийинчиликларини кўпроқ ўрганган ҳолда, сиёсий қарорлар қабул қилишга ва яна кўплаб вазифаларни қамраб олишга асосланган эди.

Узоқ йиллар давомида мамлакат Бош вазири сифатида фаолият юритган Ш.Мирзиёев мамлакатни давлат бошқарувига келиши биланок, узоқ йиллар давомида ечимини кутиб турган муаммоларнинг ечими борасида кўплаб институционал ўзгаришларни жорий қила бошлади. Сиёсий модернизациянинг мутлақо янги йўналиши сифатида бошланган кейинги даврда жадаллашган демократия шароити, аввало, фуқароларнинг руҳиятида демократияни қарор топтириш ва давлат бошқарув институтларининг фаолиятини бутунлай янгича ислоҳ қилиш масалалари билан бошланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўз ичига олган, 2017 йилнинг 7 феввалида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги № ПФ-4947 сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони барча ислохотлар учун муҳим асос бўлди. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши: - давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш сингари энг устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу жараёнларда:

Сиёсий ислохотларда самарадорликни оширишга қаратилган янги сиёсий тузилмалар ва институтлар ташкил қилинди:

1. Халқнинг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг кўламини аниқлаш, уларга ечим топиш учун давлат ҳокимияти органларининг ёппасига сафарбар қилинишини таъминлаш, республика бўйича туманлар, вилоятлар Қорақалпоғистон Республикаси, тармоқлар ва соҳаларнинг фаолиятини баҳолаш учун ўта ноёб янги институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва унинг минтақавий бўлимлари ташкил қилинди ва йўлга қўйилди. Бу ўзига

хос барометр сифатида тез орада ўзининг самарадорлигини намоён қилди.

2. Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва хоказолар мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

3. Ижро ҳокимиятининг асосий институти ҳисобланган Вазирлар Маҳкамаси ҳам кенг ислохотларни бошдан кечирди, унинг фаолиятида энг самарали механизмлар доимий такомиллаштирилмоқда. 2017 йил 27 ноябрь куни «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, ҳукумат аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг самарали ва натижали ишини таъминлаш, уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта шакллантирилиб, янги комплекслар ва вазирлик ташкил этилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбарлари лавозимлари киритилди (Бу комплекс шу вақтгача бош вазир тасарруфида бўлган Соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-

таҳлил департаменти ҳамда Маданият, санъат ва туризмни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти ўрнида юзага келган). Умуман олганда қисқа вақт мобайнида Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ислоҳ қилишга қаратилган кўплаб ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3825-сон қарори, 2018 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4065-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4101-сон қарори) қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5644-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 28 январь куни ПҚ-4136 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Унга биноан қуйидаги тузилмалар тасдиқланди:

- Бош вазирнинг котибияти, протокол хизмати ва матбуот хизмати;

- Ҳукуматнинг Олий Мажлисдаги Ваколатли вакили котибияти (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида) ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ-3294-сон қарори асосида);

- Халқаро ҳамкорлик бўлими;
- Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими;

- Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибияти;

- Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти;

- Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари котибиятлари;

- Ҳукумат аппарати бошқарувчиси, унинг ўринбосарлари, котибиятлари ва Ҳукуматнинг функционал бўлинмалари ташкил қилинди.

Ҳукумат фаолияти учун биринчи марта хорижлик мутахассис жалб қилинди ва унинг мақоми Бош вазир ўринбосари сифатида белгиланди. Бундан ташқари мамлакатимиз раҳбари томонидан “Биз янги йилдан бошлаб сиёсий ҳаётимизда яна бир амалиётни жорий этамиз. Кириб келаётган йилнинг бош ҳужжати бўлган Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича Бош вазир ва ҳукумат аъзолари амалга оширилган ишлар ҳақида Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳар чоракда ҳисобот бериб боради. Бу жараён оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши лозим” [52;].

4. Ислохотларнинг суъратига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳам ўзгаришларни бошдан кечирди. Мамлакат раҳбарининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519 сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Кўзланган мақсад, давлат раҳбарининг конституциявий ваколатларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро келишиб ишлаши ва муносабатлари, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш ва фаровонлигини ошириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жиддий назорат ўрнатишдир. Шунингдек, Администрация таркибига раҳбар, шунингдек, тегишли йўналишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари фаолиятини бошқарувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси лавозимлари жорий этилди. Администрация Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантириладиган давлат органи ҳисобланади ва бевосита унга ҳисоб бериши белгиланди. У

Президентнинг ахборот-таҳлил, ташкилий-назорат фаолияти назоратини таъминлайди. Давлат раҳбари Администрация фаолиятини бошқаради, Администрация раҳбари эса, Администрация тузилмалари ўзаро уйғун ва мувофиқ фаолият юритишини таъминлайди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси – Спичрайтер лавозими жорий этилди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва маърузаларини тайёрлаш вазифаларини бажаради.

5. Яна бир сиёсий ўзгариш бу - маҳаллий ҳокимликларнинг масъулияти ва ваколатларининг кенгайтирилиши билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, олдинги босқичдаги амалга оширилган маъмурий ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти бошқарув органлари сони кескин қисқартирилган эди. Янги сиёсий ўзгаришларнинг бошланиши натижасида, ҳокимиятнинг бошқарув тузилмаларига кенг ўзгаришлар жорий қилинди. Ҳоким ўринбосарларининг мақоми ўзгартирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон фармони эълон қилинди.

Умумий бошқарув туман вилоят ёки шаҳар ҳокимининг қўлида бўлсада, ҳудуд 4 секторга бўлинган ҳолда, ижтимоий, иқтисодий масалаларга жавобгар сифатида туман ҳокими, туман прокурори, туман ИИБ ва туман солиқ инспекцияси масъулиятига топширилди. Бундай бўлинишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб 2019 йилнинг 8 январида мамлакат раҳбари томонидан имзолаган “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПКҚ-4102 сон Қарорини кўрсатиш мумкин. Давлат раҳбари томонидан маълум бир даврдаги тўпланиб қолган муаммоларнинг ечими учун маълум бир муддатни қамраб оладиган тактик қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

6. Мамлакат аҳолисининг 70 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда ушбу қатламга нисбатан ўзига хос ижтимоий сиёсат олиб бориш лозимлигини англаб етган мамлакат

рахбари бу соҳани ҳам бутунлай янгилашни, ислоҳ қилишни бошлади. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти қониқарсиз дея баҳоланди. Унинг ўрнига Ёшлар иттифоқи ташкил қилиниб, ушбу ташкилот фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакат раҳбарининг 2017 йил 5 июлида “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5106 сонли фармони, 2017 йил 18 июлда “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138 сонли қарори эълон қилинди.

Ёшлар иттифоқининг раисининг мақоми дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси даражасига кўтарилди. Кейинги ислохотларнинг давоми сифатида Президент маслаҳатчисининг ўринбосари даражаси берилди. Бундан ташқари, ташкилот ҳар томонлама давлат дастурлари доирасида қўллаб қувватланиб келинмоқда. Ёшларнинг реал муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш, масалаларни кечиктириб бўлмас стратегик вазифалар қаторида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

7. Жадал сиёсий ўзгаришлар қаторидан ислохотларнинг маънавий асослари ҳам четда қолмади. Дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этарди. Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этарди. Шу ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, 2017 йилнинг 28 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160 сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани

ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил қилинди.

- Марказнинг асосий вазифалари сифатида қуйидаги вазифалар белгиланди: - мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат «Маърифат» тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш; - дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш; - ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, Интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва хоказо. Ислохотларнинг ушбу мазмуни мамлакатимизда ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришнинг асосида маънавият бўлиши лозимлиги қатъий белгиланди.

- Мамлакат раҳбари томонидан олиб борилган янги сиёсий йўналишнинг яна бир хусусияти – бу миллий хавфсизлик тизимининг ваколатлари демократик ўзгаришларга мос равишда ислоҳ қилинганлигидир. Кўплаб хорижий экспертлар томонидан давлат ичидаги давлат сифатида эътироф этилган Миллий хавфсизлик хизмати олдинги сиёсий тузум даврида жуда катта ваколатларга эга бўлганлиги, сиёсий ривожланиш учун жуда катта тўсиқ бўлганлиги, мухолифат фикрини бутунлай қатағончилик сиёсатини олиб борганлиги, маҳаллий ҳокимиятдан тортиб, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳаларгача барчасининг

устидан кучли назорат ўрнатганлиги ва охир оқибат жуда катта коррупция ўчоғига айланиб қолганлиги мамлакатимиз раҳбари томонидан кўп бора таъкидланган эди. Шу муносабат билан ташкилотнинг ваколатлари ва мақоми бутунлай ўзгартирилди ва мамлакат раҳбари «Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади. Шулар қаторида 2018 йил 15 март куни Сенат томонидан билан бир вақтда “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” Қонуни маъқулланди.

- Жадаллашган демократиянинг мантикий давоми сифатида мамлакат раҳбари томонидан сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси ва уларнинг фракциялари фаолиятини жонлантириш, шунингдек сайлов тизимини янада такомиллаштириш борасида катта ислохотларга старт берилди. Мамлакатда сайлов қонунчилигига ўзгартириш киритиш, Экологик ҳаракатнинг депутатлари сайлов жараёнларини ўтамасдан депутат сифатида сайланиш масалалари ҳам ўз умрини яшаб бўлганлиги эътироф этилди. Мамлакатда янги сиёсий куч Ўзбекистон Экологик партияси ташкил топди.

- Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2018 йилги Олий Мажлисга Мурожаатномада;

- парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш лозимлиги;

- Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритиш;

- Бўлажак вазир парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилсин ва унга эришиш йўллари асослаб бериши, лавозимга муносиб эканини исботлаши;

- жойлардаги маҳаллий кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш бўйича ҳам мана шундай амалиётни жорий этиш лозимлиги;

- Парламент назоратининг таъсирчан шаклларида бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият бериши;

- ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий

менежмент усуллари кенг қўллаш масалалари илгари сурилди[52;].

Учинчи боб бўйича хулосалар

Умуман олганда, янги босқичда сиёсий модернизациянинг бир мунча динамик хусусият касб этаётганлиги, давлатнинг халқаро ҳамжамият билан чуқур интеграциялашуви, жадаллашган демократияни самарали амалга оширишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида мазкур бобга татбиқан қуйидаги хулосалар шаклланди:

Ўзбекистонда сиёсий модернизациялашувнинг мураккаб жараёнлари мустақилликнинг дастлабки йилларида вужудга келган муаммолар ва ихтилофларда намоён бўлган эди. Собиқ СССР тизимини қўмсаш, коррупция ва жинойтчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, миллий мафкура, диннинг сиёсийлашуви, нодавлат нотижорат ташкилотларининг сиёсийлашуви, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг нофаоллиги муаммолари, замонавий кадрлар билан таъминлаш муаммоси, сиёсий маданият муаммолари, оав фаолияти замон талабларига жавоб бермаслиги сингари масалалар мамлакат сиёсий модернизациялашувига бугунги кунга қадар ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги, Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг динамикаси ва йўналишларини белгилашда ушбу омиллар ҳисобга олинаётганлиги, ушбу муаммолар ва ихтилофларни бартараф этиш йўлида кўплаб сиёсий ўзгаришлар талаб этилиши доимо диққат эътиборни талаб этмоқда.

Сиёсий модернизациянинг янги босқичи — давлат ҳокимиятидаги институционал ўзгаришлар ва жадаллашган демократия Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун моҳиятини ташкил этади ва эндиги асосий масала, бошланган жадал демократик ислохотларнинг самарадорлигини ва барқарорлигини таъминлашдир.

ХУЛОСА

Монографияда сиёсий модернизация жараёнларини илмий тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган изланишларнинг кўрсатишича, бугунги кунда сиёсий фанлардаги энг долзарб мавзулардан бири бўлган *сиёсий модернизация* назариясига доир қарашлар ўтган асрнинг 50-60-йилларида вужудга келган. Мазкур даврга қадар сиёсий ривожланиш ва мамлакатлардаги сиёсий ўзгаришларни, ислохотларни, демократлашув жараёнларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий тадқиқотларда сиёсий модернизация термини учрамайди, сиёсатшунослик фанида категория сифатида ўрин олмаган. Модернизация термини бу даврга қадар технология, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга нисбатан қўлланилган.

Сиёсий модернизация назарияси ўз тадқиқот йўналишларига кўра уч –консерватив, либерал ва полиархия назарияларига бўлинади. Ушбу назарияларнинг барчасида демократлашув учун жамиятда тинчлик ва барқарорлик сақланиши энг муҳим омиллар қаторига киритилган.

Сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилиш натижасида сиёсий модернизациянинг қуйидаги ўзига хос тушунчалари, қоидалари, таърифлари ва ривожланиш тамойилларига доир хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Жамият ривожланиши натижасида инсониятнинг турли соҳалардаги ҳаётий эҳтиёжлари ортиб борган, ушбу эҳтиёжларнинг қондирилиши учун бошқарув (сиёсат) соҳаси ҳам доимий такомиллашувни талаб қилган. Бошқарувнинг такомиллашуви натижасида сиёсатда модернизация жараёнлари табиий равишда юз берган.

2. Модернизация дастлаб Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада XVII аср ва XIX асрда юзага келган ва ривожланган концептуал парадигма бўлиб, кейинчалик - XIX аср ва XX асрда Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига тарқалган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимдаги такомиллашиш ва ўзгаришларга қаратилган жараёнлардан иборат.

3. Сиёсий модернизация кенг қамровли тушунча бўлиб, бу ижтимоий тизимнинг: иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, маданият, таълим ва бошқа турдаги барча таркибларида ўзгаришлар рўй бериши сингари умумий жараёнларнинг сиёсатга оид бўлган қисмидир.

4. Сиёсий модернизация – бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги муносабатларнинг доимий эволюцион ривожланиб бориши.

5. Сиёсий модернизация анъанавий жамиятдан ривожланган замонавий жамиятга ўтиш билан боғлиқ бўлиб, барча сиёсий институтларнинг фаолияти такомиллашуви билан асосланади.

6. Модернизациядан мақсад – иқтисодий юксалиш, тенглик, демократия, барқарорлик, фаровонлик, адолат, тартиб-интизом каби социал қадриятларни жорий қилиш, шунингдек, уларнинг акси бўлган камбағаллик, тенгсизлик, қатағон, зўрлик, шахснинг бировга, жамият ёки давлатга қаттиқ боғланганлиги сингари тузумдан модернизациялашув орқали халос бўлишидир.

7. Сиёсий модернизация концепцияси илмий-техникавий тараққиёт, ижтимоий-тузилмавий ислохотлар, меъёрий ва қадриятий ўзгаришлар натижасида анъанавий жамиятдан оқилона жамиятга ўтишнинг характери ва йўналишларини кўрсатиб берадиган цивилизациявий глобал жараёнларнинг умумий моделларини асослашни англатади.

8. Сиёсий модернизация –кейинги вақтларда кўп тилга олинаётган ва баҳсларга сабаб бўлаётганидек, вестернизация эмас, балки ҳар бир жамиятнинг ўз миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги замонавийлашиб бориши.

9. Демократик транзит назарияси сиёсий модернизацияга зид бўлиб, ривожланган Ғарб давлатларининг баъзи элементлари, яъни сиёсий партиялар, парламент ва ҳоказолар классик институтлари ва тажрибаларидан фойдаланса бўлади, лекин уларнинг сиёсий тизими ёки демократиясини айнан кўчириб олиш фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

10. Сиёсий модернизация – анъанавий ёки эндигина ривожланаётган давлатларнинг сиёсий қолоқлик элементларини бартараф этиш борасидаги ислохотлари сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

11. Сиёсий модернизация – айнан анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш эмас, балки замон талаблари асосида ривожланиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун имконияти йўқ ёки етмайдиган маълум бир қолоқ сиёсий тизимдан бошқа бир тизимга трансформациялашув ҳамдир.

Собиқ социалистик лагерь таркибига кирган давлатлардаги сиёсий ўзгаришлар – айнан юқорида келтириб ўтган трансформациялашаётган сиёсий модернизация жараёнларига мос келади.

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди:

1. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари миллий-маданий қадриятларни ҳисобга олган, дунёнинг тараққий этган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди;

2. Минтақада нотинч вазиятнинг мавжуд бўлганлиги туфайли барқарорликнинг таъминланиши учун мамлакат томонидан катта миқдорда ресурслар сарфланган сиёсий модернизация жараёнлари амалга оширилишидаги мураккабликлардан бири сифатида намоён бўлди;

3. Ўтиш даври шароитида кучли ижтимоий-сиёсий беқарорлик келиб чиқиш хавфи ва бошқа бир қанча объектив таҳдидлар сақланиб қолган шароитда мамлакатда дастлаб барқарорликни таъминлашга қодир ва фавқулодда ҳолатларда тез ва самарали фаолият кўрсата оладиган кучли ижро ҳокимияти шакллантирилди.

4. Собиқ иттифокдан мерос қолган иқтисодий инқироз шароитида кўп сонли аҳолига эга бўлган, мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қиладиган ҳолатда аҳолини ижтимоий ларзалардан эсон-омон ўтиб олишини таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилди, бу сиёсат давлат даражасидаги энг муҳим вазифалар қаторига киритилди.

5. Ўтган мустамлакачилик даврида халқимизнинг тарихига, маданияти, маънавияти, қадриятларига нисбатан олиб борилган чуқур тажовузлар туфайли халқимизнинг деярли унутилаёзган маънавий қадриятлари ва узоқ йиллик маданиятини тиклаш масалалари кун тартибидаги энг асосий масалалар қаторига қўйилди.

6. Сиёсий модернизация жараёнларида энг асосий омил вазифасини ўтайдиган замонавий кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Монографияда сиёсий модернизация жараёнларини илмий тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган изланишлар натижасида

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги тавсиялар шакллантирилди:

1. Ижтимоий муаммоларнинг ечими билан боғлиқ масалаларга фуқаролик жамияти институтлари кенгроқ жалб қилиш ва бунда уларнинг масъулиятини ошириш, маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим

2. **Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаоллигини ошириш**, уларнинг кадрлар билан таъминланишига янада кўпроқ эътиборни қаратиш, замонавий ишлаш услубларини такомиллаштириш, турли давлат дастурларида қатнашишларига имконият яратиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг мафкуравий платформаларини, **дастурларининг мазмуни фуқаролик жамияти тараққиётига муносиб тарзда доимий янгилаб бориш зарур.**

3. Мамлакатнинг сиёсий модернизациялашувидаги муҳим вазифалардан бири – жамиятдаги манфаатларни ўзида акс эттира оладиган ва уларни таъминлаб берадиган тизимни шакллантириш.

4. Мамлакатда онг-тафаккури ўзгариб бораётган фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларни демократик ислохотларнинг олға силжишини таъминлайдиган кучга айлантириш, уларда кучли фуқаролик позициясини янада кучайтириш;

5. Жамиятдаги манфаатлар мазмунига қараб, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш;

6. Маъмурий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш борасида ижро ҳокимияти функцияларининг аниқ чегараларини белгилаш, маҳаллий вакиллик органларининг ролини ва масъулиятини янада кучайтириш;

7. Жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантириш ва мазкур соҳа ишларида жамоат арбобларини, зиёлиларни, халқ ичида обрў-эътибори баланд инсонларни жалб қилиш;

8. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмларини янада такомиллаштириш, унга демократик мазмун-моҳият берадиган замонавий мутахассисларни тайёрлаш, зарурий ҳолларда шартнома асосида хориждан таклиф қилиш;

9. Нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий, сиёсий, маърифий соҳаларга ННТларни кенг жалб қилиш, улар орқали фуқаролар фаоллигини ошириш;

10. ННТлар, ОАВ ва бошқа демократик институтларни малакали кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиш, хорижий тажрибани кенг жорий қилиш;

11. Давлат дастурларида сиёсий ва фуқаролик институтларнинг, жамоат ташкилотларининг иштирокини кенгайтириш;

12. Сайлов тизимини, мамлакат вакиллик органларига депутатларни танлаш тизимини бутунлай қайтадан кўриб чиқиш, замонавий меъёрлар ва тартибларни жорий қилиш;

13. Бутун дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатнинг бошқарув тизимида сиёсатшуносларни, сиёсий технологларни кенгрок жалб қилиш, уларнинг мавқеини юксалтириш;

14. Сиёсий модернизация жараёнларини таҳлил қиладиган, истиқболли лойиҳалар ва таҳлиллар ишлаб чиқадиган сиёсий ақл марказларини кўпайтириш;

15. Сиёсий ислохотларнинг бевосита иштирокчиси бўлган раҳбарларнинг бошқарув қобилияти ва салоҳиятини шакллантириш, ривожлантириш ва оширишга қаратилган турли имижмейкерлик мактаблари, курслари ташкил қилиш ва бўлажак раҳбарларнинг бу борадаги кўникмаларини нодавлат таълим тизими сифатида йўлга қўйиш (давлат монополиясидан чиқариш);

15. Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришни тарғиб қилувчи тизимни янада такомиллаштириш учун республика таълим муассасаларига сиёсий партиялардан, ННТлардан, ОАВлардан, маҳаллий ҳокимиятлардан вакилларни дарсларга кенг жалб қилиш ҳам сиёсий модернизация жараёнларининг янада такомиллашувига муҳим туртки берадиган омил ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси». –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил – №4. –Т.: Адолат, 1993. – Б. 153-178.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 й. 26 декабрь.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 2 (1250), 1997. – Б. 11-19.

4. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. 1997 йил 28 августда Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси тасдиқлаган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 9 (1257), 1997. –Б. 23-33.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 5 (1277), 1999. – Б.61-73.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Халқ сўзи, 2002. – 6 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. –Тошкент: Халқ сўзи, 2002. –12 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Қонуни. 2003 й. 23 август. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 4-5 (1252-1253). – Б.36-44.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 2 (1250), 2004. – Б.32-41.

10.Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). -Тошкент Ислон Университети, 2005. – Б.76-89.

11..»Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида Қонун. «Халқ сўзи» газетаси 2013 йил 23 апрелдаги 77 (5751)-сони.

12. Ўзбекистон Республикаси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 6 майдаги 87 (6017)-сони.

13. Ўзбекистон Республикаси «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сони;

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” Қонуни. 2018 йил. (www.lex.uz)

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. (www.lex.uz).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлидаги ПФ-5106- сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони (www.lex.uz).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185- сонли “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони (www.lex.uz).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395- сонли «Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (www.lex.uz).

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519- сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (www.lex.uz).

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644- сонли «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (www.lex.uz).

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ-3294- сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори (www.lex.uz).

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138- сонли “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (www.lex.uz).

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 28 июлидаги ПҚ-3160- сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори (www.lex.uz).

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3403- сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (www.lex.uz).

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3825- сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (www.lex.uz).

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4065- сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (www.lex.uz).

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4101- сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (www.lex.uz).

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 28 январдаги ПҚ-4136- сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори (www.lex.uz).

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 8 январдаги ПҚ-4102- сонли “Худудларни комплекс ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (www.lex.uz).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва нутқлари

30. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б.

31. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

32. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

33. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

34. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

35. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

36. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

37. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

38. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 423 б.

39. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

40. Каримов И.А. Тинч ҳаёт ва мамлакат хавфсизлиги халқимизнинг жипслиги ва қатъий иродасига боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

41. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

42. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14. –Т.: «Ўзбекистон», 2006. –280 б.

43. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.

44.Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. –200 б.

45.Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 30 август 2007 йил (172-сон).

46.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т., «Ўзбекистон». 2016. – 56 б.

47.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т., «Ўзбекистон». 2017. – 104 б.

48.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. –Т., «Ўзбекистон». 2017. – 48 б.

49.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т., «Ўзбекистон». 2017. – 488 б.

50.Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаоллигимизга берилган энг олий баҳодир. –Т., «Ўзбекистон». 2018. – 507 б.

51.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/vatanimiz-ta-diriva-kelazhagi-y-lidayanada-amzhi-at-b-lib--15-06-2017>.

52.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

III. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар.

53.Амонов Б.А. Жамият модернизациясида замонавий технологияларнинг ўрни // Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик муаммолари: республика илмий-амалий конф. материаллари. – Тошкент, 2018.

54.Демократия асослари (мақолалар тўплами) – Т.: Университет, 1997. – 352 б.

- 55.Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. –Т.: Академия, 2000. – 351 б.
- 56.Жакбаров М. Комил инсон ғояси. –Т.: Янги аср авлоди. 2002. –188 б.
- 57.Жалилов Ш. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар.–Т.: Ўзбекистон, 1994. –192 б.
- 58.Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Т.: Шарқ, 1998. – 144 б.
- 59.Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Т.: Фан, 1996. – 207 с.
- 60.Жўраев Т. Мустақил тараққиётнинг масъулиятли паллалари // Жамият ва бошқарув. 2005. №4. – 120 б.
- 61.Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: “Академия”, 2007. –252 б.
- 62.Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият. 2002. – 80 б.
- 63.Жўраев С., Токсанов Д. И др. Правовое государство: независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4-х томах. –Т.: Адолат, 1994.–155 с.
- 64.Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. (Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами). – Т.: Шарқ, 2003. –204 б.
- 65.Идиоров У. Ўзбекистон: замонавий демократлашув жараёнларининг концептуал асослари. – Т.: Тиббиёт, 1997. –168 б.
- 66.Идиоров У. Ўтиш даврининг концептуал муаммолари. // Жамият ва бошқарув. 2004. №4. – 140 б.
- 67.Исломов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.
- 68.Касимов Н. Мустақиллик: курашлар даври. – Т.: Фан. 2001. – 214 б.
- 69.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –366 б.
- 70.Назаров Қ. Ўзбекистонда демократик жамият асосларини шакллантириш вазифалари. // Жамият ва бошқарув. №2. 2005. – 130 б.
- 71.Норматов К., Прудников Ф. Ўзбекистон Мустақиллик йўлида. – Т.: Фан, 1993. –55 б.

72.Одилқориев Х. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 40 б.

73.Орифхўжаев С. Ўзбекистонда бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг янги йўналишлари. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №3 (35) 2006. –130 б.

74.Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 262 б.

75.Пахрутдинов Ш.И. «Таҳдид» тушунчаси: назария ва амалиёт. –Т. Абу Али Ибн Сино нашриёти, 1998. – 63 б.

76.Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид ҳалокатли куч. –Т.: Академия, 2001. –320 б.

77.Сулайманова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. –160 б.

78.Темур тузуклари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. –144 б.

79.Умаров Б. Демократик “транзит” назария ва амалиёт. // Жамият ва бошқарув. 2005. №2. – 130 б.

80.Форобий А.Н. Фозил одамлар шахри. –Т.: Халқ меъроси, 1993. –224 б.

81.Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 384 б.

82.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003. – 512 б.

83.Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Т.: Академия, 2002. – 56 б.

84.Эргашев И. Демократия моделлар хилма-хиллиги, миллийлик ва умуминсонийлик // Фидокор. –2005. 22 декабрь.

85.Юнусов К. Ўзбекистон: сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т.: Шарқ, 2002. – 163 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

86.Абдурахмонов Ф.Р. Мустақиллик шароитда миллий манфаатлар муаммолари» Ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фан. д-ри. ... дисс. – Т., 1995. – 301 б

87.Алимардонов Т.Т. Мустақиллик шароитида жамиятнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиши: назария ва амалиёт: Сиёсий фан. ном. ... дисс. автореф. –Т., 1998. – 29 б.

88. К. Асирбабаева «Республика Корея и Республика Корея: процессы модернизации и перспективы сотрудничества» Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. Т., 2007. – 29 с.

89. Жумаев О. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиши хусусиятлари: Сиёсий фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2001. – 22 б.

90. Жумаев Р.З. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Автореф. дисс. ... д-ра полит. наук. – Т., 1996. – 29 с.

91. Жураев Н.К. Место и роль политического лидера в условиях социально-политических реформ в Узбекистане: Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Т., 1997. – 33 с.

92. Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши эволюцияси ва амалиётда қўлланилиши. Сиёсий фан. д-ри. дисс. автореф. – Т., 2001. – 69 б.

93. Жўраев С.А. особенности формирования государственной молодежной политики Республики Узбекистан в переходной период: теория и практика. Дисс. ... д-ра полит. наук. Т., 1994. – 169 с.

94. Жўракулов Ф. Фуқаролик жамиятини куриш шароитида давлат ижроия ҳокимиятини модернизациялаш. Сиёсий фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Т., 2018. – 246 б.

95. Зарипова З. Международные и национальные аспекты политической модернизации (на примере Японии). Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. Т., 2006. – 59 с.

96. Идиоров У.Ю. Ҳозир замон демократлашув жараёнларининг концептуал асослари ва мустақил Ўзбекистон тажрибаси: Сиёсий фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т., 2006. – 50 б.

97. Маматқобилов Т.Д. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимоя сиёсати: генезиси, эволюцияси ва амалиёти. Сиёсий фан. ном. ... дисс. автореф. Т.: 2006. – 19 б.

98. Муллажонов М.М. Ўзбекистонда демократик жамият куришда ижтимоий ва сиёсий институтларнинг роли: Сиёсий фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2006. – 22 б.

99. Назаров Н.А. Жамиятда миллий этник жараёнлар ривожининг сиёсий-фалсафий таҳлили: Сиёсий фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2005. – 50 б.

100. Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократик давлат курилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди: Сиёсий фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2001. – 52 б.

101. Тўракулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. Сиёсий фан. д-ри ... дис. – Т., 2006. – 145 б.

102. Умарова Н.Т. Жамият сиёсий маданиятининг шаклланишида этник феъл-атвор стереотипларининг ўрни. Сиёсий фан. ном. ... дисс. Т. 1998. – 90 б.

103. Файзуллаев Т. Процессы укрепления государственной независимости Узбекистана: теория и практика: Автореф. дисс. ... д-ра. полит. наук. – Т., 1998. – 62 с.

104. Хайдаров А.Х. Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни: Сиёсий фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2005. – 30 б.

105. Холбеков А.Ж. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари (Сиёсий – социологик таҳлил): Социология фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2001. – 53 б.

106. Шерниязова Г.У. Проблемы взаимоотношения демократии с политической культуры в Республике Узбекистан: Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Т., 2001. – 24 с.

107. Эргашев И. Политика государства независимого Узбекистана на селе; теория и практика. Дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент, 1995. – 46 с.

108. Юнусов К.А. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни тузилмавий-функционал тадқиқ этиш муаммолари: Сиёсий фан. д-ри ... дисс. автореф. Т., 2003. – 50 б.

109. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фан. д-ри ... дисс. автореф. Т., 2007. – 44 б.

110. Қудратходжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Сиёсий фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2005. – 50 б.,

111. Қодиров А. Маънавият – демократия пойдевори. Педагогик кадрлар малакасини оширишнинг сифат босқичи: муаммолар,

ечимлар, истикболлар. (Илмий-методик анжуман материаллари) – Т.: ЎзМУ, 2003. –16-18 б.

112. Қодиров А.Қ. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005. –124-б.

113. Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –78 б.

V. Хорижий илмий адабиёт ва манбалар

114. Алмонд Г., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии / Пер. с англ. Л. А. Галкиной // Ж. Полис. –1992. №4. – С. 122 - 134.

115. Аптер Д. Формы и методы политического познания. – США, Нью-Йорк, 1971.

116. Аптер Д., Шиле Э. Политическая модернизация в начале XX века. – М., 1936.

117. Aron, Raymond. Ionescu, Valence, Democracy and totalitarianism, Weidenfeld and Nicolson. – London 1968. – 262 p.

118. Арон Р. Демократия и тоталитаризм. – М.: Текст, 1993. – 297с.

119. Aslan Yavuz Şir. Political modernization and informal politics in Uzbekistan. In partial fulfillment of the requirements for the degree of master of science in eurasian studies. –July 2007. – 139 p.

120. Bentley A. The Process of Government: A Study of Social Pressures. –Cambridge (Mass.), 1967. – 501 p.

121. Белов Г.А. Функции политической системы // –Кентавр. 1995. №3. – С.152.

122. Беляева Л. Россия перед историческим выбором. // Свободная мысль. 1993. № 15. С. – 56-66.

123. Бергер Я.М. Модернизация и традиция в современном Китае.// Ж. Полис. 1995. №5. – С. 60-77.

124. Бжезинский З. Великая шахматная доска. – М., 2000. – 256 с.

125. Бжезинский З. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. – М.: Международные отношения, 2004. – 287 с..

126. Братерский М.В Теория модернизации: обзор американских концепций. // США: экономика, политика, идеология. 1990. –№ 9. –Б. 26-29;

127. Вайнштейн Г. Посткоммунистическое развитие глазами западной политологии. // Мировая экономика и международные отношения. 1998. –№ 6. –С. 144-154.

128. Weber, J. Die Interessengruppen im politischen System der Bundesrepublik Deutschland. Kohlhammer. –Stuttgart, 1977.

129. Weber M. The Methodology of the Social Sciences. The Free Press, 1949. – 188 p

130. Weber M. The Protestant Ethic and the Spirit of Capitalism, 2nd ed. Routledge (original work published 1904). 2001. – 271 p

131. Володин А.Г. Гражданское общество и модернизация в России. Истоки и современная проблематика. // Полис. 1996. –№2. – 107 с.

132. Гаджиев С.К., Володин А.Г., Хенкин С.М. “Три консенсуса” на пути к демократии.// Ж. Полис. 1993. № 3. – С.189.

133. Гончаров Д.Б., Гоптарева И.Б. Введение в политическую науку. –М.: Юрист, 1996. – 232 с.

134. Гордон Л.А., Плискевич Н.М. Развилки и ловушки переходного времени.// Ж. Полис. 1994. № 4. – С 78-80

135. Robert A. Dahl. A Preface to Democratic Theory. –University of Chicago Press, 1956. – 155 p.

136. Robert A. Dahl. Modern Political Analysis.: 1963. – 223 p.

137. Robert A. Dahl. Political oppositions in Western Democracies. New Haven, CT: Yale University Press. 1966. – 163 p.

138. Даль Р. О демократии. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 208 с.

139. Dankwart A. Rustow. Transitions to Democracy: Toward a Dynamic Model. 1970. –334 p.

140. Dahrendorf Ralf. The Crisis of Democracy, Report on the Governability of Democracies to the Trilateral Commission.Excerpts of remarks by Ralf Dahrendorf on the governability study. NY: New York University Press. –P 36.

141. Deutsch Karl Wolfgang. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. 1966. – 316 p.

142. Де Токвилль. Демократия в Америке. – М.: Прогресс, 1999. – 560 с.

143. Durkheim, Emile. The Division of Labor in Society. 1893. The Free Press (reprint 1997). – 352 p.

144. Durkheim, Emile. 1895. Rules of Sociological Method. The Free Press (reprint 1982) New York : Free Press, 1982. – 264 p.,

145. Дюверже М. Политические партии. – М.: Прогресс традиция, 2000. – 480 с.
146. Eisenstadt S.N. Revolution and the Transformation of Societies: A Comparative Study of Civilizations. Free Press, 1978. – 348 p.
147. Eisenstadt S.N. Frameworks of the Great Revolutions: Culture, Social Structure, History and Human Agency// International Social Science Journal. 1992. –133 p.
148. Eisenstadt S.N. Cultural Traditions and Political Dynamics // British Journal of Sociology. 1981. № 32. –Р.155-181.
149. Запад уникален, но не универсален. // Мировая экономика и международные отношения. (1997). № 8. – С.122-132
150. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. 1963. –Р. 11.
151. Ильин М.В., Мельвиль А.Ю., Фёдоров Ю.Е. Демократия и демократизация. // Ж. Полис. 1996. № 5. – С. 159
152. Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Ж. Полис. –1997. -№4. –С.7-29
153. Киселёв В.П., Румянцев А.М., Трибуненко М.Е. и др. Экономические и политические реформы в странах Восточной Европы и Азии. – М.: Наука, 1992. – С. 130-144.
154. Красильщиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века.//Вопросы философии. 1993. № 7. – С. 40-56.
155. Красильщиков В.А. Мировые модернизации и судьбы страны. // Свободная мысль. 1999. № 1. –93 с.
156. Купряшин Г.Л. Политическая модернизация. –М.: Общество «Знание» РСФСР. 1991. –193 с.
157. Купряшин Г.Л. Политическое развитие. //Кентавр. 1994. № 2. –125 с.
158. La Palombara, Joseph, The Utility and Limitations of Interest Group Theory in Non-American Field Situations // Journal of Politics, 1960. – P.22–49,
159. Ланцов С.А. Российский исторический опыт в свете концепций политической модернизации.// Ж. Полис. 2001. №3. – С. 93.
160. Левитин Л., Дональд С. Карлайл. Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана. –Т.: Узбекистан, 1990. – 144 с.
161. Локк Ж. Два трактата о правлении. Соч. в 3-х т. Т.3. – М.: Юридиздат, 1998. –321 с.

162.Малько А.В., Матузова Н.И. Политология для юристов. Курс лекций. – М.: Юрист, 1999. –381с.

163.Макфол М. К определению задач посткоммунистических исследований. –М., 1995.

164.Марлен Ларуэлл. Uzbekistan: political order, societal changes, and cultural transformations. Washington, D.C.: Te George Washington University, Central Asia Program, 2017. –76 p.

165.Матвеева С.Я. Модернизация в России и конфликт ценностей. –М.: 1994. –250 с.

166.Michael John Parenti. Democracy for the Few, First Edition circa. 1976. –336 p.

167.Мухаев Р.Т. Политология. Учебник для студентов юридических и гуманитарных факультетов - М.: Издательство «ПРИОР», 2000. –323 с.

168.Левитин Л., Карлайл Д.С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. –120 б.

169.Olson M. The Logic of Collective Action. –New York, 1971. – 186 p.

170.Parsons Talcott. The Structure and Change of the Social System. 1983. –400 p.

171.Панченко Л.П. Армия и модернизация общества. –М., 1994. –123 с.

172.Пай Л. Логика и политическое знание. – Л., 1970.

173. Ralf Darendorf. Der moderne soziale Konflikt: Essay zur Politik der Freiheit. DVA, Stuttgart 1992.

174. Резник Ю.М. Гражданское общество и перспективы демократии. – М.: РоссАН, 1994. –554 с.

175. Ростоу Д. Переходи к демократии: Попытка динамической модели // Ж. Полис. –1996. -№5. –С. 5-15

176. Robert Alan Dahl. Polyarchy: participation and opposition. – Yale University Press, 1973. – 60 p.

177.Российская модернизация: проблемы и перспективы (Материалы “круглого стола”). // Вопросы философии. 1993. № 7. – 41 с.

178.Сергеев В.М., Бирюков Н.И. В чем секрет «современного» общества.// Ж. Полис. 1998. №2. –С. 52;

179.Федорова М.М. «Традиционализм как антимодернизм». // Ж. Полис. 1996. №2. –С. 144.

180.Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек // Ж. Вопросы философии. –1990.– №. 3. <http://kursak.net/konec-istorii-frensis-fukuyama-voprosy-filosofii-1990-n-3/>

181.Haken H. Synergetics. An Introduction, Berlin: Springer, 1977. – 325 p.

182.Хенкин С.М. “Три консенсуса” на пути к демократии. // Полис. 1993. № 3. –С. 188.

183.Herbert Spencer: An Estimate and Review by Josiah Royce. 1904. <https://archive.org/details/reviewspencer00roycuoft/page/n7>

184.Huntington S. Political Order in Changing Societies – New Haven : Yale University Press, 1968. –263 p.

185.Huntington S. The Change to Change: Modernization, Development, and Politics. Comparative Politics v. 3 n. 3. 1971: –P. 283-322.,

186.Huntington S. The Crisis of Democracy. New York University Press. 1975. –227 p.

187.Huntington S. The Third Wave: Democratization in the Late Twentieth Century. Norman: University of Oklahoma Press, 1991. –368 p.

188.Hungtenton S. The Goals of Development // Understanding Political Development. Illinois, 1994. –6 p.

189.Huntington S. Who Are We? The Challenges to America's National Identity. New York: Simon and Schuster, 2004. –448 p.

190.Samuel P. Huntington. The West: Unique, Not Universal. <https://www.foreignaffairs.com/articles/1996-11-01/west-unique-not-universal>.

191.Samuel P. Huntington, Joan M. Nelson. No Easy Choice: Political Participation in Developing Countries. Cambridge: Harvard University Press, 1976. –224 p.

192.Samuel P. Huntington. The West: Unique, Not Universal. <https://www.foreignaffairs.com/articles/1996-11-01/west-unique-not-universal>.

193.Симония Н.А. Буржуазия и формирование нации в Индонезии. – М., 1964. –200 с

194.Симония Н.А. Индонезия. – М., 1978. –135 с.

195.Сумский В.В. Почему держался так долго и почему рухнул в одночасье индонезийский «новый порядок» // Место и роль государства в догоняющем развитии. – М., 1999. –38 с.

196.The Goals of Development // Understanding Political Development. Illinois, 1994. –P 3-33

197.Schmitter, Ph. C., Truman David B. The Governmental Process. – New York, 1951.

198.Schumpeter, Joseph A. Capitalism, socialism and democracy. Floyd, Virginia: Impact Books. – 460 p.

199.Шаран П. Сравнительная политология (перевод с английского). – М., 1992. Ч. 1. –216 p

200.Цыганков А.П. Современные политические режимы: структура, типология, динамика. – М.: Интерпракс, 1995. –296 p

VI. Интернет сайдлари

201.Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <http://www.Lex.uz>.

202.Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти: Uza.uz

203.http://www.crc.mofcom.gov.cn/crweb/scor/info/Article.jsp?col_no=209&a_no=29093

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА

I БОБ. СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....

СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- 1 &. Сиёсий модернизация назариясининг моҳияти, ривожланиш босқичлари ҳамда асосий тадқиқот йўналишлари
- 2 &. Сиёсий модернизация жараёнларининг концептуал асослари
- 3 &. Хорижий мамлакатлар тажрибасида сиёсий модернизация жараёнлари

II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЗАРУРИЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА

- 1&. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг зарурати ва босқичлари
- 2 &. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларига таъсир этувчи омиллар

III БОБ. СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 1&. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари амалга оширилишидаги муаммоларнинг намоён бўлиши
- 2&. Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг динамикаси, йўналиши ва истикболи
- 3 &. Сиёсий модернизациянинг янги босқичи - давлат ҳокимиятидаги институционал ўзгаришлар ва жадаллашган демократия

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Бердиев Бекташ Охнорович

**ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мухаррир М.Бахромова

Мусаххих Д.Темирова

Компьютерда тайёрловчи Ж.Нуриллаева